



Тадбиркорлар учун Интернет

*Интернетдан бизнесда қандай
унумли фойдаланиш мумкин*

Қўлланма

«infoCOM.UZ» нашриёти
Тошкент 2012

УДК: 334. 722: 004(075)
КБК 65.9(5Ў)09+32.973-018.2

Тадбиркорлар учун Интернет.

Интернетдан бизнесда қандай унумли фойдаланиши мумкин.

Қўлланма. «infoCOM.UZ» МЧЖ нашриёти. Тошкент, 2012, 160 бет, расмлар.

Ушбу қўлланма Интернетда ишлашни ўрганмоқчи бўлган тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда куйидаги маълумотлар: тадбиркорлар учун Интернет имкониятлари, Интернет тизими тузилиши ва таркиби, Интернетда ишлаш ва электрон почтадан фойдаланиш тартиблари, Интернетда тез мулоқот қилиш технологиялари, веб-саҳифаларни яратиш мақсадлари ва имкониятлари, Интернетнинг тадбиркорлар учун имкониятлари бўйича тавсиялар, Интернетда виртуслардан ҳимояланиш тартиби, шунингдек, адабиётлар ҳамда фойдали веб-саҳифалар батафсил ёритилган.

Қўлланма фойдаланувчиларга тез вақт ичида Интернетдан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаб олишга, унинг имкониятларидан кундалик фаолиятда унумли фойдаланиш йўллариини ўрганишларига ёрдам беради.

Мазкур қўлланма БМТ Тараққиёт Дастури “Ўзбекистон Бизнес Форуми - II фаза” лойиҳаси томони-дан тайёрланди ҳамда IICA ўқув курслари қатнашчилари учун мўлжалланган “Ҳамкорликдан кейинги ёрдам” лойиҳасининг молиявий кўмаги асосида нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибий бўлиналари орқали бепул тарқатилади. Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг www.chamber.uz сайтида жойлаштирилган.

Тузувчи муаллиф: ***Сайёра Раҳмонқулова***, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Алишер Шайхоев, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Раиси,
Баходир Хошимов, Ўзбекистон Менежерлар Ассоциацияси Раиси.

ISBN-978-9943-392-06-9

«infoCOM.UZ» нашриёти 2012

БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тармоғи бўлиб, ўз олдига аъзо давлатларга билим, тажриба ва маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар киритиш мақсадини қўйган. Биз 166та мамлакатда фаолият юритамиз; ушбу мамлакатлар ривожланишига оид глобал ва миллий муаммоларнинг ечимини топишларига кўмаклашамиз.

Мамлакатлар ўзларининг салоҳиятларини ривожлантириш жараёнида БМТТД ходимлари ва кенг доирадаги ҳамкорларининг тажриба ҳамда билимларидан фойдаланадилар. Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назарларига мос келмаслиги мумкин.

© Савдо-саноат палатаси, 2012

© БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2012 йил. www.undp.uz
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.



МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Кириш	8
1- боб. Интернет ҳақида нималарни билиш зарур?	11
Тадбиркор учун Интернетнинг имкониятлари	12
Тавсифи	13
Имкониятлари	15
Интернетдан иш фаолиятида фойдаланиш бўйича маслаҳатлар	20
2-боб. Интернетдан фойдаланиш ва уни ўрнатиш тартиблари	25
Ишлаш тартиби	26
Уланиш усуллари	30
Офисга Интернетни қандай харид қилиш зарур?	34
Офисга Интернетни ўрнатиш тартиблари	35
Провайдерни танлаш бўйича тавсиялар	38
3-боб. Интернетда ишлашни нимадан бошлаш зарур?	41
Фойдаланиш тартиби	42
Уланиш ва уни ўчириш тартиби	45
Ахборотни қидириш усуллари	47
Ахборотни қидириш бўйича маслаҳатлар	52
Ахборотни кўчириш ва сақлаш тартиби	53
Вирус ва спамдан ҳимояланиш	56
Ахборот хавфсизлиги	57
Фойдали маслаҳатлар	60
4-боб. Электрон почтадан фойдаланиш тартиби	62
Электрон манзил тавсифи ва унинг имкониятлари	63
Электрон манзил таркиби	64
Электрон манзилни яратиш	66
Электрон почта билан ишлаш дастурлари	70
Электрон хатни ёзиш тартиби	74
Хатни жўнатиш	75
Хатларни қабул қилиш, ўқиш, жавоб ёзиш, ўчириш тартиби	76
Ҳужжатларни электрон хат ёрдамида жўнатиш	77
Иловали хатни ўқиш тартиби	78



Электрон почтани бошқариш тартиби	79
Манзиллар китобини яратиш ва ундан фойдаланиш.....	80
Вируслардан ва спамдан ҳимояланиш	82
Фойдаланишга оид маслаҳатлар	83

5-боб. Интернетда тез мулоқот қилиш имкониятлари..... 85

Чат ёрдамида мулоқот	86
Веб-блог	87
Форум орқали мулоқот	90
Видеоконференция	97
Интернет телефония	101

6-боб. Веб-саҳифаларни яратиш ва улар

билан ишлаш тартиби	104
Веб-саҳифа тавсифи	105
Корхонага веб-саҳифа нима учун зарур	105
Саҳифа турлари ва мазмуни таркиби	108
Веб-саҳифани яратишда нималарга эътибор бериш зарур	114
Саҳифани яратиш ва жойлаштириш	116
Бошқариш	119
Оммавийлаштириш йўллари	121
Фойдали маслаҳатлар	123

7-боб. Интернетнинг тадбиркорлар

учун имкониятлари

Интернет ёрдамида кадрларни танлаш	126
ва уларнинг малакасини ошириш	127
Электрон офис	132
Электрон реклама ва маркетинг	135
Электрон тўлов (SMS тўлов)	140
Электрон тижорат	141
Интернет дўкон	144
Эълонлар майдончаси	147
Электрон биржа	151

Адабиётлар

Илова

Илова 1. Интернетдан фойдаланиш

бўйича умумий тавсиялар

Илова 2. Фойдали веб-саҳифалар манзили ва изоҳи..... 155



Хурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (Палата) сизга мазкур қўлланмани тақдим этишдан мамнун. Ҳозирги даврда республикамизда мулкдорлар синфини шакллантириш ва хусусий секторни жадал ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Бундай сиёсат ҳар қандай бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир. Мазкур вазифаларни бажаришда Палатага муҳим масъулият юклатилган. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш Палатанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Палата ҳамкорлари қатори кундан-кунга қўпайиб бораётганлиги аъзоларимиз олдида биз учун қўшимча масъулиятдир. Фахр билан таъкидлаш лозимки, Палата аъзолари орасида кўп мингли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қаторида йирик молиявий институтлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, қўшма корхоналар сони кенгайиб бормоқда. Булар қаторида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Асака банки, Саноат қурилиш банки, Ипак Йўли банки, “UCELL” va “Doychekabel” қўшма корхоналари, “Uzvneshtrans”, “Uzprommashimpeks”, “Uzkimyosanoat”, “Uzinterimpeks”, “O’rtaOsiyoTrans” ДАК ва шу каби бошқа корхоналарни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ҳозирги кунда Палата ва унинг бўлинмалари мутахассислари томонидан тадбиркорлар ва инвесторлар учун Ўзбекистоннинг барча нуқталарида ўз вақтида юқори малакали хизмат кўрсатиш ва уларни кенгайтириб бориш мақсадида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Аъзоларимиз ва шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан бўладиган бевосита алоқани олиб бориш вазифасини бажаришда Палатанинг веб-сайти (www.chamber.uz) қўл келмоқда. Ушбу сайтда тадбиркорлик фаолиятининг барча жараёнларига оид саволларга жавоб топиш, республика ва хорижда бизнес соҳасидаги сўнгги хабарлар билан танишиш, тадбиркорликка оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар бўйича муҳим маълумотларни олиш ва келгуси ишларда фойдаланиладиган қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин.



Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳалари каби тадбиркорлик соҳасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан янада кенгроқ фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Ўзбекистон жаҳон компьютер майдонида ўзини кўрсатиши керак. Компьютерлаштиришни, Интернетни, умуман ахборот технологияларини нафақат ишлаб чиқариш ва саноатда, мактаб ва олий таълим билим юртларида, балки кундалик ҳаётимизда ҳам татбиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиш лозимдир». 2012 йил 21 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли Қарори қабул қилиниши ушбу соҳага эътибор ва ундаги ислохотларнинг устувор аҳамият касб этишидан далолат беради.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиркорлик фаолиятида янада кенгроқ қўллаш мақсадида Палата томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳаси билан ҳамкорликда “Ягона ахборот-маълумот портали” яратилди ва республиканинг барча минтақаларида инфо-киосклар ўрнатилди. Ушбу инфо-киоск орқали тадбиркорлар бизнес юртишнинг турли жиҳатларини қамраб олган тизимлашган маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролар ва тадбиркорлар учун тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш учун “SMS To’lov” тизими жорий этилди. Мазкур тизим Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида мобил телефон алоқаси, интернет ва SMS воситасида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкин. Агар коммунал хизматлари, солиқ тўловлари, мобил телефон ва интернет хизмати, турли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига тўловларни амалга оширмоқчи бўлсангиз, “SMS To’lov” сизга маъқул келади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда йилдан-йилга аҳолининг кенг қатламларига компьютер ва Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, шахснинг ри-



вожланиши ва бизнес фаолиятини янада тараққий эттириш учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Бу эса шахсдан ва айниқса, тадбиркорлардан компьютер ва Интернет технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади. Ушбу қўлланма айнан шу вазифани амалга оширишга қаратилган.

Хурматли тадбиркорлар, Интернет ва замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз фаолиятингизни янада ривожлантириш ва бизнесда янгидан-янги марраларни эгаллашингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат ва энг яхши тилаклар билан,

Алишер Шайхов,
Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси Раиси



“Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади”

Ислом Каримов

Кириш

Ушбу қўлланма кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг ахборот технологиялари соҳасида малакасини оширишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Интернет тадбиркорларга республика ягона ахборот тизимидан ва тадбиркорларнинг халқаро тизимига уланишга кўмак беради. Бу эса уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишларида ёрдам беради. Шунинг учун Интернет имкониятларидан тадбиркорликда унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу қўлланма Интернетда ишлашни ўрганмоқчи бўлган тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар батафсил ёритилган: тадбиркорлар учун Интернет имкониятлари, Интернет тизими тузилиши ва таркиби, Интернетда ишлаш ва электрон почтадан фойдаланиш тартиблари, Интернетда тез мулоқот қилиш технологиялари, веб-саҳифаларни яратиш мақсадлари ва имкониятлари, Интернетнинг тадбиркорлар учун имкониятлари бўйича тавсиялар ҳамда Интернетда вируслардан ҳимояланиш тартиби ҳамда адабиётлар, фойдали веб-саҳифалар манзили ва тавсифи келтирилган.

Ушбу қўлланма фойдаланувчиларга тез вақт ичида Интернетдан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаб олишга, унинг имкониятларидан кундалик фаолиятда унумли фойдаланиш йўлларини ўрганишларига ёрдам беради.

Қўлланма 7 та боб, адабиётлар рўйхати, ва иловалардан ташкил топган. Ҳар бир мавзу батафсил маълумотлар ва расмлар ёрдамида ёритилган. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар берилган. Ушбу топшириқларни бажариш орқали Интернетдан иш фаолиятида унумли фойдаланиш кўникмалари ҳосил бўлади. Шунинг учун топшириқларни бажаришга ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.



Биринчи бобда тадбиркор Интернет ўзи нима, у қандай тузилган ва унинг қандай афзалликлари бор каби саволларга жавоб топади. У Интернетдан иш юритишда ва бошқаришда фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатлар билан таништиради.

Иккинчи боб тадбиркор Интернет тизимининг ишлаш тартибидан фойдаланишни ва уни ўрнатиш тартибларини ўрганишга бағишланган. Унда Интернетга уланиш усуллари, уни харид қилиш тартиблари ҳамда Интернет провайдерни танлаш бўйича амалий тавсиялар келтирилган.

Учинчи бобда Интернетдан фойдаланиш тартиблари баён этилган. У Интернетга уланиш ва уланишни узиш тартиблари, ахборотни қидириш усуллари, топилган ахборот нусхасини компьютерга кўчириш қоидалари ҳамда дастурлар билан таништиради. Интернетда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ишлаш бўйича маслаҳатлар берилган.

Тўртинчи бобда тадбиркор электрон манзил нима учун зарурлиги, унинг афзалликлари, у қандай яратилади ва электрон хатлар қандай жўнатилади каби саволларга жавоб топиши мумкин. Электрон почта билан ишлаш, электрон почта дастурларидан фойдаланиш, электрон хатларни олиш, юбориш ва ҳужжатларни электрон хатларга илова қилиш тартиблари батафсил келтирилган. Почта орқали келувчи вируслардан ва спамдан ҳимояланиш, почтани бошқариш юзасидан фойдали маслаҳатлар баён этилган.

Интернетда тез мулоқот қилиш турлари ва тартиблари **бешинчи бобда** тушунтирилади. Тадбиркорлар Интернет ёрдамида мулоқот қилиш усулларида фойдаланишни ўрганадилар. Мулоқот қилиш технологияларидан фойдаланган ҳолда учрашувлар, муҳокамалар ва конференциялар ўтказиш тартиблари билан танишадилар. Ушбу тадбирларни унутиш ўтказиш йўллари ўрганадилар.

Олтинчи бобда веб-саҳифанинг корхона учун зарурати асосланади. Корхона веб-саҳифаси мазмунини таркибини тузиш, саҳифани яратиш жараёнлари, мазмунини ёритиш қоидалари, саҳифани Интернетга жойлаштириш ва уни бошқариш тартиблари батафсил келтирилади. Унда веб-саҳифани яратиш, оммавийлаштириш ва бошқариш бўйича амалий маслаҳатлар берилган.



Еттинчи бобда тадбиркорни Интернет ёрдамида ходимлар малакасини ошириш ва янги ходимларни топиш имкониятлари, корхонада электрон офис яратиш, Интернетда реклама ва маркетинг тадбирларини йўлга қўйиш, тўловларни амалга ошириш ва электрон тижорат имкониятлари билан танишиши мумкин. Электрон дўконларда маҳсулотлар сотиб олиш ва корхона эълонларини электрон майдонларда эълон қилиш тартибларини ўрганишлари мумкин.

Иловада Интернетдан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар ва оммабоп саҳифалар тавсифи берилган.

Ушбу қўлланма Интернет - тадбиркорлик фаолиятингизда янада кўпроқ муваффақиятларга эришишингизда ёрдам беради, деб умид қиламиз.

**Интернет ҳақида
нималарни билиш зарур?**

- Тадбиркор учун Интернетнинг имкониятлари
- Тавсифи
- Имкониятлари
- Интернетдан иш фаолиятида фойдаланиш бўйича маслаҳатлар



Биринчи боб





Тадбиркор учун Интернетнинг имкониятлари

Интернет бу турли-туман маълумотлар омборидир. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш учун омборга кириш имкониятига эга бўлиш етарлидир. Айнан шу имконият Интернет фойдаланувчиларини ўзига жалб этади. Айниқса, бу тадбиркорликда жуда асқотади. Интернет ёрдамида маълумотни олиш билан бирга, савдо-сотиқни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ундан унумли фойдаланиш зарур. Келинг, Интернетнинг тадбиркорликдаги имкониятларини санаб ўтайлик ва уларни мисолларда кўрайлик.



ва уруғ танлашда Интернетдан фойдаланмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, кейинги пайтларда бозорларда турли хорижий номдаги сабзавотлар сотилмоқда. Айниқса, фермерлар қишлоқ хўжалик учун зарур технологиялар анжомларини сотиб олиш учун ундан унумли фойдаланмоқдалар. Интернетда ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари ҳақидаги маълумотларни берувчи корхоналар сони ўсиб бормоқда.



Бир андижонлик мўйсафид уста Интернетдаги бунёдкорликка оид шакллардан анчадан бери иш фаолиятида фойдаланиб келмоқда. Дехқончилик билан шуғулланувчи фермерлар эса обҳавони билиш учун

Ҳаттоки, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш имконияти ҳам мавжуд. Интернет дўкони орқали буни амалга ошириш мумкин.

Тўловларни бажариш учун ҳам банкга бориш зарурати йўқолиб бормоқда. Тадбиркорлар учун



Интернет ёрдамида янгиликларни олиш ва юбориш қулай бўлиб қолди. Тадбиркорлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси веб-саҳифасидаги маълумотлар, янгиликлар ва маслаҳатлардан фойдаланиб келмоқдалар. Бу эса Интернет ёрдамида тадбиркорликни амалга ошириш имкониятлари республикамизда ривожланаётганининг далилидир.



Келинг, тадбиркор учун Интернетнинг имкониятларини санаб ўтайлик:

- *Маълумотларни олиш, сақлаш ва улар устида ишлаш.*
- *Янги билимларни олиш ва малака ошириш.*
- *Мижозларни ва ҳамкорларни топиш.*
- *Маҳсулот ва хизматларни сотиш.*
- *Маркетинг ва бозор мониторингини амалга ошириш.*
- *Рақобатчиларнинг иш фаолиятини назорат қилиш.*
- *Янги ғояларни олиш ва бизнесни ривожлантириш.*
- *Тезкор алоқа қилиш.*

Ушбу имкониятларга эришиш учун Интернетдан унумли фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, корхона ҳақидаги ахборотни Интернет омборига жойлаштириш ва уни оммавийлаштиришни йўлга қўйиш муҳимдир. Ахборотни жойлаштиришда, унинг мижозлар эътиборини тортиш заруратига эътибор қаратиш лозим, яъни дизайн ва шакли ёқимли бўлиши муҳимдир. Ушбу қўлланмада Интернет технологиялари тавсифи ва улардан фойдаланиш бўйича тавсия ва маслаҳатлар билан танишасиз. Интернет оламига саёҳатингизда муваффақиятлар тилаймиз. Агар ушбу саёҳат натижасида сизда савол ва тавсиялар пайдо бўлса, уларни ***www.bfu.uz*** ва ***www.chamber.uz*** саҳифалари орқали юборишингиз мумкин.

Тавсифи

Интернет бу глобал тармоқдир. Уни бутун жаҳон ўргимчак тўри (World Wide Web) деб ҳам атайдилар. Бу тармоқ миллионлаб компьютерлар (веб-серверлар)





тўридан ташкил топади. Улар ўзаро телефон тармоғи, кабеллар ва сунъий йўлдош тармоқлари орқали боғланади. Ахборотлар ушбу компьютерларда жойлашган бўлиб, улар жаҳон ягона ахборот оламини яратади. Ушбу ахборот олами тармоқдаги барча компьютерларга очиқ бўлади. Ахборотлар гиперматнли ҳужжатлардан ташкил топган бўлиб, улар веб-саҳифалар деб аталади.



Интернет, инглиз тилидаги «interconnected network» иборасининг қисқартирилган кўриниши бўлиб, глобал компьютер тармоғи маъносини англатади.



Интернетда турли мавзудаги маълумотларни топиш, узиш, мулоқот қилиш ва муҳокамаларда иштирок этиш мумкин. Интернетдаги маълумотлар ҳажми кундан-кунга ўсиб бормоқда. Маълумотларни кутубхонадаги каби китоб ва журналларда, китоб ва журналларни эса жавонларга жойлайдилар. Бунда китоб ва журнал вазифасини файллар бажаради. Жавон вазифасини эса жилдлар бажаради.

Интернетда турли мавзудаги маълумотларни топиш, узиш, мулоқот қилиш ва муҳокамаларда иштирок этиш мумкин. Интернетдаги маълумотлар ҳажми кундан-кунга ўсиб бормоқда. Маълумотларни кутубхонадаги каби китоб ва журналларда, китоб ва журналларни эса жавонларга жойлайдилар. Бунда китоб ва журнал вазифасини файллар бажаради. Жавон вазифасини эса жилдлар бажаради.



Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони жаҳоннинг барча мамлакатларида кўпаймоқда. Дунёда Интернет фойдаланувчилари сони 2 миллиардга етди ва мобил телефон фойдаланувчилари 5 миллиарддан ошди. Жаҳонда 3 кишидан биттаси Интернетдан фойдаланади. Ўзбекистон Интернет фойдаланувчилари сони 8 миллионга етди ва мобил телефон фойдаланувчилари эса 24 миллиондан ошди.


Ушбу маълумотлар билан Интернет олами фойдаланувчистатистикасига бағишланган сайтда (www.internetworldstats.com) танишишингиз мумкин.

Internet World Stats
Usage and Population Statistics



Ушбу саҳифада турли минтақалар ва мамлакатларда Интернет фойдаланувчилари статистикаси билан танишиш мумкин. Ушбу сайтнинг баъзи жадвалларини ўрганиб чиқишни тавсия эта-миз. Ушбу маълумотлар Интернет барча фойдаланувчилари ва айниқса, тадбиркорлар учун улкан истиқболлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Интер-нет фойдаланувчи-лари динамикаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаш-тириш агентлиги саҳифасида мунта-зам равишда бериб борилади.



Имкониятлари

Интернет дастлаб бир-неча ҳарбий тадқиқотчилик марказла-ри ўртасида ахборот ресурсларидан биргаликда фойдаланиш учун яратилган эди. Кейинчалик ушбу имкониятдан олимлар ва тадқиқотчилар фойдалана бошлади. Йилдан-йилга унинг им-кониятлари ортиб борди. Натижада унинг фойдаланувчилари доираси ҳам кенгайиб борди. Бугун Интернет бир қатор имкони-ятларга эга. Айнан ушбу имкониятлар унинг кенг оммага манзур бўлишига сабабчи бўлди.


Шунинг учун ҳозирги кунда Интернет каттаю-кичикнинг энг яқин дўстига айланди.

Интернетнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- Маълумотларни топиш.
- Электрон почта хизмати.
- Файлларни узатиш (FTP).
- Мулоқот қилиш (чат, форум, видеоконференция).
- Маълумотларни тарқатиш (веб-саҳифалар, веб-блоглар, жамоа тармоқлари, ахборотномалар, янгиликлар).
- Электрон кутубхоналар.
- Масофадан ўқитиш.



- Телемедицина.
- Электрон тижорат.
- Электрон офис.



Маълумотларни топиш – Интернет маълумотларни тез топиш имконияти билан фойдаланувчиларни ўзига тортади. Маълумотларни қидириш махсус қидирув тизимлари

мавжуд. Қидирув тизимлари махсус тартиб-қоидаларга эга. Маълумотлар айнан шу қоидалар асосида қидирилади. Шу билан бирга, маълумотларни каталоглардан қидириш мумкин.



Электрон почта хизмати оддий почта вазифасини бажаради. У бир электрон манзилдан иккинчисига маълумотларнинг жўнатилишини ҳамда қабул қилинишини таъминлайди. Электрон почта ёрдамида хат, расм, хужжат, жадваллар, тақдимотлар ва аудио, видео файл-

ларни юбориш ва қабул қилиш мумкин. Энг асосийси, хат тезда бир ёки бир неча манзилга етиб боради. Электрон хатни ўқиш учун электрон почта қутисини очиш зарур. Бу махсус почта тармоғи ёки Интернет тармоғидаги электрон почта хизматлари орқали амалга оширилади. Интернет фойдаланувчиси электрон манзил ёрдамида Интернетнинг турли хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Файлларни узатиш - Баъзан катта ҳажмдаги файлларни юбориш ёки қабул қилиш зарурати пайдо бўлади. Электрон почта орқали катта ҳажмдаги файлларни узатиш ноқулай. Масалан,



дастурларни ёки видеофильмларни жўнатиш зарур бўлиши мумкин. Ушбу амал FTP (File Transfer Protocol (инглиз тилидан файлни кўчириш протоколи) протоколи ёрдамида амалга оширилади. FTP икки компьютер ўртасида файлларни кўчиришни таъминлайди. Натижада файлларни компьютерга кўчириш мумкин бўлади. FTP дан фойдаланиш учун логин ва пароль зарур. Улар ёрдамида FTP сервери билан алоқа ўрнатилади ва файлларни кўчириш мумкин бўлади. FTP сервер - файллари билан фойдаланиш мумкин бўлган компьютердир.

Мулоқот қилиш – Интернет фойдаланувчилар ўзаро мулоқот қилиши учун муҳит яратади. Матн, овоз ва видеоалоқа ёрдамида мулоқот қилиш мумкин бўлади. Форум ва чатда клавиатура ёрдамида чоп этиш орқали мулоқот қилиш мумкин. **Gmail, Mailagent, Skype** орқали аудио ва видео алоқаларни ҳам амалга ошириш, кўриш мумкин. Телефонда мулоқот қилганингизда суҳбатдошни фақатгина эшитиш мумкин. Видеоалоқа ёрдамида эса суҳбатдошни эшитиш билан бирга, уни кўриш мумкин, яъни суҳбатдошни мавзуга бўлган муносабатини кузатиш мумкин, айниқса, тадбиркорликда бу технология жуда қўл келади.



Маълумотларни тарқатиш - Интернет оммавий ахборот воситасидир. Унинг ёрдамида янгиликларни ва ахборотларни кенг доирага қисқа вақт ичида тарқатиш мумкин. Бу ахборот узатишнинг энг тез ва арзон усулидир. Бунда ахборот





24 соат давомида мижозлар эътиборида бўлади. Маълумотларни веб-саҳифалар, веб-блоглар, жамоа тармоқларида, ахборот порталларида, ахборотномалар, хисоботлар ёрдамида тарқатиш мумкин. Кундан-кунга Интернет мижозлари сонининг ўсиши уни энг унумли оммавий ахборот воситасига айлантирмоқда.

[ГЛАВНАЯ СТРАНИЦА](#) | [ОБРАТНАЯ СВЯЗЬ](#) | [КАРТА САЙТА](#)

Электрон кутубхоналар – бу одатдаги кутубхонанинг Интернетдаги электрон шаклидир. Бу кутубхона фонди улканлиги ва 24 соат сифатли хизмати билан афзалдир. Унда зарур китоб ёки мақолани бир зумда топиш мумкин. Интернет ёрдамида дунёнинг ихтиёрий кутубхонаси электрон жавонларидаги адабиётлар сизга мунтазир. Электрон кутубхоналарнинг аксариятида адабиётлардан бепул фойдаланиш мумкин. Баъзи кутубхоналар қисман ёки тўлиқ пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.



Масофадан ўқитиш - Интернет тармоғи орқали сизга қулай бўлган вақтда ва жойда ўқиш имкониятидир. Масофадан ўқитиш қулайлиги билан ривожланиб бормоқда, айниқса, иккинчи касбни танлашда ва малакани оширишда жуда қўл келмоқда. Чунки иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда ўқиш мумкин, яъни ишдан бўш вақтда ўқув жараёнида иштирок



этилади. Шунинг учун бу имконият тадбиркорлар учун қулайдир. Масалан, ишдан узилмаган ҳолда, мунтазам равишда, ходимлар малакасини ошириш мумкин.



Телемедицина Интернет орқали беморларни даволаш имкониятидир. Масофадан туриб, беморнинг ҳолатини кузатиш, операция жараёнида қатнашиш, ташхис натижалари билан танишиш ва таҳлил қилиш имкониятлари телемедицина деб аталади. Махсус электрон микроскопли компьютерлар ва каме-

ралар ёрдамида беморларнинг ташхисини аниқлаш, уларни даволаш ҳамда жарроҳлик операцияси ўтказиш мумкин бўлмоқда. Ушбу имконият шифокорларни ўқитишда ҳам қўл келмоқда. Бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида тез-тез янгиликлар пайдо бўлиб бормоқда, яъни узоқ манзилларда яшайдиган беморлар ҳам юқори малакали шифокорлар маслаҳатларидан фойдаланиб, тез тиббий ёрдам олиш имконига эга бўладилар. Тиббиёт таълим муассасалари талабаларини ўқитиш, уларга жарроҳлик жараёнларини намоиш этиш ҳамда маҳаллий ва чет эл шифокорларининг тажриба алмашишини ташкил этиш шифокорлар ҳамда талабалар малакасини оширишда жуда аҳамиятлидир.

Электрон тижорат — бу Интернетда савдо-сотиқни амалга оширишдир. Унинг имкониятлари турли-туман бўлиб, Интернет орқали техника, дори-дормон, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ёки харид қилиш мумкин. Бу хизмат ёрдамида сифатли маҳсулот сотиш билан бирга, вақт ва пулни тежаш мумкин. Ушбу усулдан корхоналар ҳамда ми-жозлар фойдаланмоқда. Шунинг учун ушбу технология тезда ривожланмоқда. Баъзи корхоналар савдо-сотиқни фақат Интернет орқали амалга оширмоқда.

Электрон офис — Интернет офисларни бошқаришда ва иш юри-тиш борасида кўп имкониятларга эга. Электрон офис ёрдамида корхона ҳужжатларидан турли офислардан туриб, биргаликда

фойдаланиш мумкин. Офислар орасидаги масофа аҳамиятга эга эмас. Бу ходимлар сафар қилганда жуда қулай. Сафар давомида ҳам ходимлар корхона фаолиятида иштирок этиши мумкин. Бунинг учун ходимлар Интернетга уланиши шарт. Электрон офис корхонада иш унумдорлигини оширади ҳамда вақт ва қоғоз харажатини тежайди. Электрон офис корхона фаолиятида кўпгина қулайликлар яратади. Мазкур технологиялар тавсифи 7-бобда батафсил келтирилган.

Интернетдан иш фаолиятида фойдаланиш бўйича маслаҳатлар

Интернет имкониятларидан фақатгина маълумот топиш учун эмас, балки иш юритишда ва бошқаришда ҳам фойдаланиш мумкин. Қуйида ушбу имкониятларни қўллаш юзасидан тавсиялар келтирамиз.

- Интернет имкониятларини ўрганиб чиқиб, ундан корхонада фойдаланиш бўйича йўлланма ишлаб чиқинг ва у билан ходимларни таништиринг. Ушбу йўлланмада Интернетдан фойдаланиш сиёсатини, хавфсизлик тартиблари ва ходимлар масъулиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ушбу йўлланмани экспертларга кўрсатиб, уларнинг тавсиясини ҳисобга олган маъқул.
- Интернет имкониятларидан фойдаланиш юзасидан ходимлар учун тренинг ташкил этиш ва ходимларни фаол ўқишини таъминлаш зарур. Ахборот хавфсизлиги мавзусида семинарлар ташкил этиш керак. Мунтазам равишда, Интернетнинг янги имкониятлари бўйича форумлар олиб бориш ва унда барча ходимларнинг иштирок этиши-





ни таъминлаш зарур. Интернет имкониятларидан унумли фойдаланган ходимларни рағбатлантириб бориш, бошқа ходимларни Интернет имкониятларидан унумлироқ фойдаланишга ундайди. Ушбу сиёсат албатта иш унумдорлигини таъминлайди.

- Интернет ёрдамида хужжатларни, ҳисоботларни тайёрлаш, тадқиқотлар олиб бориш жуда қулай. Масалан, корхона ишлаб чиқарувчи маҳсулот бозорини ўрганмоқчи бўлсангиз, бунини Интернет орқали тезда ўрганиш мумкин. Ҳаттоки, мижозлар ва ҳамкорлар талаблари, фикрлари ҳамда тавсияларини тезда олиш мумкин. Лойиҳалар устида ишлаш сифатлироқ бўлади, чунки Интернет ёрдамида лойиҳанинг долзарблиги ва зарурати, мижозларнинг талаблари ва имкониятларини ўрганиш мумкин. Бу эса лойиҳани яратишда ва амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади.



- Ҳужжатларни, ҳисоботларни ва лойиҳаларни Интернет орқали юбориш вақтни тежайди. Масалан, ходимлар лойиҳаларини Интернет орқали қабул қилиб, ўзингизга қулай бўлган вақтда танишиб, фикр ва мулоҳазаларингизни унда кўрсатишингиз мумкин. Натижада тавсиялар асосида ходим лойиҳа устида қайта ишлайди. Бу эса лойиҳани такомиллаштиради. Ушбу жараён сизни ва ходимларни янги ғоя ва янги лойиҳаларга олиб келади. Чунки ушбу мулоқот янги билим ва кўникмалар ривожланиши учун муҳит яратади. Шу билан бирга, ҳужжатлар, ҳисоботлар ва лойиҳалар устида ишлаш жараёнини қисқартиради ва унум-



дорликни оширади, яъни бир вақтнинг ўзида бир-неча ҳужжат билан ишлаш имконияти пайдо бўлади.

- Интернетдан мулоқот учун фойдаланиш иш жараёнини тезлаштиради ва харажатларни камайтиради. Чунки расмий мулоқот оғзаки мулоқотдан устун ҳисобланади. 100 марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзалдир. Ёзма равишда фикр билдириш кўпроқ эътиборни



ва масъулиятни жалб этади. Бу эса барчадан кўшимча масъулият талаб этади. Агар билим ва кўникмалар етарли бўлмаса, бу малакани ва кўникмаларни ошириш учун ўз устида кўпроқ ишлашни талаб этади, яъни бу ходимларни ўз устида доимо ишлагаша ундайди. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан, вақт тежалади, яъни кераксиз бахсларга ўрин қолмайди. Видеоалоқа ёрдамида мулоқот қилиш иштирокчилардан жиддийликни талаб этади. Телефон алоқаси ва сафарлар учун харажатлар сезиларли даражада камаяди. Ушбу тежаш даражасини билмоқчи бўлсангиз, уни ўз кундалик фаолиятингизда кузатиб кўринг.

- Интернет орқали янги имкониятлар, янги лойиҳалар ва янги ҳамкорлар топиш мумкин. Бу бизнесни ривожлантириш учун омилдир. Бунинг учун доимо Интернетда корхона учун зарур бўлган янгиликларни, имкониятларни,




ҳамкорлар веб-саҳифаларини кузатиб бориш зарур. Форум ва веб-блогларда қатнашиб бориш керак, янгиликларни олиш учун ахборотномаларга қорхонани қайд қилиш муҳимдир. Масалан, бир корхона янги лойиҳа устида иш бошлаган ва бунинг учун турли давлатларда ҳамкорлар қидираётган бўлиши мумкин ёки



ташкилот лойиҳани амалга ошириш учун корхоналар ўртасида тендер ўтказётган бўлиши мумкин. Масалан, Савдо-саноат палатаси дастури тендерлари www.chamber.uz саҳифасида бериб борилади.

- Интернет оммавий ахборот воситаси бўлганлиги сабабли уни реклама учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар корхонангиз ва унинг хизматлари ҳақидаги маълумотни 24 соат давомида mijozlarга ҳавола қилмоқчи бўлсангиз, унда буни фақатгина Интернет орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, корхона веб-саҳифаси, электрон ахборот воситаларида корхона фаолияти ҳақида мунтазам равишда маълумот бериш, форум ва блогларларда ахборот бериб бориш, турли танловларда иштирок этиш (масалан, Интернет форум, Интернет Фестиваль). Веб-саҳифанинг мунтазам равишда янгиланиб бориши корхона жиддийлигидан далолат беради.
- Интернет ёрдамида ходимлар ишини мониторинг қилиш мумкин ва зарур ҳолда, уларга тавсия ва маслаҳатлар бериш мумкин. Интернет офислар орасидаги масофани йўқотади, яъни корхона ягона тармоғини яратади. Натижада корхона ходимлари ишини бошқариш ва уларга ёрдам бериш мумкин. Бу электрон офис деб аталади. Ушбу имконият корхона ходимлари иш фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлайди. Зарур ҳолда, ходимларга ёрдам бериш, ҳисоботларни яратиш ва корхона фаолиятини мониторинг қилиб бориш мумкин. Ходимлар кундалик янгилик, муаммолар ва натижалардан хабардор бўлиб боради.
- Интернетдаги маълумотни ўқиш ва ундан оммавий фойдаланиш фойдаланувчига масъулият юклайди. Доимо муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш зарурлигини унутманг, ходимлардан қонунга зид ва ахлоқсиз маълумотларни тарқатувчи саҳифалардан фойдаланмасликни талаб қилинг.





- Интернет ёрдамида тадбиркорликни, масалан, электрон дўкон, электрон доска, электрон газета ёки журнал, он-лайн маслаҳат ва шу кабиларни амалга ошириш мумкин.

Бу электрон тижоратдир.

Ишлаш тартиби



Эслатма! Интернетнинг қуйидаги технологиялари мавжуд:

- Маълумотларни топиш.
- Электрон почта хизмати.
- Файлларни узатиш (FTP).
- Мулоқот қилиш (чат, форум, видеоконференция).
- Маълумотларни тарқатиш (веб-саҳифалар, веб-блоглар, жамоа тармоқлари, ахборотномалар, янгиликлар).
- Электрон кутубхоналар.
- Масофадан ўқитиш. Телемедицина.
- Электрон тижорат.
- Электрон офис.



Топириқ:

Интернет технологияларининг корхонангизда қўлланаётган ва қўлаш мумкин бўлган имкониятларини кўриб чиқинг. Ушбу имкониятларни амалга ошириш бўйича режа тузинг.



Иккинчи боб

- **Ишлаш тартиби**
- **Уланиш усуллари**
- **Офисга Интернетни қандай харид қилиш зарур?**
- **Офисга Интернетни ўрнатиш тартиблари**
- **Провайдерни танлаш бўйича тавсиялар**





Интернет тавсифи билан та-нишдик. Сизда ушбу ахбо-рот олами қандай ишлайди деган савол юзага келиши табиий. Энди унинг ишлаш тартиби билан танишайлик.

Жаҳон ахборот тармоғига уланган компьютер ёрдамида Интернетга уланиш мумкин.

Агар компютерингиз маҳаллий тармоқда бўлса, унда маҳаллий тармоқдаги барча компьютерлар Интернетга уланиши мумкин. Бунда Интернет маҳаллий тармоқдаги барча компьютерларга тақсимланган бўлиши шарт. Интернетга уланган компьютер сервер деб аталади.



Интернет ягона стандарт асо-сида ишловчи компьютерлар тармоғидир. Ушбу стандарт асо-сида тармоқдаги компьютерлар ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятига эга бўлади. Ушбу имконият ёрдамида тармоқ сизни жаҳон ахборот олами би-лан боғлайди.

Ахборот олами ҳужжатлар, билимлар, янгиликлар ва ҳисоботларни ўз ичига олади. Улар матн, жадвал, график, расм, аудио, видео ва ёки анимация шаклида бўлиши мумкин. Айнан бир пайтнинг ўзида турли компьютерларда жойлашган маълумотларни ўқиш, эшитиш ва кўриш мумкин. Одатда, бу маълумотлар гиперкўрсатмалар ёрдамида ўзаро уланган бўлади.


Қуйида Интернетга оид баъзи атамалар тавсифини келтирамиз:

IP - Интернет тармоғидаги компьютер манзили. У **Интернет Протокол** сўзининг қисқартирилган кўринишидир. Интернетдаги ҳар бир компьютер ўз **IP**-манзилига эга бўлади.

- Агар компьютер Интернетга доимий уланган бўлса, у ўзгармас **IP**- манзилга эга бўлади. Масалан, 142.26.137.07.
- Агар вақтинча уланган бўлса, у ҳолда ушбу компьютер вақтинчалик ёки ўзгарувчан **IP**-манзилга эга бўлади. Масалан,



142.26.137.07.02 –ўзгарувчан **IP**-манзил. Бунда охирги 2 рақам ўзгарувчан бўлади.

- **Протокол** бу компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиш ва узатишда фойдаланиладиган стандартдир. Компьютерлар протокол ёрдамида ўзаро боғланади. Протокол тўғри бўлсагина, компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Одатда, ахборот **TCP** (Transfer Control Protocol) узатувчи пакетлар ёрдамида узатилади. Ҳар бир **TCP** жўнатувчи ва қабул қилувчи **IP**-манзилларга эга бўлади. Айнан шу **TCP** пакетлар таркибидаги **IP**-манзиллар асосида маълумотлар манзилга юборилади. Мижоз компьютерида **TCP** пакетлар ёрдамида маълумот ҳужжатга йиғилади.
 - **Сервер** – Бошқа компьютер ёки дастурларга ўзининг файлларидан фойдаланишга рухсат берувчи компьютер сервер ҳисобланади. Компьютер бир нечта серверларга хизмат қилиши мумкин. Масалан, Интернет ва электрон почта серверлари.
 - **Мижоз** - Сервер ресурсларидан ва хизматидан фойдаланувчи компьютер ёки дастурдир. Компьютерда бирданига бир нечта мижоз ишлаши мумкин. Масалан, компьютер сервернинг мижози бўлиши (серверда жойлашган файллардан фойдаланиши), шу билан бир вақтда, электрон почта дастурида ишлаши, яъни компьютер бир неча сервернинг мижози бўлиши мумкин.
- 
- **ISP (Internet service provider)** - Интернет-провайдер - бу Интернет хизматини кўрсатувчи корхонадир. Одатда, у провайдер деб аталади.
 - **URL** – Интернетда ҳар бир маълумот ўзининг айнан манзилига эга. Бу манзил **URL** (инглиз тилида **Uniform Resource Locator** маъносини англатади) деб аталади. **URL** Интернетга мурожаат қилишнинг энг оддий ва қулай усули бўлиб, у манзилни ифода қилади. Агар Интернет тармоғида бирор-бир маълумот эълон қилинган бўлса, унга ягона такрорланмас **URL** бириктирилади, яъни маълумотлар Интернетга стандарт асосида ёзилади.



- **Домен** - Интернетда маълумотлар саҳифаларда жойлаштирилади. Ҳар бир саҳифа ўз номига эга. У **DNS** (инглиз тилида **Domain Name Service**) деб аталади. Қисқача домен маъносини англатади. Доменлар ёрдамида Интернетда файллар тизими тартиблаштирилади. Домен бир неча доменлардан ташкил топиши мумкин. Доменлар биринчи, иккинчи ва учинчи даражали бўлади. Қуйида ушбу доменларга мисол келтирамиз:

www.ziynet.uz

- 2-даражали домен

www.maktab.ziynet.uz

- 3-даражали домен

Домендан фойдаланишдан аввал у қайд қилиниши зарур. Уни махсус қайд қилиш корхоналари қайд этади. Қайд қилиш корхонаси регистратор деб аталади. Доменнинг эгаси ҳақидаги маълумот оммавийдир. Уни **Whois** (инглиз тилидан “ким бу” маъносини англатади) хизмати ёрдамида аниқлаш мумкин.



*Бирор доменни қайд қилишдан аввал унинг банд эмаслигини аниқлашни тавсия этамиз.
Агар у банд бўлмаса, уни регистратор ёрдамида қайд қилиш мумкин.
Агар ном банд бўлса, бошқа мос номларни тегиштириб кўринг. Мос номни регистратор ёрдамида қайд қилинг.*

Умумий, халқаро ва миллий доменлар мавжуд. Миллий домен давлатни ифодалайди. Умумий ва халқаро доменлар тавсифи:

.com

Тижорат ташкилотларини белгилайди. Масалан:
www.microsoft.com, www.ibm.com

.edu

Ўқув муассасаларини билдиради. Масалан:
www.vcu.edu (Virginia Commonwealth University)

.gov

АҚШ Давлат муассасалари учун ишлатилади.

.org

Нотижорат ташкилотлар учун ишлатилади. Масалан:
www.unesco.org (ЮНЕСКО).

.net

Интернет хизмат провайдерларига тегишли. Масалан:
www.uz.net (Uznet).



Миллий доменлар тавсифи:

.uz Ўзбекистон домени.

.ru, .рф Россия домени инглиз ва рус тилида мавжуд.

.de Германия домени.

.uk Буюк Британия домени.

.ca Канада домени.

.ch Швейцария домени.

.au Австралия домени.

.kz Қозоғистон домени.

.kg Қирғизистон домени.

.ja Япония домени.

.az Озарбайжон домени.

.it Италия домени.

.gr Греция домени.

.fr Франция домени.

.cn Хитой домени.

Агар домен номида давлатни изоҳловчи код бўлмаса, бу домен АҚШ га тегишли эканлигини билдиради.



Миллий UZ домени 1995 йил 29 апрель куни яратилган ва дастлаб хусусий шахс томонидан бошқарилган. 2002 йил декабрь ойидан бошлаб миллий домен Узинфоком маркази томонидан бошқарилади. Ўзбекистон доменини рўйхатдан ўтказиш ва доменлар ҳақидаги маълумотларни www.cctld.uz саҳифасидан олиш мумкин.



Уланиш усуллари

Интернетга уланишнинг усуллари турлича. Улар доимий ривожланишда. Ушбу усуллар технологияси, Интернет тезлиги ва хизмат нархлари билан фарқланади. Ҳар бир усул ўз афзалликларига эга. Қуйида кенг тарқалган Интернетга уланиш усуллари тавсифини жадвалда келтирамиз:

Номи	Тавсифи	Тезлиги	Нархи	Тавсия
Чақирув ёрдамида уланиш (Dial-up)	Бу уланишда фойдаланувчи логин (манتيқий ном) ва пароль ёрдамида компьютер ва телефон орқали Интернетга кириш имконига эга бўлади. Интернет билан ишлаш пайтида телефон тармоғи банд бўлади. Ундан фойдаланиш учун компьютер, модем ва телефон тармоғи етарли. Notebook модем билан таъминланган бўлади. Ўрнатилиши оддий. Рақамли телефон тармоғида Call back (инглиз тилидан “қайта чақирув” маъносини билдиради.) хизматидан фойдаланган мақсадга мувофиқ. Бунда провайдерга модем орқали қилинган қўнғироқ бепул бўлади.	56 Кб/сек гача. Одатда ушбу уланишда Интернет тезлиги сустроқ бўлади. Шунинг учун уни маҳаллий компьютер тармоғига тақсимлаш мақсадга мувофиқ эмас.	5000 сўмдан дан бошланади. Интернет карточкалардан фойдаланган қулай.	Бу усулдан электрон почтани текшириш учун фойдаланиш қулай. Интернет карточкалардан фойдаланиши қулай.



Номи	Тавсифи	Тезлиги	Нархи	Тавсия
ADSL (<i>Asymmetric Digital Subscriber Line</i>) — Рақамли технология асосидаги тўғри уланиш	ADSL ахборотни юқори тезликда узатилишини таъминлайди. Мавжуд бўлган телефон тармоғидан фойдаланади. Бунда махсус рақамли ADSL модемдан фойдаланиш зарур. Одатда, у билан провайдер таъминлайди. Ушбу усулда телефон тармоғидан фойдаланилади. Ушбу технологияни Ўзбекистонда биринчи бўлиб, “Саркор” корхонаси қўллаган.	8 Мбит/с гача. Ушбу технология юқори тезлиги ва тармоқдаги компьютерларни Интернет билан таъминлаш имконияти билан афзалдир.	Хонадонлар учун - 9000 сўмдан бошланади. Корхоналар учун - 90000 сўмдан бошланади. Уланиш хизмати асосан бепул.	Интернет ишлаётганда телефонингиз банд бўлмайди. Шунинг учун ушбу технологиядан хонадонлар ва кичик корхоналар кенг доираси фойдаланади.
Оптик толали тармоқлар	Бу узоқ масофадаги фойдаланувчилар учун энг ишончли ва доимий Интернет хизматини таъминловчи технологиядир. Шунинг учун ушбу технология кенг тарқалмоқда. Оптик тола бу замонавий технология бўлиб, у катта ҳажмдаги маълумотларни	100 Мбит/сек гача. Ушбу технология юқори тезликдаги сифатли Интернет билан таъминлайди. Шунинг учун у корхона маҳаллий тармоғини Интернет билан ҳамда офислараро алоқани таъминлайди.	Home Ethernet нархи 9000 сўмдан бошланади. Корхоналар учун - 90000 сўмдан бошланади.	Оптик толали тармоқ асосида хонадонларга хизмат кўрсатиш Home Ethernet технологияси асосида амалга оширилади. Ушбу хизматдан



Номи	Тавсифи	Тезли- ги	Нархи	Тавсия
Оптик толали тармоқлар	юборишда қулайдир. Ушбу технология ишончилиги ва хавфсизлиги билан афзалдир.			фойдаланиш учун оптик толали тармоқ хонадонга етказилиши зарур.
Wi-Fi ва WIMAX -тармоқсиз Интернет технологияси	Бу технологиялар махсус протоколлар асосидаги радиотехнологиялар асосидаги Интернетдир. Улар катта узокликдаги масофада Интернетни таъминлайди. Бунда ораликда тўсиқларнинг мавжудлиги алоқага таъсир кўрсатмайди. Ушбу хизмат катта ҳажмдаги маълумотларни тезда узатади. WIMAX 50 кмгача бўлган доираларни қамрайди.	10 Мбит/с гача.	45000 сўмдан бошланади. Ушбу усулни таъминловчи қурилма нархи баланд бўлгани учун хизмат нархи ҳам баланд.	Ушбу усулдан меҳмонхоналар, ресторанлар, кафе, савдо марказлари ва бошқалар фойдаланади. Уйда ҳам ушбу усулдан фойдаланиш қулай.
USB модем	Бу Интернетга уланишнинг тезкор ва қулай усулидир. USB модем ёрдамида бутун Ўзбекистон бўйлаб Интернетдан фойдаланиш мумкин. Ушбу уланиш мобиллиги билан афзалдир. USB модем компьютерга тезда ўрнатилади.	3.6 Мбит/с гача.	45000 сўмдан бошланади. Тарифни танлаш зарур.	Ишда, уйда ва сафарда Интернет зарур бўлса, USB модемдан фойдаланиш қулайдир. Билайн, Usell, МТС ва Evo корхоналарида ушбу хизмат кўрсатилади.



Номи	Тавсифи	Тезлиги	Нархи	Тавсия
USB модем	Бунинг учун махсус билим ва кўникмалар зарур эмас. Ушбу усулдан фойдаланиш учун USB модемни сотиб олиш зарур.			
GPRS-Интернет - Мобил телефон орқали уланиш	Бу мобил телефондан Интернетдан фойдаланиш имкониятидир. Бу хизмат ёрдамида мобил телефонда Интернет имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Мобил телефонлар жадал тараққиёти унинг имкониятларида акс этмоқда. Мобил телефон ёрдамида Интернетга уланиш имкони кенг омма эътиборини жалб қилмоқда. Бунинг учун GPRS протоколли замонавий мобил телефон зарур. Компьютер билан уланиш учун эса - USB кабел бўлиши керак. Ушбу усул планшет компьютерларида ҳам фойдаланилади.	3.6 Мбит/с гача.	Хизматдан фойдаланиш нархи - қунига 40 сўм атрофида.	Ундан кўпроқ электрон почтани текшириш учун фойдаланилади. Бу усулдан, айниқса, талабалар ва ўқувчилар унумли фойдаланади.



Эслатма: Нархлар тезликка ва ҳажмга боғлиқ. Тезлик ва ҳажм ошиши билан нарх ўзгаради.



Уланиш усули эҳтиёжга асосан танланади. Агар Сиз катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишласангиз, унда юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланган маъқул. Модемлар тавсифи билан [6] да биринчи бобида танишиши мумкин.

Офисга Интернетни қандай харид қилиш зарур?

Шундай қилиб, Интернетга уланиш усуллари билан танишиб чиқдик. «Қайси усулни офисга харид қилиш ва офисга қандай ўрнатиш зарур?» - саволи пайдо бўлиши табиийдир. Бу саволга жавоб олиш учун провайдерга мурожаат қилиш зарур.


Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ провайдерлар Интернет хизматини кўрсатяпти. Улар барча вилоят, шаҳар ва туманларда фаолият олиб бормоқда. Улар ёрдамида Интернетни ўрнатиш мумкин. Кундан-кунга Интернет хизматининг нархи пасайиб бормоқда. Ҳозирги кунда офисга Интернет - телефон ва факс каби зарурдир.

Турли савдо шахобчаларида Интернет карточкалар сотилади. Ушбу карточкалар ёрдамида Интернетга уланиш мумкин. Ушбу карточкаларни провайдерлар ишлаб чиқаради ва шахобчаларга сотиш учун тарқатадилар. Карточка ёрдамида Интернетни





ўрнатиш жуда осон. Ушбу карточкаларда провайдерга уланиш учун кўрсатмани топиш мумкин. Ушбу кўрсатмада провайдерга мурожаат этиш учун маълумотлар ҳам берилади.



Провайдерлар рўйхатини, уланиш учун телефон ва манзилларини Yellow Pages каталогидан ёки www.yellowpages.uz веб-саҳифасидан олиш мумкин.

УзИнфоком форумининг *Операторы&Провайдеры* саҳифасида (<http://uforum.uz/forumdisplay.php?f=132>) фойдаланувчиларнинг провайдерлар фаолияти ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан таъниш мумкин.

Провайдерга мурожаат этганингизда, у сизни Интернетга уланишнинг бир-неча усуллари ва нархлари билан таништиради. Имкониятларингизга ва талабингизга асосланган ҳолда, улардан бирини танлаш зарур бўлади.




Офисга Интернетни ўрнатиш тартиблари

Интернетга уланиш учун авваламбор, компьютер, алоқа канали, модем ва дастур таъминоти бўлиши зарур. Қуйида **Dial-up** усулида Интернетни ўрнатиш тартибларини келтирамиз. Бунинг учун провайдер телефон рақамларига ҳамда Интернетга кириш учун ном (**Login**) ва паролга (**Password**) эга бўлишингиз зарур.



Интернетга улаиш тартиби қуйидагича:

- Тармоққа улаиш учун унинг менюси **Сетевое подключение** жилдини очинг. Бунинг учун **Пуск** тугмачасини босиб, **Настройка** ва **Создание нового подключения** буйруғини киритинг. Натижада янги тармоқ улаиши менюси — **Мастер новых подключений** дарчаси экранда ҳосил бўлади.
- Унда **Далее** тугмачасини босинг. Ҳосил бўлган дарчада Интернетга улаиш майдонини, яъни **Подключить к Интернету** майдонини сичқонча билан белгиланг ва дарчанинг қуйи қисмидаги **Далее** тугмачасини босинг. Агар майдонни нотўғри белгиланган бўлсангиз, **Назад** тугмачаси ёрдамида олдинги дарчага қайтиш мумкин бўлади.
- Натижада қуйидаги дарча ҳосил бўлади. Унда улаишни мустақил ўрнатиш майдонини, яъни **Установить подключение вручную** майдонини сичқонча билан танлаб, **Далее** тугмачасини босинг.





- Ҳосил бўлган дарчада провайдер номини киритинг ва **Далее** тугмачасини босинг.
- Кейинги дарчада провайдер ва телефон рақамини киритинг ва **Далее** тугмачасини босинг.
- Ҳосил бўлган дарчада фойдаланувчи номини, яъни исмингизни - **Имя пользователя**, паролни ва паролни тасдиқлаш майдонида - **Подтверждение пароля** қайта киритинг ва **Далее** тугмачасини босинг.
- Натижада мос дарча ҳосил бўлади.
- Унда **Добавить рабочий стол** майдонини **сичқонча билан** белгиласангиз, уланиш ёрлиғи компьютер иш столида ҳосил бўлади. Уланиш жараёнини тугатиш учун **Готово** тугмачасини босинг.

Натижада компьютер **Сетевое подключение** жилдида Интернетга уланиш ёрлиғи ҳосил бўлади.

Мастер новых подключений

Имя подключения
Введите имя службы, выполняющей подключение к Интернету.

Введите в следующем поле имя поставщика услуг Интернета.

Имя поставщика услуг

Введенное имя будет именем создаваемого соединения.

< Назад Далее > Отмена

Мастер новых подключений

Введите телефонный номер
Укажите телефонный ISP номер.

Введите номер телефона.

Номер телефона:

Возможно потребуется добавить "1", код региона или оба числа вместе.
Для проверки наберите комбинацию номера и кода на своем телефоне.
Комбинация подобрана правильно, если слышен звук модема.

< Назад Далее > Отмена

Мастер новых подключений

Детали учетной записи в Интернете
Для учетной записи Интернета потребуются имя учетной записи и пароль.

Введите имя и пароль для учетной записи поставщика услуг Интернета, запишите и храните в безопасном месте. (Обратитесь к поставщику, если забыли эти сведения.)

Имя пользователя:

Пароль:

Подтверждение:


☒ Использовать следующие имя пользователя и пароль при подключении любого пользователя:

☒ Сделать это подключение подключением к Интернету по умолчанию

< Назад Далее > Отмена

**Топиширик:**

Dial-up услугида компьютерингизда Интернетни ўрнатиш учун уланиш яратинг. Провайдер номи ва телефон рақамларига ҳамда Интернетга кириш учун ном - **Login** ва пароль - **Password** сифатида аниқ ёки мисол тариқасида, тахминий маълумотларни киритишингиз мумкин.



Провайдерни танлаш бўйича маслаҳатлар

Интернет тезлиги ва сифати провайдерга боғлиқ. Шунинг учун провайдерни танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- Интернет провайдерни танлашдан аввал “Интернет сизга нима мақсадда зарур?” саволига жавоб топишингиз керак. Жавобингиз қанчалик аниқ бўлса, провайдерга бўлган талабларингиз ҳам аниқ бўлади. Жавобингиз асосида провайдер сизнинг мақсадингизга айнан жавоб берувчи таклифларни тайёрлайди. Бу эса сизни сифатли Интернет хизмати олишингизнинг гарови бўлади.
- Кейинги савол - Интернет учун ҳар ойда қанча маблағ ажратишга тайёрсиз? Ушбу саволга жавобингиз провайдернинг ишини енгиллаштиради ҳамда сизга индивидуал таклиф яратишга ёрдам беради.
- Интернетга уланиши зарур бўлган компьютерлар сони ҳам муҳимдир. Нечта компьютерни Интернетга боғлаш керак? Ушбу саволга жавоб асосида Интернет ҳажми ва тезлиги аниқланади. Албатта бу хизмат ўз нархида акс этади. Интернетдан фойдаланувчи ходимлар сони ҳам муҳимдир.
- Мақсад, маблағ ва компьютерлар сонини аниқлаганингиздан сўнг провайдер билан мулоқотга тайёр бўласиз. Провайдерни танлаш учун шахрингиздаги/тумандаги провайдерлар ҳақидаги

- Интернет провайдер хизматлари нарх - провайдернинг танлашнинг муҳим омилларидан биридир. Провайдерни танлашда фақатгина хизмат нархига эътибор бериш хатодир. Агар нарх арзон бўлса, Интернет тезлиги суст бўлиши ва Интернет сифатида ҳам муаммо бўлиши мумкин. Бир неча провайдерлар хизмати ва имкониятлари бўйича таклифларни ўрганиш зарур. Провайдер сиз билан маслаҳатлашган ҳолда, имкониятларингиз асосида хизмат таклифини яратади. Сифатли хизмат арзон бўлмаслигини ҳисобга олинг.
- Алоқа тезлиги ва сифати. Агар провайдер сизга юқори тезликдаги Интернет хизматни арзонга таклиф этса, асло ишонманг. Чунки юқори тезлик кўпроқ харажат талаб этади. Провайдер имкониятлари чегараланганлигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун шартномада провайдер кафолат этадиган алоқа тезлиги кўрсатилиши тавсия этилади.
- Алоқа мунтазамлиги. Интернет алоқа сифати доимо яхши бўлиши шарт. Баъзан алоқа сифати куннинг айрим соатларида яхши ва айрим соатларида суст бўлиши мумкин, яъни алоқа мунтазам ишламайди. Бундай ҳолда тезда провайдерга мурожаат этиш зарур. Агар провайдер ушбу нуқсонни йўқотмаса, унда провайдерни алмаштириш тавсия этилади. Алоқа мунтазамлигини шартномада қайд қилиш мақсадга мувофиқ. Баъзан провайдерлар техник текширишлар натижасида хизматни чегаралайдилар. Одатда, бу ҳақда улар олдиндан mijozlarni огоҳлантиради.

[illegible]



- Шартнома тузишга шошилманг. Аввал провайдерлар веб-саҳифалари билан танишинг. Уларнинг таклифлари, нархлари ва шартларини ўрганинг. Қуйидаги саҳифалардаги нархлар билан танишинг.
- 
- Одатда, провайдерлар Интернет хизмати шартномаси шаклини ҳам веб-саҳифада жойлаштиради. Бир-неча провайдер таклифларини солиштирсангиз, провайдерни танлашингиз енгиллашади. Баъзи провайдерлар таклифлари турли бўлади, чунки улар турли мижозлар талабини ҳисобга оладилар. Провайдерлар хизмат сифати ҳақидаги маълумотлари форумларда ҳам мавжуд. Масалан, УзИнфоком www.uforum.uz веб-саҳифасида Операторы&Провайдеры бўлимидаги фойдаланувчилар фикри билан танишиб кўринг. Шу билан бирга, провайдер офисига бориб, хизмат таклифлари ва сифати билан ҳам танишиш фойдали бўлади. Ушбу маълумотлар шартнома тузишингизга ёрдам беради.

**Эслатма:**

Демак, провайдерни танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- Интернетдан қандай мақсадда фойдаланиш зарурлиги.
- Интернет учун ҳар ойда қанча маблағ ажратиш имконияти.
- Интернет провайдер хизматлари нархи.
- Алоқа тезлиги ва сифати.
- Алоқа мунтазамлиги.

Натижада имкониятларга асосан Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

**Топириқ:**

Шаҳрингиздаги/туманингиздаги Интернет провайдерлар веб-саҳифаларини ўрганинг. <http://www.goldenpages.uz/rubrics/?Id=1192&Page=3> саҳифасига кириб ва провайдерлар рўйхати билан танишишингиз мумкин. Бир-неча провайдер таклифлари билан танишиб кўринг ва провайдерни танланг.



**Интернетда ишлашни нимадан
бошлаш зарур?**

Учинчи боб

- **Фойдаланиш тартиби**
- **Уланиш ва уни ўчириш тартиби**
- **Ахборотни қидириш усуллари**
- **Ахборотни қидириш бўйича
маслаҳатлар**
- **Ахборотни кўчириш ва сақлаш
тартиби**
- **Вирус ва спамдан ҳимояланиш**
- **Ахборот хавфсизлиги**
- **Фойдали маслаҳатлар**





Фойдаланиш тартиби

Интернет билан ишлашни таъминловчи махсус дастурлар мавжуд. Улар браузерлар деб аталади. Уларга **Internet Explorer**, **Opera**, **Mozilla** ёки **Netscape Navigator** мисол бўла олади. Ушбу дастурлар имкониятлари билан фарқланади. Ушбу дастурлар билан ишлаш жуда осон ва қулайдир.

Қуйида кенг тарқалган **Windows** таркибидаги **Internet Explorer** дастурининг ишлаш тартиби билан танишамиз. Дастур ёрлиғи одатда **Windows** иш столида жойлашади. Дастур дарчаси қуйидаги кўринишга эга.



Бунда:



— Олдинги веб-саҳифани қайтаради.



— Кейинги веб-саҳифани қайтаради.



— Веб-саҳифани янгилайди.



— Веб-саҳифа очилишини тўхтади.



— Қидирувни амалга ошириш майдони.

Манзил — **Адресная строка** майдонида сизга зарур бўлган сайтнинг манзили киритилади. Шундан кейин асосий ойнада қидирилатган веб-саҳифа намоён бўлади. Масалан, манзиллар сатрида **www.chamber.uz** манзилини киритинг.

Ҳолат сатри — **Строка состояния** эса қуйида жойлашган бўлиб, жорий саҳифа ҳақидаги маълумотни акс эттиради. Масалан, **www.chamber.uz** манзилини киритиш натижасида ҳолат сатрида **"Адрес найден. Ждите ответа"** хабари берилади, яъни манзил топилди. Унинг очилишини кутинг - хабари берилади.



Натижада экранда бир неча дақиқадан сўнг саҳифа пайдо бўлади. Зарур бўлган маълумотларни танлаб ўқишингиз мумкин. Саҳифада гиперматн тагига чизилган бўлади ва кўк рангда бўлади. Гиперматнни ўқиш учун унда сичқонча тугмачасини чертиш етарли. Агар олдинги веб-саҳифага қайтмоқчи бўлсангиз, **Назад** тугмачасини ва олдинги саҳифага қайтиш учун **Вперед** тугмачасини босиш керак.

Интернетда ишлаш жуда оддий. У билан ишлаш саҳифалар бўйлаб саёҳатни эслатади. Саҳифадан саҳифага ўтиш учун менюдан, гиперкўрсатмалардан ва кўрсатмалардан фойдаланилади. Интернет ёрдамида жаҳондаги маълумотлар иш столингизда намоён бўлиб, эътиборингизга мунтазир бўлади. Сизга қулай пайтда уни ўқишингиз мумкин бўлади.



Топшириқ:

www.chamber.uz саҳифасини очинг. Ундаги маълумотларни варақланг. Сизга қизиқарли бўлган маълумотларни ўқинг. Саҳифада келтирилган бошқа саҳифаларни варақлаб кўринг. Тадбиркорлар учун берилган маълумотлар жойлашган саҳифани очинг. Саёҳатингиз қизиқарли бўлишига ишонамиз.

Менюлар сатри тавсифи

Энди менюлар сатридаги буйруқлар тавсифи билан танишайлик. Дарча юқорисида дастур менюси ва асбоблар панели жойлашган. Менюнинг ҳар бир буйруғи буйруқлар рўйхатига эга. Масалан, **Файл** менюси куйидаги буйруқлардан иборат:

Файл менюси ёрдамида янги бет – **Создать вкладку**, янги дарча – **Новое окно** ёки янги сеансни очиш, саҳифани ёзиш, чоп этиш, электрон манзилга жўнатиш, хусусиятлари билан танишиш каби амалларни бажариш мумкин.

Файл	Правка	Вид	Избранное	Сервис
Создать вкладку				Ctrl+T
Создать копию вкладки				Ctrl+K
Новое окно				Ctrl+N
Новый сеанс				
Открыть...				Ctrl+O
Изменить				
Сохранить				Ctrl+S
Сохранить как...				
Закрыть вкладку				Ctrl+W
Параметры страницы...				
Печать...				Ctrl+P
Предварительный просмотр...				
Отправить				
Импорт и экспорт...				
Свойства				
Работать автономно				
Выход				

Правка	Вид	Избранное	Сервис
Вырезать			Ctrl+X
Копировать			Ctrl+C
Вставить			Ctrl+V
Выделить все			Ctrl+A
Найти на этой странице...			Ctrl+F

Правка менюси

Правка менюси ёрдамида белгилаш, кўчириш, нус-ха кўчириш ва ўрнатиш амалларини бажариш мумкин.

Вид менюси

Вид менюси ёрдамида асбоб ларни ўрнатиш, веб-саҳифа устида амални тўхтатиш ва уни янгилаш, масштабни ва шрифтни ўзгартириш ҳамда веб-саҳифани бутун экранга ёйиш мумкин.

Сервис менюси

Сервис менюси ёрдамида браузер хусусиятларини ўрнатиш мумкин. Браузер

Вид	Избранное	Сервис	Справка
Панели			▶
Быстрые вкладки			Ctrl+Q
Панели обозревателя			▶
Переход			▶
Остановить		Esc	
Обновить		F5	
Масштаб			▶
Размер шрифта			▶
Кодировка			▶
Стиль			▶
Переход клавишами			F7
Просмотр HTML-кода			
Отчет о безопасности			
Международный адрес веб-узла			
Политика конфиденциальности веб-страницы...			
Во весь экран			F11

Сервис	Справка
Удалить журнал обозревателя...	Ctrl+Shift+Del
Просмотр InPrivate	Ctrl+Shift+P
Повторное открытие последнего сеанса просмотра	
Фильтрация InPrivate	Ctrl+Shift+F
Параметры фильтрации InPrivate	
Блокирование всплывающих окон	▶
Фильтр SmartScreen	▶
Настройки	
Представление совместимости	
Параметры режима представления совместимости	
Подписаться на веб-канал...	
Обнаружение веб-канала	▶
Microsoft Update	
Средства разработчика	F12
Диагностика проблем подключения...	
Отправить в OneNote	
Blog This in Windows Live Writer	
Свойства обозревателя	

журналини ўчириш, веб-саҳифаларни филтрлаш каби амалларни бажариш мумкин.

Масалан, **Свойства обо-зревателя** менюси ёрда-мида браузернинг асосий саҳифасини ўрнатайлик. Бунинг учун **Свойства обозревателя** тугмача-сини босинг. Натижада, экранда куйидаги дарча пайдо бўлади. Унда **Об-щие** майдонини танланг.



Асосий саҳифа – **Домашняя страница** майдонида саҳифа манзилини киритинг. Ушбу майдонда Савдо-саноат палатаси манзилини киритинг. Хусусиятни ўрнатиш учун **Ок** тугмачасини босинг.

Справка менюси

Справка менюси ёрдамида браузер ёрдамчисини чақириш, дастур ҳақидаги маълумотлар олиш мумкин.


У қуйидаги буйруқлардан ташкил топади:

Справка	
Справка Internet Explorer	F1
Новые функции Internet Explorer 8	
Техническая поддержка	
Параметры отзывов пользователей...	
О программе	

Уланиш ва уланишни ўчириш тартиби

Интернетга уланиш учун телефон кабели компьютернинг махсус тирқишига уланиши зарур. Одатда у тармоқ тирқиши ёнида жойлашган бўлади. Агарда сизда ташқи модем бўлса, у ҳолда телефон кабели модем билан ва модем билан компьютер алоҳида кабель билан боғланади.

Интернетга Dial-Up усулда уланиш учун Интернетга уланиш ёрлигида – сичқонча тугмачасини икки марта босиш зарур. Натижада экранда мос дарча ҳосил бўлади.



Топшириқ:

Правка менюси ёрдамида саҳифадаги маълумот қисмини компьютерга кўчириш.

Избранные менюси ёрдамида **Янгиликлар** жилдини яратинг ва унга веб-саҳифани қўшинг.





Дарчанинг қуйи қисмидаги **Вызов** тугмачасини босиш натижасида кейинги дарча ҳосил бўлади.





Телефон сигналлари компьютер орқали провайдерга қўнғироқ қилинаётганлигини акс эттиради. Агар телефон сигналлари қисқа бўлса, провайдер телефони банд эканлигини англатади. Лекин компьютер телефон қилишни давом эттиради. Уланиш натижасида исм ва пароль текширилади ва Интернет белгиси қуйида менюлар сатрида пайдо бўлади. Нихоят Интернетда саёҳат қилишингиз мумкин.

Интернет билан уланишни ўчириш қуйидаги тартибда бажарилади.

Менюлар сатридаги Интернет белгисида сичқонча тугмачаси босилади. Натижада Интернет тармоғи дарчаси ҳосил бўлади.

Унда уланишни ўчириш - **Отключить** тугмачасини босиш зарур. Натижада Интернет уланиш узилади. Дарчани ёпиш учун **Заккрыть** тугмачасини босиш керак.

Ёки менюлар сатридаги Интернет белгисида сичқонча ўнг тугмачаси босилади. Натижада қуйидаги Интернет тармоғи контекст менюси ҳосил бўлади. Унда уланишни узиш - **Разъединить** буйруғини танлаш зарур. Натижада Интернет уланиш узилади.



**Топишириқ:**

Dial-up усулида компьютерингизда Интернетни ўрнатинг. Бунинг учун яратган улашишдан фойдаланинг. Провайдер номи ва телефон рақамларига ҳамда Интернетга кириш учун ном (**Login**) ва пароль (**Password**) сифатида аниқ ёки мисол тариқасида, тахминий маълумотларни киритишингиз мумкин.

Ахборотни қидириш усуллари

Интернетда маълумотлар сони беҳисобдир. Улар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ушбу маълумотлар омборидан зарур бўлган маълумотни қандай топиш мумкин.

Кутубхонада китобни топиш тартиблари бўлганидек, Интернетда ҳам маълумот қидиришнинг тартиблари мавжуд. Келинг, Интернетдан ахборотни топиш тартиблари билан танишайлик.

Браузер қидирув майдонлари ёрдамида маълумотларни топиш мумкин. Браузер ушбу имконияти юқорида келтирилган эди, лекин махсус қидирув серверлари мавжуд.

Улар ёрдамида маълумотларни тезда топиш мумкин. Уларга, **www.google.uz**, **www.assalom.uz**, **www.yahoo.com**, **www.yandex.ru** мисол бўлади.

Google қидирув тизими маълумотларни аниқ ва тез топиш имкониятига эга. Шунинг учун у фойдаланувчилар доирасида кенг тарқалган. Ушбу сервер ёрдамида маълумотларни топиш тартибини мисоллар ёрдамида ўрганамиз.

Қидирув серверида қидирувни махсус роботлар амалга оширади. Улар маълумотларни сўзлар асосида қидиради. Шунинг учун аввал сўровларни киритиш тартиблари билан танишамиз.

Сўров тартиблари


- Қидириш учун жумлани киритиш зарур. Унда жумлада учрайдиган барча сўзлар қидирилади ва натижа аниқ бўлмайди.

- Агар жумла қўштирноқ ичига олинса, айнан шу жумла қидирилади. Қидирув натижаси аниқроқ бўлади.
- Агар жумла олдида “!” белгиси бўлса, қидирув давомида бош ҳарфлар ҳисобга олинади.
- Агар бирор сўз олдида “-” белгиси қўйилса, жумлани қидиришда ушбу сўз ҳисобга олинмайди.
- Агар бирор сўз олдида “+” белгиси қўйилса, жумлани қидиришда ушбу сўз ҳисобга олинади.



Келинг, қуйидаги **"тадбиркорлар учун янги имконият"** маълумотини **Google** да қидирайлик. Бунинг учун қидирув майдонида уни киритиб, **Enter** ни босинг ёки **Google Qidiruvi** тугмачасини босинг.

Натижада экранда қуйидаги саҳифа ҳосил бўлади.



Ушбу саҳифада қидирув натижалари акс эттирилган. Ушбу сўров асосида 16.000 та натижа топилганига эътибор қилинг. Рўйхатдаги саҳифалардан сизга айнан зарур бўлган маълумотни қидириш жуда мураккаб бўлади. Ушбу сўров бўйича кўпроқ

фойдаланилган саҳифалар рўйхатнинг юқорисида жойлашади. Уларни кетма-кет очиб, сизни қизиқтирган маълумотни топиш мумкин.




Аниқ маълумотни қидириш

Агарда сўровни қўштирноқ ичига олсангиз, яъни "тадбиркорлар учун янги имконият" ни киритсангиз, қидирув натижаси қуйидагича бўлади.

Ушбу саҳифада сўров асосида 201 та натижа топилганини кўриш мумкин.

Қисқа рўйхатдан зарур маълумотни топиш енгиллиги маълум. Шунинг учун сўровни киритганингизда, уларни киритиш тартибига албатта аҳамият бериш тавсия этилади.



Сиз учун зарур бўлган маълумотни топиш учун сўров тартиб-ларига албатта риоя қилинг.



Топишириқ:

Сиз учун зарур бўлган маълумотни **Google** да турли тартибда қидириб кўринг. Сўров натижасида ҳосил бўлган рўйхатдан зарур бўлган маълумотни топинг. Масалан, бизнес менежмент бўйича тренингларни топинг.

Кенгайтирилган қидирув

Келинг, қидирувни янада аниқлаштираемиз. Бунинг учун кенгайтирилган қидирув - **Расширенный поиск** буйруғидан фойдаланамиз. Юқоридаги мисолни давом эттирайлик. Қўшимча талаб сифатида муддатни кўрсатайлик, яъни охириги йилдаги **"тадбиркорлар учун янги имконият"** ларни қидирайлик. Бунинг учун **Расширенный поиск** тугмачасини босинг. Ушбу тугмача қидирув майдонида жойлашган. Натижада қуйидаги меню ҳосил бўлади:

"тадбиркорлар учун янги интернет"

Найти страницы
 со словами:
 со словосочетанием: Сбросить
 с любым из слов: OR OR Сбросить

Не показывать страницы
 с любым из слов: Сбросить

Дополнительные настройки
 Отображено результатов: Настройка недоступна, когда включен Живой поиск
 Найти страницы на:
 Найти файлы в формате:
 Искать на сайте или в домене:
(например: ru youtube.com или edu)

*** Дата, права использования, регион и другие сведения** Найти

Унда **Дата, права использования**, регион и другие сведения менюсини очинг. Натижада экранда меню ҳосил бўлади.

Дополнительные настройки

Отображено результатов: Настройка недоступна, когда включен Живой поиск
 Найти страницы на:
 Найти файлы в формате:
 Искать на сайте или в домене:
(например: ru youtube.com или edu)

Дата, права использования, регион и другие сведения

Время обновления:
 Права на использование:
 Искать слова, расположенные:
 Страна:
 Безопасный поиск:
☒ Включить ☐ Включить

Найти страницы
 похожие на эту страницу: Поиск
 с ссылками на эту страницу: Поиск

Унда янгилаиниш муддати — **Время обновления** рўйхатини очинг ва рўйхатдан охирги йил — **последний год** буйруғини танланг ва **Найти** тугмачасини босинг. Натижада куйидаги саҳифа пайдо бўлади.



The screenshot shows a Google search interface with the query "тадбиркорлар учун янги интернет". The search results are filtered by "За год" (For the last year). The results list several web pages, including "Web IPBMC32" and "41-60 - Web IPBMC32".

Ушбу саҳифада сўров натижалари 5та эканлиги акс эттирилган, яъни саҳифалар саралаштирилган.

Кенгайтирилган кидирувни тил, давлатлар, формат



ва сўзлар ёрдамида саралаш мумкин. Буни бажариш жуда қулайдир.



Зарур маълумотни тезда топиш учун уларни кенгайтирилган қидирув сўровидан албатта фойдаланинг. Сўровда албатта, сўз ёки жумлани, тилни ва ёзилган санасини кўрсатинг.



Топишириқ:

*Сиз учун зарур бўлган бирор маълумотни **Google** да вақт, формат ва мамлакат асосида саралаб қидириб кўринг. Сўров натижасида ҳосил бўлган рўйхатдан зарур бўлган маълумотни топинг. Масалан, тадбиркорлик фаолиятингизга оид охириги янгиликларни топинг.*

Каталоглар ёрдамида қидириш

Баъзи қидирув серверларида ва порталларда каталоглар мавжуд. Улар ёрдамида ҳам маълумотларни топиш мумкин. Одатда, бу каталогларда маълумотлар категориялар асосида жойлаштирилади. Мисол сифатида, **www.uz** сайти каталоглари билан танишайлик. Уларда сизни қизиқтирган маълумотни категориялар (мавзулар) асосида топиш мумкин. Бунда саҳифадан-саҳифага кириб, зарур мавзудаги маълумотни топиб оласиз. Умуман, Интернетда маълумотни топиш одатдаги манзилни қидириш каби амалга оширилади.

Масалан, метрода бирор станцияга бориш учун уни метро станциялари кўрсатмалари асосида топганингиздек, Интернетда ҳам маълумотни кўрсатмалар асосида топасиз. Фақатгина кўрсатмаларни эътибор билан ўқишингиз зарур. Каталогда зарур бўлган маълумотлар барчаси бўлмаслиги мумкин. Чунки каталоглар маълум тартибда яратилади ва барча маълумотларни ҳисобга олмаслиги табиийдир. Интернетда маълумотларни қидириш тартиби билан танишдик. Интернетда электрон кутубхоналар ва маълумотлар базалари мавжуд. Улар ёрдамида ҳам маълумотларни топиш мумкин. Улар ҳақида батафсил маълумотлар куйида келтирилади.



Топишириқ:

***www.chamber.uz** саҳифаси каталоглари билан танишинг. **www.uz** сайтига кириш ва унда **Бизнес** бўлимини топинг. Ундан сизни қизиқтирган маълумотни топинг. Масалан, офис маҳсулотларини сотувчи корхоналар таклифларини топинг.*



Ахборотни қидириш бўйича маслаҳатлар

- Маълумотларни қидириш усуллари мукамал ўрганинг ва Сизга маъқул бўлган қидирув тизимини танланг.
- Қидириш учун сўровни киритганда имло хатоларига эътибор беринг. Баъзан имло хатоси туфайли қидирув натижа бермайди.
- Сўровларни киритишда уларнинг ёзилишига диққат қилинг. Баъзи сўровларни турли усулда ёзиш мумкинлигини эсда тутинг. Масалан, “тўплам” ва “омбор” сўзлари. Агар “тўплам”ни топа олмасангиз, “омбор”ни топишингиз мумкин ёки аксинча. Сўровни аниқ киритишга ҳаракат қилинг. Масалан, “Интернет провайдерлар” ва “Интернет хизмати нархлари” турли маълумотларни тўплайди.
- Сўровларда сўзларни бош ҳарфда киритманг. Агар бирор маҳсулотнинг номини қидираётган бўлсангиз, у ҳолда бош ҳарфдан фойдаланинг.
- Расм ва тасвирларни ва аниқ форматдаги ҳужжатларни топиш учун **Расширенный поиск** буйруғидан фойдаланинг. Унда мос майдонларда мос маълумотларни киритинг.
- Расмларни номи ёрдамида топиш зарур. Масалан, тарвуз расмини топмоқчи бўлсангиз, расм номи майдонида “тарвуз” деб ёзишингиз зарур.
- Агар бирор саҳифа ёки сервер маълумот ва янгиликлари сизни қизиқтириб қолса, саҳифалар номини **Избранные** жилдига қўшиб қўйинг. **Избранные** жилдида турли категорияли жилдларни очиш тавсия этилади.
- Сўров натижаси билан бирга, унинг бошқа тилдаги натижаларини кўришингизни тавсия этамиз. Бу сизга сўровингизга тўлароқ жавоб олишингизда ёрдам беради. Масалан, сўровни ўзбек тилида киритган бўлсангиз, ўзбек тилидаги ҳамда рус тилидаги маълумотлар таклиф этилади. Сўров бўйича инглиз тилидаги маълумотларни ҳам кўрмоқчи бўлсангиз, инглиз тилидаги натижаларни қидириш сўрови танланади.




Ахборотни кўчириш ва сақлаш тартиби

Бирор маълумот сизга зарур бўлса, уни компьютерга кўчириб олишингиз мумкин. Саҳифадан доимо фойдалансангиз, уни **Из-бранные** жилдига киритиб қўйишингиз мумкин. Бунинг учун ушбу тугмачани босинг. Маълумотларни кўчириш тартибларини келтирамиз.

Веб-саҳифани сақлаш

Фараз қилайлик, бирор саҳифадаги кизиқарли маълумотларни компьютерга кўчирмоқчисиз. Аввал саҳифа тўлиқ очилишини кутинг. Сўнг **Файл** менюсидан **Сохранить как** буйруғини танланг.



Дарчанинг **Тип файла** майдонида рўйхатни очинг. Унда қуйидагилар мавжуд:

- **Веб-страница полностью** (*.htm, *.html) – Ушбу формат веб-саҳифани тўлиқ кўчиради. Ушбу форматдан фойдаланган мақсадга мувофиқ.
- **Веб-архив один файл** (*.htm) – Веб-саҳифани архивини кўчиради.
- **Веб-страница, только HTML** (*.htm, *.html) – Фақат веб-саҳифани кўчиради.
- **Текстовый файл** (*.txt) – Веб-саҳифани матн кўринишда кўчиради.

Рўйхатдан **Веб-архив, один файл** сатрини ёки бошқа форматларни танланг. Сўнг **Сохранить** тугмачасини сичқонча билан босинг. Натижада веб-саҳифа нусхаси архиви компьютерга ёзилади ва у билан Интернетга боғланмасдан туриб, маълумотлари билан та-нишишингиз мумкин. Бу имкониятдан фойдаланиш жуда қулай.



Веб-саҳифа нусхасини кўчириш учун махсус жилд яратган яхши. Уни **Мои документы** жилдида очган қулайдир.




Топишириқ:

www.chamber.uz саҳифасидан бирор саҳифани компьютерга тўлиқ кўчиринг.

www.bfu.uz саҳифасидан бирор каталог архивини компьютерга кўчиринг.

Файлларни сақлаш

Энди ҳужжатни сақлаш тартиби билан танишайлик. Бунинг учун сизни қизиқтирган ҳужжатни очинг. Натияжада файлни очиш ёки сақлаш - **Открыть или сохранить этот файл** дарчаси ҳосил бўлади.



Ҳужжатни очиш учун дарчада **Открыть** тугмачасини босиш зарур. Ҳужжатни компьютерга ёзиш учун дарчада **Сохранить** тугмачасини босиш зарур. Унда файлни ёзиш учун жилд манзилини кўрсатиш керак. Ниҳоят ҳужжат нусхаси компьютерингизда ҳосил бўлади. Жадвал, расм, график файлларни сақлаш тартиби ҳам ҳужжатни сақлаш тартиби каби бажарилади. Ҳужжатни компьютерга ёзиш тартиби [6] да келтирилган.



Эслатма!

Демак, ҳужжатларни очиш ва кўчиришида одатдаги **Открыть** ва **Сохранить** тугмачаларидан фойдаланилади.

Ҳужжатларни кўчиришида ва улардан фойдаланишида муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилишингизни тавсия этамиз. Баъзи ҳужжатлар фойдаланиш учун очиқ бўлади. Баъзи ҳужжатлар муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади. Одатда, ушбу ҳуқуқ ҳақида муаллифлар фойдаланувчиларни огоҳлантиради. Бунда муаллифлик ҳуқуқи белгиси- © дан фойдаланилади.

**Топшириқ:**

Бирор веб-саҳифани очинг. Веб-саҳифадаги ҳужжатни ва расмни компьютерга ёзиш машқларини бажаринг. Ҳужжат ва расмни мустақил танланг.

Веб-саҳифаларни кўчириш

Юқорида келтирилган тартибда веб-саҳифаларни ёзиш кўпроқ вақт талаб этади. Агар веб-саҳифалар ва файллар сони кўп бўлса, уларни кўчиришга кўп вақтингиз кетади. Ушбу амалларни махсус дастурлар асосида бажариш қулай бўлади.

Ушбу дастурларнинг ишлаш тартибини **FlashGet** дастури мисолида кўрсатамиз. Ушбу дастур фойдаланувчилар кенг оммасини қулайлиги билан жалб этган. Уни компьютерга ўрнатиш жуда осон.

Унинг ёрдамида маълумотларни кўчириш тартиби қуйидагича:

- Дастурни ишга туширинг
- Унда веб-саҳифа манзилини кўрсатинг.
- Веб-саҳифани кўчириш параметрларини кўрсатинг.
- Дастур ишини бошланг.

Махсус кўчирувчи дастурлар қуйидаги имкониятларга эга:


- **Кўчиришнинг ишончлилиги, яъни** маълумот тўлиқ кўчирилади. Агар Интернет кўчириш давомида тўсатдан узилган бўлса, кўчиришни кейинги Интернет сеансда давом эттириш мумкин.
- **Кўчиришнинг тезкорлиги.** Дастур маълумотларни кўчиришни оптимал тартибларини яратади ва бир пайтнинг ўзида бир-неча маълумотларнинг кўчирилишини таъминлайди. Шунинг учун маълумотлар тез кўчирилади.
- **Кўчиришнинг мустақиллиги.** Дастур кўчирилиши зарур бўлган маълумотлар кўчирилишини бошқаради. Одатда, файлларни кўчиришда уларни тўлиқ кўчиришга вақт талаб этилади. Сиз бу пайтда бошқа ишларни бажаришингиз мумкин. Дастур ўзи мустақил равишда кўчиришни кузатиб боради ва агар Интернет уланиш узилган бўлса, кейинги сеанс давомида кўчиришни давом эттирилишини таъминлайди.




Вирус ва спамдан ҳимояланиш

Интернетга уланган компьютерда албатта антивирус дастур ўрнатилиши зарур. Антивирус дастур электрон почта ва Интернет орқали келаётган хат ва маълумотларни вирусга ва спамга текширади. Антивирус дастур имкониятлари ҳам ривожланишда. Улар ёрдамида компьютер хавфсизлигини таъминлаш мумкин. Бу антивирус дастур параметрларини сошлаш асосида амалга оширилади. Параметрларни сошлаш - **Настройка** менюси ёрдамида ўрнатилади. Ушбу менюдан фойдаланиб, вирус ва спамдан ҳимояланишни **Касперский** антивирус дастури мисолида ўрнатайлик.

Касперский дастурини ишга туширинг ва унда **Настройка** менюсини очинг. Унда асосий ҳимоя параметрлари - **Основные параметры защиты** менюси тугмачасини босинг. Натижада куйидаги дарча ҳосил бўлади.



Унда ҳимояни ўрнатиш - **Включить защиту** пунктини ва кейинги пунктларни дарчадагидек сичқонча ёрдамида белгиланг. Сўнг **Файловый Антивирус**, **Почтовый Антивирус**, **Веб-Антивирус** ва ҳоказоларни очинг, зарур майдонларни белгиланг. Масалан, **Веб-Антивирус** майдонларини куйидаги дарчада кўрсатилганидек белгиланг.




Натижада куйидаги дарчадагидек, **Контроль**



работы в сети
майдонида ушбу
функциялар фаол-
лашади.

Дастурнинг **Internet Security 2011** хиз-
мати компьютер-
ни Интернетдаги
босқинчиликдан ва
спамлардан эҳтиёт
килади.



Одатда **Касперский антивируси** компьютер ишга тушганда, автомат тарзда ишга тушади ва компьютерни ҳимоя қилади. Шунинг учун уни ўрнатганда юқорида тавсия этилгандек, созлашни унутманг.

Хулоса қилиб, албатта компьютерни вирус ва спамдан лицензион антивирус дастурлар билан ҳимоя қилиш муҳимлигини таъкидлай-
миз.



Диққат! Компьютер хавфсизлигини махсус дастурлар ёрдамида таъминлашни унутманг.

Ахборот хавфсизлиги

Интернет хавфсизлиги ҳақида янгиликлардан эшитгансиз. Интернет тармоғида маълумотларга хавф солувчи зараркунанда ва фирибгар дастурлар мавжуддир. Улар тармоқ орқали тармоқдаги барча компьютерларга зарар етказиши мумкин. Интернетга уланганингизда компьютерингиз ҳам зарарланиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёт чораларини кўриш зарур. Бунинг учун махсус дастурлар бор. Компьютерни ва ундаги шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш йўллари қуйида келтирамыз.

Интернет хизматларидан фойдаланишда улардан фойдаланиш учун шахсий маълумотларни киритиш зарур бўлади. Бу электрон почта, янгиликлар, форум ва мулоқот технологиялари, электрон биржаларга хосдир. Ушбу маълумотларни эҳтиёт қилиш зарурдир. Чунки улардан



бошқалар фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, корхона маълумотлари компьютерда сақланади. Уларни ҳам эҳтиёт қилиш зарурдир.



Спам бу турли зарурати бўлмаган тижорат ҳамда реклама ахборотларидан ташкил топган хатлар ва рекламалардир.

Хавфсизликни таъминлаш учун махсус дастурлар мавжуд. Бу анти-вируслар, Firewall ва бошқа махсус хизматлардир. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари янгиликларида Интернет фирибгарлари ҳақидаги маълумотларни кузатиб бориш зарур.



Диққат! Шахсий маълумотларни алоҳида файлда сақлаш мумкин. Лекин ушбу файлни пароль деб аташ тавсия этилмайди. Ушбу файлни пароль ёрдамида эҳтиёт қилиш зарур. Паролларни эҳтиёт равишда қоғозда, яъни, ён дафтарчада ҳам сақлаш мақсадга мувофиқ.

Корхона ахборот хавфсизлиги қуйидагилар назоратини ўз ичига олиши зарур:

- Ахборотларни эҳтиётлаш, яъни улардан фойдаланувчи ходимлар доирасини қисқартиш.
- Антивирусдан фойдаланишни таъминлаш.
- Электрон почта хавфсизлигини таъминлаш, корхона электрон почтадан фойдаланиш тартибларини ўрнатиш.
- Пароллардан фойдаланиш сиёсатини йўлга қўйиш.
- Сервер хавфсизлигини таъминлаш.
- Корхона ахборот базалари хавфсизлигини таъминлаш.
- Ахборот хавфсизлиги сиёсатини яратиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар:

- Корхона ахборот хавфсизлиги сиёсатини яратиш ва унга барча ходимлар риоя қилишини таъминлаш зарур. Бу буйруқ, стандарт, йўлланма, шартнома ва қўлланмалар асосида амалга оширилиши мумкин.
- Компьютер иш столидаги интерфейсни стандарт кўринишидан фойдаланган мақсадга мувофиқ. Баъзи дастурларни ўрнатиш натижасида компьютер ишини сусайтириш мумкин. Зарур



бўлган дастурларнигина ўрнатинг. Чунки ҳар бир дастур компьютер тизими ресурсларини талаб этади ва натижада тизим хавфсизлигини ҳамда компьютер ишини сусайтириши мумкин.

- Антивирус дастурлар компьютер ишини сусайтиради. Баъзилар шу сабабли антивирус дастурдан фойдаланмайдилар. Бу жуда ҳам катта хатодир. Чунки бу ҳолда компьютердаги маълумотларни йўқотишингиз ёки фирибгарларга дуч келишингиз мумкин. Шунинг учун антивирус дастурдан эҳтиёткорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Антивирус дастурлар корхона барча компьютерларига ўрнатилиши зарур. Одатда, антивирус дастурларнинг бир-неча компьютерларга ўрнатилувчи турлари мавжуд. Антивирус дастурларни мунтазам равишда янгилаш зарур. Битта антивирусдан фойдаланган маъқул.
- Дастурлар мунтазам равишда янгиланади. Одатда, дастур янги шакли янги имкониятларга эга бўлади ва камчиликларни ҳисобга олади, яъни дастур доимо ривожланиш жараёнида бўлади. Шунинг учун дастурларнинг янги шакллари ҳақидаги янгиликлардан хабардор бўлмоқ зарур.
- Пароль мураккаб бўлгани мақсадга мувофиқ. У бош ва кичик ҳарфлар ҳамда рақамлар мажмуидан тузилса, уни топиш имконияти пасаяди. Баъзилар исм, фамилия, туғилган йили ва куни ёки телефон рақамидан фойдаланади. Бу нотўғри. Ихтиёрий ҳарфлар ва рақамлар мажмуидан фойдаланган маъқул. Бир хил паролдан фойдаланиш ҳам нотўғри. Турли хизматлардан фойдаланганда турли пароллардан фойдаланган маъқул. Мунтазам равишда, паролларни янгилаб туриш тавсия этилади.
- Антивирус дастури ёрдамида компьютер ҳимояланиши етарли эмас. Махсус **Firewall** дастурини ўрнатиш ҳам зарур. Лекин махсус ёрдамчи дастурлар ёрдамида компьютер хавфсизлигини янада ошириш мумкин. Бу дастурлар компьютердаги фирибгар дастурларни ўчиради. Касперский лабораторияси антивирусининг он-лайн хизматидан фойдаланиш мумкин.
- Дастурни компьютердан ўчирганда, уни тўғри ўчиринг. Акс ҳолда, кейинчалик унинг қолдиқлари компьютер ишини сусайтиради.



Агар дастурни ўчирмоқчи бўлсангиз, дастурни ўчирувчи **Uninstall** дастуридан фойдаланиш зарур. Одатда дастур ўрнатилганда уни ўчирувчи **Uninstall** дастури ҳам ўрнатилади.

- Мунтазам равишда, корхона ахбороти хавфсизлигини текшириб боринг. Масалан, ойда бир марта. Баъзи корхоналар ушбу хизматни провайдерларга шартнома асосида юклайдилар. Бунда корхона провайдерга маълумотларни текшириш корхона ахборот тизимига киришга рухсат бериши зарур бўлади. Бунда ахборотларнинг хавфсизлиги, тизим хавфсизлиги ва ходимларнинг фаолияти назорат қилинади.
- Корхона барча ходимлари масъулиятни ҳис этиши ва корхона ахборот хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши зарур. Бир киши ушбу қоидалар амал қилишини текширишга масъул бўлиши шарт.

Фойдали маслаҳатлар

- Интернетда маълумотларни қидириш оддий ва осон. Маълумотларни қидиришда қидирув қоидаларига риоя қилиш зарур.
- Вируслардан ва фирибгар дастурлардан эҳтиёт бўлинг. Улардан ҳимояланиш тартибларига риоя қилинг. Лицензияли антивирус дастурлардан фойдаланинг.
- Веб-саҳифаларни очишда зарур бўлган саҳифаларгагина киринг. Ҳар хил ёрқин рекламаларга эътибор берманг. Чунки улар эътиборни жалб қилишга мўлжалланган бўлиб, вирусланган бўлиши мумкин. Баъзи рекламалар эса ахлоқсиз мазмунли саҳифаларни очиши мумкин.
- Интернетда турли мазмундаги маълумотлар мавжуд. Улардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш зарур.
- Интернетдаги маълумотлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Уларни ажрата олишни ўрганинг. Чунки тўғри-нотўғри маълумотлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.
- Интернет хизматларидан фойдаланишда шахсий маълумотларингизни киритишда огоҳ бўлинг. Шахсий маълумотларни тўлиқ киритиш зарурати йўқ. Логин ва паролларни ён даф-



тарчангизга киритиб қўйишни унутманг. Агар пароль ёдингиздан қўтарилган бўлса, уни тиклаш мумкин. Бунинг учун администраторга мурожаат қилиш зарур бўлади.

- Бегона компьютерда электрон почта ёки бошқа хизматлардан фойдаланганингизда, ушбу хизматлардан чиқишни унутманг. Акс ҳолда, бегоналар маълумотларингиздан фойдаланиб, сизнинг номингиздан хат юбориши, мулоқот қилиши, буюртмалар ёки талабномалар йўллаши мумкин.



Эслатма!

Демак, Интернет фойдаланувчиси ушбу хавфларни олдини олиш учун қўйидаги техник ечим ва ташиқий ишларни амалга ошириши зарур:

- Корхона компьютер тармоғида бегона шахсларни ишлашига йўл қўйманг.
- Шахсий ва оила аъзоларингиз ҳақидаги маълумотларни (исм, шарифингиз, уй манзилингиз, банкдаги ҳисоб-рақамингиз ҳақидаги маълумотларни) интернет орқали юборманг.
- Интернетда нотаниш дастурлардан фойдаланманг. Дастурларни фақат ишончли серверлардан кўчиринг.
- Антивирус дастурлардан фойдаланинг ва уларни мунтазам янгилаб боринг.
- Интернетда мавжуд бўлган ахборотлашган ресурслар ва дастурлардан уларнинг муаллифлари рухсатисиз фойдаланманг.
- Тармоқда ахлоқсиз мавзудаги маълумотларни ва вирусларни тарқатиш каби ноқонуний ишлар билан шуғулланманг.



Тўртинчи боб

- Электрон манзил тавсифи ва унинг имкониятлари
- Электрон манзил таркиби
- Электрон манзилни яратиш
- Электрон почта билан ишлаш дастурлари
- Электрон хатни ёзиш тартиби
- Хатни жўнатиш тартиби
- Хатларни қабул қилиш, ўқиш, жавоб ёзиш, ўчириш тартиби
- Файлларни жўнатиш
- Иловали хатни ўқиш тартиби
- Электрон почтани бошқариш тартиби
- Манзиллар китобини яратиш ва ундан фойдаланиш
- Вируслардан ва спамдан ҳимояланиш
- Фойдаланишга оид маслаҳатлар

Электрон почтадан
фойдаланиш тартиби





Электрон манзил тавсифи ва унинг имкониятлари

Интернет электрон почта хизматини ҳам бажаради. **Электрон почтанинг тадбиркорлар учун имкониятлари қуйидагича:**

- Хат жўнатиш ва қабул қилиш
- Ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиш
- Маркетинг ва реклама
- Янгиликларни олиш ва юбориш
- Савол ва сўровлар билан мурожаат қилиш
- Ҳомийларга ва ҳамкорларга мурожаат қилиш
- Лойиҳалар ва танловлар ҳақида маълумот олиш ва бериш
- Тадбирлар ташкил этиш
- Эълонлар ва ахборотлар бериш
- Мониторинг ўтказиш
- Ахборотлар топиш

Электрон почта ўзи нима? Одатдаги почта ёрдамида хатни почта хизмати ёрдамида бирор манзилга юборишингиз мумкин. Электрон почта ёрдамида эса электрон хатни зарур электрон манзилга юборишингиз мумкин. Бунинг учун махсус дастурдан фойдаланишингиз зарур. Одатда хат манзилга етиб бориши учун вақт талаб этилади.



Электрон хат эса бир зумда манзилга етиб боради. Электрон хатларнинг бошқа имкониятлари ҳам мавжуд. Ушбу имкониятлар юқорида санаб ўтилди. Қуйида электрон почта ва унинг имкониятларидан фойдаланиш тартиблари билан танишамиз.



Электрон почта – бу дастур бўлиб, у электрон хатлар билан ишлашга мўлжалланган. Унинг ёрдамида хатни, ҳужжат ва умуман ихтиёрий файлни дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга жўнатиш ҳамда келган хатларни қабул қилиш мумкин. Электрон почта махсус почта дастури ёки Интернет тармоғида ишлайди.



Электрон хат юборганда худди хатни юбораётгандай, унинг кимга, қаерга ва кимданлигини ёзишингиз шарт. Хатни бир неча манзилларга юборишингиз мумкин. Электрон хатни юборганингиздан сўнг у электрон почта дастури қутисига тушади ва ундан кўрсатилган манзил почта қутисига етказилади. Умумий почта қутисидан хат шахсий қутичаларга дарров жўнатилади. Фойдаланувчи шахсий почтасини очганда унда олинган янги хатлар рўйхатини кўради. Одатда улар қалин шрифт билан ажратилади. Ҳар бир фойдаланувчи ўзининг почта қутисига эга бўлиши зарур. Баъзи фойдаланувчилар ҳамкасблари, дўстлари ёки ўқувчилар шахсий электрон манзилдан фойдаланадилар. Бу мақсадга мувофиқ эмас.



Электрон манзилни очиш мураккаб эмас, шунинг учун уни шахсий мулоқот ва иш фаолияти учун алоҳида яратишингиз мумкин.

Қуйида электрон манзилни яратиш тартибларини келтирамыз.

Электрон манзил таркиби

Электрон манзил e-mail деб кўрсатилади. Бу қуйидаги маънони англатади: e ҳарфи “electron” электрон сўздан олинган ва “mail” почта маъносини англатади. E-mail қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

<Электрон манзил номи (манзил муаллифи исми ёки корхона ёки бўлим номи) ><электрон манзил белгиси><домен номи (ташкilot, провайдер ёки электрон манзил дастури номи)><давлат номи>

Мисол тариқасида қуйидаги электрон манзилни таҳлил қиламыз:



chamber@chamber.uz

Манзил эгасининг исми ёки корхона номи, бизнинг мисолда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
 Ташкilot номи, яъни Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси домени
 Давлат номи
 Электрон манзилни белгиловчи махсус белги. Бу белги “кучукча” деб ҳам аталади.



Топшириқ:

Корхона электрон манзилини яратинг. Манзилда корхона ҳақида маълумот берилгани мақсадга мувофиқ.

Масалан:

info@chamber.uz

talabnoma@oquvmarkaz.uz



Топшириқ:

Куйидаги электрон манзиллар таркибини таҳлил қилинг ва корхона номини аниқланг:

expert@chamber.uz

ofis@fermer.uz



Тавсия!

Электрон манзилни яратишга жиддий эътибор беринг. Электрон манзил бу корхона жиддийлигини акс эттириши мумкин. Ушбу манзил таркиби асосида ҳамкорлар ва мижозлар корхонангиз жиддийлигини билиб олади. Одатда манзил номи ва домен номида бу аён бўлади. Манзил номини танлаганда ушбу тавсияга эътибор беринг.




Электрон манзилни яратиш

Электрон хат ёзиш учун авваламбор, шахсий электрон манзилга эга бўлиш керак. Электрон манзилни яратишнинг икки усули мавжуд:

1) Провайдердан харид қилиш мумкин. Масалан, Uznet, Sarkor, UzSciNet. Одатда провайдер корхонани Интернет билан таъминлаганда электрон манзиллар билан ҳам таъминлайди. Шартнома тузилаётганда бу имкониятдан фойдаланиш тартиби билан танишиш мумкин. Одатда, корхонанинг шахсий электрон манзилининг мавжудлиги унинг жиддийлигидан далолат беради.

2) Интернетдаги бепул электрон почта дастурларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, **www.inbox.uz**, **www.mail.uz**, **www.doda.uz**, **www.hotmail.com**, **www.gmail.com** ва **www.rambler.ru** бепул почта хизматини кўрсатади. Уларда ишлаш тартиби жуда оддий. Бу хизматдан фойдаланиш учун Интернетга уланиш зарур. Ҳозирги кунда **www.gmail.com** фойдаланувчилар доирасида кенг тарқалмоқда. Мисол тариқасида, **www.gmail.com** да электрон манзилни яратиш тартиби билан танишамиз.

www.gmail.com саҳифасида **Создать аккаунт** тугмачасида сичқонча тугмачасини чертамыз.



Натижада экранда қуйидаги шакл пайдо бўлади. Унда зарур майдонларни киритиш керак. Улар одатда **<*>** билан белгиланади. **Логин** майдонида манзил номини терамиз. **Ваш пароль** майдонида паролни киритиш ва **Повторить пароль** майдонида паролни қайта киритиш зарур.



Электрон манзилни
киритинг. Масалан,
korhona@gmail.uz

Исм ва
фамилиянгизни
киритинг.

Почтага кириш учун паролни
киритинг. Одатда ҳарф
ўрнида «*» белгиси аксланади.

Как вас зовут

Имя Фамилия

Введите имя пользователя

@gmail.com

Введите пароль

Подтвердите пароль



Пароль сифатида ҳарф ва рақамлардан фойдаланган маъқул.
Ҳарфларнинг баъзилари бош ҳарфдан бошланса, пароль
ишончлироқ бўлади, яъни почтангиз хавфсизлиги ортади.
Паролни эслаб қолиш зарур ёки бирор-бир дафтарингизга ёзиб
қўйинг.

Секретный вопрос майдонида сизга маъқул бўлган саволни тан-
ланг ва унга жавобни ёзинг. Бу савол кейинчалик паролни унутган
ҳолингизда уни тиклаш учун фойдали бўлади.

Введите два слова майдонида **Докажите, что вы не робот** майдо-
нидаги сўзларни киритинг.

Докажите, что вы не робот


Введите два слова:

Слова:

☐ Я принимаю Условия использования и описанные в них условия конфиденциальности Google

☐ Я разрешаю Google использовать данные моего аккаунта для персонализации и на основе них предоставлять Google-Партнерам...

Страна майдонида давлатни танланг. Сўнг **Я принимаю Условия Соглашения** майдонидаги **Google** хизматидан фойдаланиш шартла-
ри билан танишиб, белгиланг ва **Далее** тугмачасини босинг.



Куйидаги жадвалда электрон почта дастурлари одатдаги тугмачаларининг тавсифини келтирамыз:

Тугмача номи	Амал тавсифи
Написать письмо	Янги хатни ёзиш дарчаси очилади.
Печать	Хатни принтерда чоп этади.
Переместить в папку	Хатларни кўрсатилган жилдга кўчиради.
Удалить	Белгиланган хатни ўчиради. Ўчирилган хатлар Удаленные жилдига кўчирилади. Агар хатни нотўғри ўчирган бўлсангиз, уни Удаленные жилдидан Восстановить буйруғи ёрдамида жойига қайтаришингиз мумкин.
Ответить	Хат муаллифига жавоб хати ёзиш дарчаси очилади.
Ответить Всем	Хатни барча муаллифларга жавоб хати ёзиш дарчаси очилади.
Переслать	Хатни бошқа кимсага (ёки кимсаларга) қайта юбориш дарчаси очилади. Бунда манзил сатрида электрон манзил (ёки манзиллар) киритилиши зарур.
К исполнению	Электрон хатнинг зарурлик даражасини ўрнатади.



Отправить и получить	Исходящие жилдидаги хатларни манзилига элтади ва сизга келган хатларни Входящие жилдига қабул қилади.
Создать правило	Қабул қилинаётган электрон хатни саралаш тартибни яратади. Масалан, муаллифларни саралайди ва улардан келган хатларни алоҳида мос жилдларга жойлаштиради.
Адресная книга	Манзиллар китобини очади. Манзиллар китобига ҳамкасблар ҳамда дўстларингиз электрон манзилларини қайд қилишингиз мумкин.
Просмотреть	Хатларни қидиради. Бунда, электрон манзилни ёки хат мавзусини ушбу ойнада ёзиш ва Найти тугмачасини босиш зарур.
Входящие	Сизга келган хатлар жойлашган жилд.
Непрочитанные письма	Ўқилмаган хатлар жойлашган жилд. Одатда хатлар қалин шрифт билан ажратилади.
Отправленные	Бу жилдда жўнатилган хатлар жойлайдилар.
Нежелательная почта	Нотаниш бўлган кимсалардан ёки спамли электрон хатлар жойлаштириладиган жилд. Унга назар ташлаб, зарурларини Входящие жилдига жўнатиш мумкин.
Исходящие	Сиз жўнатаётган хатлар рўйхати жойлашган жилд.
Удаленные	Ўчирилган файллар сақланадиган жилд.
Черновики	Хат қўлёзмаси жойлашадиган жилд.
Добавить файл	Хатга файлларни бириктиради. Файлни бириктириш учун унинг манзилини кўрсатиш зарур.
Отправить	Хатни манзилига элтувчи тугмача.




Электрон почта билан ишлаш дастурлари



Юқорида электрон почта билан бепул ишловчи дастурлар билан танишдик. Электрон почта билан ишловчи махсус дастурлар ҳам мавжуд. Улар билан ишлаш жуда қулай. Улар электрон почта билан ишлаш билан бирга, иш фаолиятини бошқариш бўйича қулайликларга эгадир. Уларга **Microsoft Office Outlook**, **Microsoft Office Outlook Express** каби дастурлар мисол бўла олади. Улар одатда **Microsoft Ofis** дастури доирасига мансуб. Қуйида **Microsoft Office Outlook** билан ишлаш тартибларини келтирамиз.

Электрон хатни ёзиш тартиби

Электрон манзилингизни яратдингиз. Агар уни бепул электрон почта дастурида яратган бўлсангиз, хат ёзиш ва жўнатиш тартиблари қуйидагича бўлади. Аввал хат ёзиш тартиби билан танишамиз. Бунинг учун яратган электрон манзилингиз қутисига киришингиз зарур. Сўнг ёзиш — **Написать** тугмачасини босиш зарур. У одатда электрон почта дастурларида юқори сатрда жойлашган бўлади.



Натижада **Написать** дарчаси экранда ҳосил бўлади. Манзил майдонида электрон манзилни кўрсатиш зарур. Агар хатни бир неча манзилга юбормоқчи бўлсангиз, вергул ёрдамида уларни барчасини киритиш керак. Хат мавзусини **Тема** майдонида киритиш зарур. Мавзуда хатнинг

мақсади кўрсатилгани маъқул. Масалан, таклифлар, таклифнома, хабарнома ёки илтимос. Хат мазмунини матн майдонида киритила-



ди. Хатни ёзиб бўлганингиздан сўнг **Отправить** тугмачасини чертиш керак. Одатда у қуйида жойлашади. Натижада хат кўрсатилган манзил ёки манзилларга юборилади ва экранда хат кўрсатилган манзилларга юборилганлиги ҳақидаги хабар берилади. Агарда хатга ҳужжат ёки расмни илова қилмоқчи бўлсангиз, **Прикрепить** файл майдонида **Обзор** тугмачасини босиш ва илова қилинаётган файлни кўрсатиш зарур. Қуйида **Написать** дарчаси тавсифи келтирилади.



Топшириқ:

Ўз шахсий электрон манзилингизни яратинг ва ўзингизга хат юборинг.

Ўз электрон манзилингизга ҳужжат илова қилинган хат юборинг.

Ўз электрон манзилингизга келган хатларни очиб ўқинг ва уларни ўчиринг.


Корхона электрон манзилини яратинг ва ўз шахсий манзилингизга хат юборинг.

Шахсий электрон манзилингизга келган хатни ўқинг ва уни корхона манзилига қайта жўнатынг.

Microsoft Office Outlook дастури билан ишлаш тартиби

Энди электрон хатлар билан ишлашни амалга оширувчи **Microsoft Office Outlook** дастури ёрдамида хатлар билан ишлашни ўрганамиз. Бу хатлар билан ишловчи махсус дастурлардан биридир. У билан ишлаш жуда қулай. Унинг ёрдамида хатларни Интернетга боғланмасдан туриб ёзиш, жавоб ёзиш ва юбориш учун тайёрлаш мумкин. Хатларни манзилга жўнатиш ёки қабул қилиш учун эса Интернетга уланиш зарур бўлади. **Microsoft Office Outlook** дастурида электрон почта-гизни сошлаш мумкин.

Ушбу дастурни ишга туширинг. Натижада экранда қуйидаги дарча ҳосил бўлади.



Қуйидаги жадвалда **Microsoft Office Outlook** дастури тугмачаларининг тавсифини келтирамыз:

Тугмача кўриниши ва номи	Амал тавсифи
Создать	Янги хатни яратади.
Печать	Хатни принтерда чоп этади.
Переместить в папку	Хатларни кўрсатилган жилдга кўчиради.
Удалить	Белгиланган хатни ўчиради. Ўчирилган хатлар Удаленные жилдига кўчирилади.
Ответить	Хат муаллифига жавоб хати ёзиш дарчаси очилади.
Ответить Всем	Хатни барча муаллифларга жавоб хати ёзиш дарчаси очилади.



Переслать	Хатни бошқа кимсага (ёки кимсаларга) юборади. Бунда электрон манзил (ёки манзиллар) киритилиши зарур.
К исполнению	Электрон хатнинг зарурлик даражасини ўрнатади.
Отправить и получить	Исходящие жилдидаги хатларни манзилига элтади ва сизга келган хатларни Входящие жилдига қабул қилади.
Создать правило	Қабул қилинаётган электрон хатни саралаш тартибни яратади. Масалан, муаллифларни саралайди ва уларни алоҳида жилдларга жойлаштиради.
Адресная книга	Манзиллар китобини очади. Манзиллар китобига ҳамкасблар ҳамда дўстларингиз электрон манзилларини қайд қилишингиз мумкин.
Просмотреть	Хатларни қидиради. Бунда, электрон манзилни ёки хат мавзусини ушбу ойнада ёзиш ва Найти тугмачасини босиш зарур.
Входящие	Сизга келган хатлар жойлашган жилд.
Непрочитанные письма	Ўқилмаган хатлар жойлашган жилд. Одатда хатлар қалин шрифт билан ажратилади.
Отправленные	Бу жилдда жўнатилган хатлар жойлашади.
Нежелательная почта	Нотаниш бўлган кимсалардан ёки спамли электрон хатлар жойлаштириладиган жилд.
Исходящие	Сиз жўнатаётган хатлар рўйхати жойлашган жилд.
Удаленные	Ўчирилган файллар сақланадиган жилд.



Копия майдонида хат нусхаси юборилган муаллиф ёки муаллифлар манзилини киритинг. Агар манзил манзиллар китобига киритилган бўлса, манзилни ундан олиш мумкин. Манзиллар китобини яратиш билан қўйида танишамиз.

Тема майдонида хат мавзусини кўрсатинг. Масалан, “Энг яхши тадбиркор танлови якунига таклифнома”. Мавзу хатнинг мақсадини ёритгани мақсадга мувофиқдир.

Пастки матн майдонида хат матни ёзилади. Матнни қўйидаги шаклда киритишингиз мумкин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси


Ҳурматли маъмурият

*Сизни 20 май куни соат 17.00 да ёш тадбиркорларга бағишланган “Энг яхши ёш тадбиркор” танлови расмий тақдирлаш маросимига таклиф этамиз.
Танловда ёш тадбиркорлар, талабалар ва маҳалла фаоллари қатнашади.*

Манзил: Тошкент шаҳар, Пойтахт маркази.

Танлов Ташкилий қўмитаси


Хатни мазмуни тўғри ёзилганлигини (имлосини) текшириб кўринг.



Хатни жўнатиш

Энди яратган хатингизни зарур манзилга юборинг. Авваламбор, Интернетта боғланинг ва қўйидагиларни бажаринг:

1. **Отправить** тугмачасини сичқонча ёрдамида чертинг.
2. Хатнинг **Исходящие** жилдига тушганлигини текширинг.
3. **Отправить и получить** тугмачасини босинг.
4. Хатнинг Исходящие жилдидан **Отправленные**  Отправленные жилдига тушганлигини текширинг.




Агар хатни бошқа манзилга қайта жўнатмоқчи бўлсангиз, юборилган хатни очинг ва **Переслать** тугмачасидан фойдаланинг. Бунда мос дарча ҳосил бўлади. **Кому** майдонида зарур манзилни ёки манзилларни ёзинг ва **Отправить** тугмачасини босинг. На-

тижада хат жўнатилади ва **Отправленные** жилдига пайдо бўлади.

Хатларни қабул қилиш, ўқиш, жавоб ёзиш, ўчириш тартиби

Сизнинг электрон манзилингизга келган хатларни қабул қилиш ва ўқиш учун қуйидагиларни бажаринг.



1. **Отправить и получить** тугмачасини босинг. Экранда ойна ҳосил бўлади, унда хатлар кўчирилатганлиги кўриш мумкин. Натижада келган хатлар сервер почта қутисидан компьютерингизга кўчирилади. Экраннинг қуйи қисмида нечта хат келганлиги ҳақидаги хабар ҳосил бўлади.



2. Агар хат нотаниш муаллифдан келган бўлса, у **Нежелательная почта** жилдига тушади. Одатда янги муаллифдан хат келган бўлса, у ҳам ушбу жилдга тушади. Уни **Входящие** жилдига кўчирсангиз, кейинги сафар ушбу муаллифдан хат қабул қилганингизда у **Входящие** жилдига қабул қилинади.
3. **Входящие** жилдини очинг. Ўқилмаган хатлар рўйхатда тим қора рангда кўрсатилади, яъни уларни яққол кўриш мумкин. Ўқилган хатлар рўйхатда одатдаги рангда кўрсатилади.
4. Хатни танлаб, сичқонча тугмачасини чертсангиз, хат мазмунни экранда ҳосил бўлади. Уни ўқишингиз мумкин.
5. Агар муаллифга жавоб юбормоқчи бўлсангиз, хат менюсидаги **Ответить** тугмачасини босиш керак. Агар муаллифлар бир нечта бўлса, **Ответить всем** тугмачасини босиш зарур. Бу ҳолда **Кому** сатрида муаллифлар манзилларини киритиш зарур.
6. Экранда муаллиф манзили кўрсатилган ойна ҳосил бўлади. Матн майдонида жавобни ёзинг ва жавоб хатини жўнатиш.
7. Кераксиз хатни белгилаб, **Удалить** тугмачасини босиб, уни **Удаленные** жилдига жўнатишингиз мумкин. Агар тасодифан хатни нотўғри ўчирган бўлсангиз, уни тиклаш мумкин. Бунинг учун **Удаленные** жилдида хатни танлаб хатни **Входящие** жилдига кўчириш. **Удаленные** жилдини баъзан тозалаб туришни, яъни жилддаги хатларни ўчиришни унутманг.

Файлларни жўнатиш

Хатга турли ҳужжат, жадвал, график, аудио ва видеоли файлларни илова қилиш мумкин. Бу менюнинг файлни бириктириш — **Вложить файл** тугмачаси ёрдамида амалга оширилади.

Хатга бир неча файлни илова қилиш мумкин. Лекин катта ҳажмдаги файлларни алоҳида хат билан юборган мақсадга мувофиқ. Агар файл ёки файллар ҳажми катта бўлса, унинг ҳажмини архивлаш ёрдамида кичрайтириб юборган мақсадга мувофиқ. Ушбу амални бажарилишини мисолда кўрамиз.



Топишириқ.

Бирор ҳужжатни хатга илова қилиб жўнатайлик. Бунинг учун қуйидагиларни бажаринг:

1. Янги хатни яратинг.
2. Унда манзил ва мавзуни кўрсатинг. Масалан, **Кому**, яъни кимга майдонида корхона манзилини кўрсатинг ва **Тема** майдонида **Таклиф** деб ёзинг.
3. Хат матнини ёзинг ва унда илова тавсифини келтиринг.
4. Сўнг хатга ҳужжатни илова қилиш учун тугмачасини босинг.
5. Экрандаги ҳосил бўлган ойнадан ҳужжат жойлашган жилддан файл номини танланг ва **Вставить файл** тугмачасини босинг.
6. Натижада илова номи хатнинг **Вложить** майдонида ҳосил бўлади. Агарда илова қилинган файлни ўчирмоқчи бўлсангиз, уни **Delete** тугмачаси ёрдамида ўчириш мумкин. Баъзан адашиб бошқа файлни илова қилган бўлсангиз, уни ўчириш ва тўғрисиини бириктириш мумкин бўлади.
6. Хатни одатдагидек **Отправить** тугмачаси ёрдамида жўнатинг.
7. **Отправленные** жилдини очсангиз, юборган хатингиз ёнида илова белгисини кўрасиз.

Иловали хатни ўқиш тартиби

Иловали хат олганингизда хатнинг ёнида илова белгиси бўлади. Иловали хатни ўқиш тартиби оддий:



1. Хатни рўйхатдан топинг.
2. Уни одатдагидек очинг.
3. Хатнинг ўнг томонидаги юқори қисмида илова белгисини сичқонча тугмачаси билан чертинг.
4. Натижада экранда қуйидаги **Открытие Вложения** дарчаси ҳосил бўлади.
5. **Открыть** буйруғи илова қилинган файлни экранда очади. **Сохранить** буйруғи файлни компютерингизга ёзиб қўйиш учун жойни кўрсатишингизни сўрайди ва кўрсатилган жилдга ёзиб қўяди. Файлни компютерга ёзиш шарт эмас, у **Входящие** жилдида хат билан бирга, сақланади. Ихтиёрий пайтда уни очиш мумкин бўлади. У хат ўчирилганга қадар сақланади.

Электрон почтани бошқариш тартиби

Microsoft Office Outlook дастури хатлар билан ишлашни қулайлаштириш имконига эга. Масалан, қабул қилинаётган хатларни саралаш ва тартибга келтириш мумкин. Хатлар номи, келган вақти, мазмуни ва иловасига қараб сараланиши мумкин. Бу **Вид, Сортировать** буйруқлари ёрдамида амалга оширилади. Масалан, номлар алфавит тарзда ёки келган хати асосида сараланиши мумкин. Бу бирор хатни қидираётганингизда ёрдам беради. Аниқ бир хатни топиш учун **Поиск** буйруғидан фойдаланган маъқул. Бунинг учун қуйидаги буйруқлардан бирини танлаш зарур:

- **Поиск в папке Входящие** — Хат **Входящие** жилдида қидирилади.
- **Поиск во всех элементах почты** — Хат электрон почта барча жилдларда қидирилади.
- **Параметры поиска** — Хат қидириш параметрлари фойдаланувчи томонидан ўрнатилади.

Хатларни жилдларга жойлаш мумкин. Бунинг учун аввал жилдларни яратиш зарур. Жилд **Файл, Жилд, Создать** менюлари ёрдамида яра-



тилади. Сўнг **Сервис, Правила и оповещения** менюларидан **Правила для электронной почты** тугмачасидан фойдаланилади.

Бунда янги қоидани яратиш ёки эскисини ўзгартириш мумкин. Янги қоидани яратиш учун **Новое** майдонини очиш зарур. Натижада экранда **Мастер правил** дарчаси ҳосил бўлади.

Ушбу майдонда мос тугмачаларни белгилаб ва жилд номини кири-тиб қоидани яратинг. Натижада хатлар қабул қилинаётганда улар яратилган қоидаларга биноан жилдларга жойланади. Ушбу меню билан ишлаш оддий. Унда хат мавзуси, кимдан ва кимга келганлигини ва қайси жилдга жўнатилишини кўрсатиш зарур бўлади.

Масалан, **Таклифлар** жилдини яратиб, унга барча таклиф мавзудаги хатларни йиғиш ёки **Ҳисобот** жилдида барча ҳисоботларни жойлаштириш мумкин.

**Топириқ:**

Электрон почтадангизда **Ҳисоботлар** жилдини яратинг. Ходимлардан келаётган **Ҳисобот** мавзусидаги хатларни ушбу жилдга жойлаштирилишини амалга оширувчи қоидани яратинг. **Входящие** жилдидаги хатларни номи, санаси бўйича саралаб кўринг. Ўзингиздан келган хатни **Поиск** ёрдамида топинг.

Манзиллар китобини яратиш ва ундан фойдаланиш

Манзиллар китобини **Адресная книга** тугмачаси ёрдамида амалга ошириш мумкин. Қуйида унинг тавсифи ва уни яратиш тартиби билан танишамиз.




Контакты - манзиллар китоби фойдаланувчи томонидан яратилади ва электрон почта билан ишлашни қулайлаштиради. Шунинг учун манзиллар китобини яратишингизни тавсия этамиз. Бунинг учун ушбу менюни очиш ва манзилларни киритиш зарур. Манзиллар майдонида одатда исм, фамилия, электрон манзил, телефон рақамлари, иш жойи каби маълумотларни киритиш мумкин.



Бу — дўстлар, ҳамкасблар, ҳамкорлар ёки компаниялар номи, электрон манзиллари, телефонлари ва бошқа маълумотлардан иборат бўлган рўйхатни сақлаш мумкин бўлган ён дафтарчадир. Унга янги манзилларни киритиш, ёзилган манзилларни таҳрирлаш ва ўчириш мумкин.

Манзилни яратиш учун қуйидаги амалларни бажариш зарур:

1. **Контакты** тугмачасини босинг.
2. **Создать** тугмачасини сичқонча билан чертинг. Натижада қуйидаги дарча ҳосил бўлади.



3. **Полное имя** майдонида исм ва фамилияни киритинг.
4. **Организация** ва **Должность** майдонларида мос маълумотни киритинг.
5. **Хранить как** майдонида исм ва фамилияни ёки қисқача исмни киритинг. Ушбу исм манзиллар рўйхатида сақланади ва акс эттирилади.
6. **Эл. почта** майдонида электрон манзилни киритинг.
7. **Интернет** майдонида веб-саҳифа манзилини ҳам киритинг.
8. **Телефон** ва **Адрес** майдонларини мос маълумотларни киритинг.
9. **Заметки** майдонида ўзингиз учун эслатмаларни киритиш қўйишингиз мумкин.
10. Барча майдонларни тўлдириш зарур эмас. Лекин **Полное имя** ва **Эл. почта** майдонларини тўлдириш шарт. Маълумот



қанчалик кўп бўлса, кейин ундан фойдаланиш сизга қулай бўлишини унутманг.

11. Манзилни жилдга киритгандан сўнг **Сохранить и Закрывать** тугмачасини киритинг.
12. **Контакты** жилдига киритилган манзилни манзиллар майдонида киритиш зарурати бўлмайди. Контактнинг биринчи ҳарфини киритишингиз натижасида ушбу ҳарфдаги манзиллар рўйхати ҳосил бўлади. Ундан зарурини танлаб олишингиз мумкин. Бу эса сизни ҳар гал электрон манзилни қайта киритиш заруратидан халос этади.

Жилдда гуруҳлар рўйхатини ҳам яратиш мумкин. Бу эса гуруҳ аъзолари манзилини киритиш заруратини йўқотади. Масалан, сиз ҳамкорларингизга ёки мижозларингизга домий равишда хат жўнатасиз. Ҳамкорлар ва мижозлар гуруҳини яратсангиз, ишингиз осонлашади. Ушбу гуруҳларни янгилаб туриш имкони мавжудлиги ишингизни қулайлаштиради. Шунинг учун гуруҳлар манзилларини яратиш тавсия этилади.



*Демак, **Контакты** менюси ёрдамида манзиллар дафтарчасини яратиш мумкин. Унда дўстлар, ҳамкасблар, ҳамкорлар ёки компаниялар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни сақлаш мумкин:*

- Исм
- Иш жойи
- Лавозим
- Электрон манзил
- Манзил
- Телефон

Вируслардан ва спамдан ҳимояланиш

Электрон почтани ҳам вируслардан ҳимоялаш зарур. Чунки компьютерга қабул қилинаётган хатлар вирусланган бўлиши мумкин. Натижада компьютерингиз вирусга чалинади. Вируслар туфайли компьютердаги барча маълумотлар ўчирилиши ва компьютер ишдан чиқиш ҳолатлари мавжуд. Шу билан бирга, агар вирус компьютерингизда бўлса, Сиз ушбу вирусни бошқа манзилларга хат билан юборишингиз мумкин. Баъзан вирус натижасида хатлар **Контакты** жилдидаги



манзилларга вирусларни ёки спам хатларни юбориши мумкин. Ушбу вазиятлардан истисно бўлиш учун компютерингизни ва электрон почтани вирусга текшириш зарур. Қабул қилинаётган барча хатларни вирусга текшириш зарур. Бунинг учун антивирус дастурида хатларни вирусга текшириш буйруғини ўрнатинг. Номалум муаллифлардан келган хатлар **Нежелательная почта** жилдига жойлаштирилади. Унга келган хатларни диққат билан текширинг. Нотаниш хатларни ўчиришни унутманг.



Топиширқ:

Ўз манзиллар жилдингизни яратинг. Унга дўстларингиз, ҳамкорларингиз, мижозларингиз манзилларини ва маълумотларини киритинг.

Ушбу топиширқни **Контакты** тугмачаси ва менюси ёрдамида амалга оширишингиз мумкин.

Киритилган маълумотларни текширинг ва зарур ҳолда таҳрирлаб, хотирага ёзиб қўйинг.

Натижада ўз манзиллар жилдингизга эга бўласиз. Ундан хатлар билан ишлаганда фойдаланишингиз мумкин.

Фойдаланишга оид маслаҳатлар

- Хатни принтерда чоп этиш учун **Файл** менюсида **Печать** буйруғидан фойдаланинг.
- Хатни алоҳида файлга ёзиб қўйиш учун **Файл** менюсининг **Сохранить как** ёки **Сохранить** буйруғидан фойдаланинг.
- Хатларни қабул қилинганлиги ҳақида билиш зарур бўлса, хатни ёзаётганингизда **Параметры** майдонида **Уведомление о доставке** ва **Уведомление о прочтении** тугмачаларини белгилашингиз зарур.
- Агар хатингизга алоҳида эътибор беришни истасангиз, **Сообщение** майдонидаги **Высокая важность** тугмачасидан фойдаланишингиз зарур.
- Кераксиз хатларни **Delete** тугмачаси ёрдамида ўчиришни унутманг.
- Хатларни жилдларда тартиблаш имкониятидан фойдаланишни унутманг. Бунинг учун **Переместить в папку** буйруқларидан



фойдаланиш зарур, янги жилд **Файл, Жилд, Создать** менюлари ёрдамида очилади ёки **Создать правило** менюсидан фойдаланиш мумкин.

- **Удаленные** жилдидаги хатларни мунтазам равишда ўчиришни унутманг.
- Хатлар номини алфавит, келган вақти, мазмуни ва иловасига қараб саралашингиз мумкин. Бу **Вид, Сортировать** буйруқлари ёрдамида амалга оширилади.
- Хатга имзо қиритиб қўйишингиз мумкин. Бунинг учун **Опциялар** менюсида **Подпись** пунктини топиб, унда имзони қиритишингиз зарур. Масалан, исмингиз, фамилиянгиз, лавозимингиз, ишхона номи ва манзилини, телефон, факс рақамларини беришингиз мумкин. Бу ишингизни енгиллаштиради. Ҳар доим бу маълумотни хатингизда ёзишга вақтингизни сарфламайсиз.
- Номаълум муаллифлар хатини очишда эҳтиёт бўлинг. Сўнгги вақтларда баъзи хатлар компьютерларни вирус билан зарарлантиряпти. Бу вируслар компьютерга катта зарар келтириши мумкин, айниқса, номаълум муаллифлардан келган иловали хатларни асло очманг ва уларни дарҳол ўчиринг.
- **Microsoft Office Outlook** дастурида учрашувлар, ҳисоботлар, мажлислар учун эслатмалар яратиш мумкин. Бу ишингизни жуда енгиллаштиради. Бу амалдан фойдаланиш тартибини мустақил равишда ўрганишингизни тавсия этамиз. Бунинг учун **Календарь** майдонидан фойдаланишингиз зарур. Ундан фойдаланиш жуда оддий.



Демак, электрон почта дастури ёрдамида хатлар, ҳужжат ва умуман ихтиёрий файлларни дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга тезда жўнатиш ва қабул қилиш мумкин. Электрон почтадан фойдаланишга оид маслаҳатларга катта эътибор беринг.



Топиширқ:

- **Microsoft Office Outlook** дастурида ўзингизнинг электрон почтангизни созланг.
- Унда имзоингизни яратинг, исмингиз, фамилиянгиз, лавозимингиз, иш жойингиз ва манзилини қиритинг.
- Ўзингизга бир неча оддий ва иловали хатларни яратиб жўнатинг.



**Интернетда тез мулоқот
қилиш имкониятлари**

Бешинчи боб

- Чат ёрдамида мулоқот
- Веб-блог
- Форум орқали мулоқот
- Видеоконференция
- Интернет телефония





Интернет тез мулоқот учун имкониятларга эга. Бу имконият қуйидаги мулоқот дастурлари ёрдамида амалга оширилади:

- Чат
- Веб-блог
- Веб-саҳифа
- Форумда мулоқот қилиш тартиби
- Видеоконференция
- Интернет телефония

Қуйида улардан фойдаланиш тартиблари билан танишамиз.

Чат ёрдамида мулоқот

Чат бу махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчилар бир пайтнинг ўзида ўзаро мулоқот қилиши мумкин. Чат сўзи инглиз тилида гаплашиш (суҳбатлашиш) маъносини англатади. Баъзан чат хонаси деб ҳам аталади. “Чатлашайлик” дегани келинг, чат хонасида суҳбатлашайлик маъносини билдиради. Одатда, чатда бир неча киши мулоқот қилади. Икки киши мулоқот ҳам қилиши мумкин. Лекин бунинг учун бошқа қулайроқ имкониятлар мавжуд. Чатда мулоқот тезроқ амалга оширилади. Чатда мулоқот қисқа матнлар ёрдамида амалга оширилади.



*Чат тизими 1980 йилда яратилган. Ушбу тизим 1988 йилда **Internet Relay Chat (IRC)** протоколи яратилгандан сўнг машҳур бўлган ва чат деб атала бошланган. Унинг ёрдамида мулоқот қилиш оддий ва дўстона бўлганлиги учун фойдаланувчилар эътиборини ўзига қаратди. 1991 йилдан IRC ёрдамида хабарларни тезда йиғиш ва тарқатиш учун ҳам фойдаланила бошланди. Кейинчалик **Jabber, SIP** каби протоколлар яратилди. Лекин IRC тизими мукамаллиги билан асосан ёшларнинг эътиборини жалб этмоқда.*


Мулоқот чат хонасида амалга оширилади. Чатда хабар клавиатура ёрдамида киритилади. Чат ёрдамида иш борасидаги савол, натижалар, муаммолар кабиларни муҳокама қилиш мумкин. Чат муҳокамасини



хотирада сақлаш мумкин. Бу жуда қулай. Чунки мулоқотдаги тавсияларни ихтиёрий пайтда яна ўқиш мумкин бўлади.

Чат билан ишлаш тартиби қуйидагича:

1. Чат дастурини ишга туширинг.
2. Унда ўзингизни қайд қилинг. Одатда ҳар бир фойдаланувчи ўз исми (Ник)га эга. Ник сифатида исмингизни ёки ихтиёрий номни киритиш мумкин. Масалан, “Эксперт” ёки “Alanga”.
3. Чат хонасига кириг. Бунинг учун Ник ва паролнингизни киритинг.
4. Чат хонасида қисқача матн киритинг. Масалан, чатдагилар билан саломлашинг.
5. Хабар сатрида хабарингизни ёки саволингизни киритинг. Масалан, режалаштирилган йиғилиш ҳақидаги маълумотни киритинг.
6. Чат хонасида хабарларни барчага ёки айнан бирор иштирокчига ёзиш мумкин.
7. Мулоқот тугагандан сўнг чат хонасидан чиқинг. Бунинг учун **Выход** тугмачасини босиш етарли.



Топшириқ:

Интернетда қидирув тизими ёрдамида чатлар рўйхатини топинг. Улардан бирини танланг ва унда мулоқот қилиб кўринг. Мулоқотингиз қизиқарли бўлишига аминмиз.

Веб-блог

Веб-блог инглиз тилида интернет кундалик маъносини англатади ва у блог деб аталади. Блог бу веб-саҳифа бўлиб, унинг мазмуни доимий равишда, матн, расм ва видео маълумотларни ўз ичига олади. Блог жамоага мўлжалланган қисқа янгилик, фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлади. Блогда муаллиф каби фойдаланувчилар ҳам ўз фикр ва муносабатларини ёзиши мумкин, яъни блог тармоқда мулоқот муҳитини яратади. Блог муаллифи блоггер деб аталади.



Биринчи блог 1992 йили янгиликларни ёритиш учун яратилган. 1999 йилда эса блоглар ҳақидаги сайт Blogger яратилган. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, блоглар «Ахборот Асри Қизлари» доирасида 2006 йилда яратилган эди. Блогларни яратиш учун махсус дастурлар мавжуд. Улар ёрдамида ихтиёрий фойдаланувчи ўз блогини яратиши ва олиб бориши мумкин. Баъзи блоглар аниқ мавзуга бағишланган бўлади. Блоглар билан ишлаш веб-саҳифалар билан ишлашга қараганда қулайроқ. Уларда қисқача янгилик ва маълумотларни киритиш осондир. Блог одатдаги кундаликни эслатади. Ундаги маълумотлардан муаллиф хоҳлаган пайтда фойдаланиши мумкин.

Блоглар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Мулоқот
- Информатив тақдимот
- Дам олиш
- Тармоқ яратиш

Блог турлари

- **Шахсий блог** блог муаллифи томонидан олиб борилади. Одатда, санъаткор, ёки қўшиқчилар ёки сиёсатчилар ҳам блогга эга, лекин уларни ёрдамчилари олиб боради.
- **Жамоа блоглари** гуруҳ томонидан олиб борилади. Гуруҳда кимдир бошқарувчи – модератор вазифасини бажаради.
- **Корпоратив блоглар** эса корхоналар томонидан яратилади ва олиб борилади.
- **Мавзу блоглари** — таълим, маданият, туризм ва бошқа мавзудаги блоглар. Масалан, таомлар ҳақидаги блогларда таомларни тайёрлаш ва улар учун маҳсулотларни танлашга оид маслаҳатлар берилиши мумкин.



Топшириқ:

Мисол тариқасида, қуйидаги блоглар билан танишинг ва уларнинг мавзусини аниқланг: www.azu.uz, www.mytashkent.uz



Блоглар яратиш бўйича маслаҳатлар

Дизайн	Дизайн блог муаллифи ва фойдаланувчилари ишининг қулайлиги билан баҳоланади. Масалан, http://blog.cer.uz/ ва http://blog.olam.uz/ блоглари дизайнларини солиштиринг. Блогнинг дизайни тайёр шакллардан олинishi мумкин. Шахсий дизайнни ёки шаклни яратиш мумкин. Тайёр шакллар Интернетда мавжуд. Бу шакллар одатда янгиликларни киритиш функциясига эгадир. Бундай шаклларни қуйидаги манзиллардан олиш мумкин. Баъзи провайдерлар ушбу шаклларни таклиф этади, улардан ҳам фойдаланиш мумкин.
Мазмун	Авваламбор, блог мавзусини аниқланг ва номини танланг. Блог номида унинг мавзуси акс этгани мақсадга мувофиқ. Масалан, агар мавзу таомлар ҳақида бўлса, блогни «taom» деб, ёки тижорат ҳақида бўлса «tijorat» деб аташ мумкин. Блог мазмуни қисқа маълумот, ҳикоя ва янгиликлардан иборат бўлиши зарур. Маълумотлар оддий ва равшан тилда ёзилиши тавсия этилади. Уларни расмлар ёрдамида тасвирлаш мумкин. Имло хатоларига эътибор бериш зарур. Расмлар ҳажми веб-саҳифалар учун мос бўлиши мақсадга мувофиқ. Блоглар айнан мазмуни билан қадрланади. Айнан мазмун блог фойдаланувчилари тармоғини кенгайтиради. Шунинг учун маълумотлар фойдаланувчилар учун қизиқарли ва фойдали бўлиши мумкинлигини эсда тутиш зарур. Масалан, http://blog.cer.uz/ блог мазмуни билан танишинг.

Муаллифлик ҳуқуқи	Муаллифлик ҳуқуқи блог муаллифига тегишлидир. Бир неча муаллиф бўлса, уларга тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Интеллектуал мулк агентлигига мурожаат қилиш мумкин. Агар блогда бошқа муаллифлар маълумотидан фойдаланилган бўлса, уларнинг манзилани кўрсатиш лозим.
Хостинг	Блогни Интернетда жойлаштириш зарур. Хостинг учун провайдерлар хизматидан фойдаланиш керак бўлади, яъни бу пуллик хизматдир. Одатда, Интернет хизмати кўрсатаётган провайдер хостинг билан таъминлаши мумкин.
Реклама ва фаоллаштириш	Блогдан реклама учун фойдаланиш мумкин. Одатда муаллиф бу имкониятга эга бўлади. Шу билан бирга, блогни фаоллаштириш мумкин. Бунинг учун кидирув тизимларида уни қайд этиш зарур. Ҳозирги кунда блоглар одатдаги газета вазифасини бажаради. Одатда, газетанинг мухлисларининг сони газета тиражига боғлиқ бўлади, блог ўқувчилари сони эса унинг фойдаланувчилари сонига боғлиқдир.

Форум орқали мулоқот



Форум – бу бирор аниқ мавзу, муаммо ёки лойиҳаларни биргаликда Интернетда муҳокама қилиш имкониятидир. Бу семинар, учрашув, муҳокама, конференция, йиғилиш ёки дарс тадбирлари бўлиши мумкин.

Форумда иштирокчи ва модератор қатнашади.

- Модератор – администратор ҳуқуқига эга бўлган форум қатнашчиси. Бу форумни олиб борадиган ва форум мавзу-



сини юқори даражада биладиган тажрибали мутахассисдир. Чунки форумда одатда маълум бир тажрибага эга фойдаланувчилар қатнашади. Шу билан бирга, у ҳар бир қатнашчининг қизиқишларини ҳисобга олиши лозим. Модератор форумни бошқаради, маслаҳатлар беради, зарурат тугилганда, саволларга жавоб беради, қатнашчиларни фаол ишга жалб этади, барча қатнашчиларнинг фикрларини ҳисобга олади ва ҳурмат қилади, қатнашчиларнинг жавобларини текширади, форумнинг тўғри йўналишда кетишини бошқариб боради. Зарур ҳолда, қўшимча материаллар билан қатнашчиларни таъминлайди, яъни модератор мунозара учун фаол муҳитни яратади. Бу муҳит ундан доимий равишда, билим ва малакаларини ошириб боришини ҳам талаб этади. Модератор вазифасини тажрибали ходимлар бажа-риши мақсадга мувофиқ.

- Иштирокчи – бу форум мавзуси бўйича фикрини билдириш ёки алмашишни хоҳлаётган фойдаланувчидир. Иштирокчи савол бериш, жавоб бериш, яъни муҳокама жараёнида фаол қатнашиш имкониятига эга. Интерфаоллик ва индивидуаллик унга мавзунинг ўз эҳтиёжларини чуқур ҳисобга олган ҳолда, мавзунинг муҳокама қилиниши ёки ўрганиши имконини беради. Мулоқотда иштирок этиш имконияти, унинг қулайлиги ва виртуаллиги қатнашчига дадиллик ва ишонч беради, уни суҳбат қатнашчидан фаол иштирокчига айлантиради. Муҳокама қилинаётган мавзунинг ўрганиш устида фаол иш бошланади, бу эса ундан муҳокама қилинаётган мавзунинг бўйича билимларни такомиллаштиришни талаб этади. Шунингдек, масъулият ҳисси ортади, чунки унинг фикрлари ва саволлари барча учун очиқ. Иштирокчилар корхона ходимлари ва маъмурияти, мижозлар, ҳамкорлар ва рақобатчилар ҳамда Интернетнинг бошқа фойдаланувчилари бўлиши мумкин. Форумда рўйхатдан ўтган ҳамда меҳмон – рўйхатдан ўтмаган иштирокчи сифатида қатнашиш мумкин.

Форум	Ўзгаришларнинг сони	Ҳаётнинг асосий аспекти	Ҳаётнинг асосий аспекти
- Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини	- Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини	- Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини	- Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини - Оқимнинг ҳаётини
Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини
Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини
Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини	Оқимнинг ҳаётини



Масалан, форумда янги ғоя лойиҳасини ёки ҳисоботни муҳокама этиш ёки бирор-бир мутахассис билан учрашиш ёки истеъмолчилар талабини ўрганиш мумкин. Форумни оффлайн ёки онлайнда (яъни реал вақтда) ўтказиш мумкин. Қуйида форумнинг имкониятлари ҳамда унинг ишлаш тартиблари билан танишамиз.

Форумнинг тадбиркор учун имкониятлари:

Мулоқотнинг қулайлиги	Қулай вақтда мулоқотда қатнашиш, материаллар билан танишиш, ўйлаш, кейин ўз фикри ёки жавобини ёзиш имконияти. Яъни иштирокчи иш вақтини бошқариш имконияти туғилади. Бу эса мулоқотни унумли бўлишини таъминлайди. Одатда, эрталаб ёки кечқурун форум билан ишлаш қулай.
Ҳужжатлар устида биргаликда ишлаш	Ҳужжат, лойиҳа ёки ҳисоботларни биргаликда муҳокама қилиб таҳрирлаш мумкин. Масалан, янги лойиҳа ғояларини, режаларни ва ҳисобот натижаларини биргаликда ишлаб чиқиш мумкин.
Янги билимлар ва кўникмалар олиш (малака ошириш) имконияти	Қатнашчилар янгиликларни ўқиши, ўз фикри ва тажрибаси, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашиши натижасида янги билимлар ва кўникмаларга эга бўладилар. Сизни қизиқтирган мавзу бўйича бошқаларнинг фикрини ўқишингиз ва сизга зарур бўлган ёрқин ва долзарб маълумот ҳамда билимлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишингиз мумкин. Бу табиий равишда, форум қатнашчиларининг касбий малакаси ошишига ва билимлари такомиллашишига ёрдам беради. Ёш мутахассислар бурчагини ташкил этиш эса ёш кадрларга жуда фойдали бўлади. Тажрибали ва ёш мутахассисларнинг форумдаги мулоқоти корхона унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.



Ҳамкорлар ва янги имкониятлар топиш имконияти	Форумларда янги лойиҳалар ҳақида маълумотлар бериш ёки олиш, уларни такомиллаштириш ва ҳамкорлар топиш мумкин. Бу корхона учун янги имкониятларни яратади. Шунинг учун турли форумларда савол-жавоб билан қатнашиш, тақдирот бериб бориш фойдалидир. Шу билан бирга, уларда тадбиркорларнинг турли онлайн жамоатчиликлари ҳақида маълумот олиш мумкин.
Маркетинг ва реклама	Компания хизматларини ва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш ва уларни тарғибот қилиш. Компания мижозларига форумда доимий равишда савол-жавоб ва маслаҳатлар асосида ёрдам кўрсатиш мумкин. Форумда мижоз ва ҳамкорлар билан маъруза ва савол-жавоб билан учрашувлар, лойиҳа ва танловлар ташкил этиб, натижалардан таҳлил, мониторинг-да ва бизнесни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.



Топишириқ:

www.bfu.uz форумига кининг. Санаб ўтилган имкониятларни ўрганинг. Улардан фойдаланиш учун режа тузинг.

Форумларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- **Очиқ** – барча фойдаланувчилар қатнашиши мумкин. Форум қатнашчилари хабарларни ўқиши ва жавоб ёзиши мумкин.
- **Ёпиқ** – чекланган фойдаланувчилар қатнашадиган форум, яъни форумга кириш имкониятига эга бўлган иштирокчиларгина хабарларни ўқиши ва жавоб ёзиши мумкин. Бунда форумга кириш учун “логин” ва “пароль” шарт.
- **Модерация қилинадиган** – ушбу форумда барча қатнашчилар иштирок этади. Форум иштирокчилари хабарларни ўқиши ва жўнатиши мумкин. Лекин хабарлар модератор рухсатидан сўнг форумда чоп этилади.



Форумга кириш

Мисол сифатида, **www.uforum.uz** форумидан фойдаланамиз. Ушбу форум УзИнфоком томонидан яратилган ва бошқарилади. Унда турли мавзуларда муҳокамалар олиб борилади. Тадбиркорлар учун фойдали бўлимлар мавжуд. Унда расмий ва маъмурий ташкилотлар вакиллари ва тадбиркорлар қатнашадилар. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари мунтазам фойдаланувчилар саволларига жавоб бериб боради. Ушбу форумда рўйхатдан ўтиш зарур. Рўйхатдан ўтиш учун аввал форумга кириш зарур. Форумга кириш учун **www.uforum.uz** манзилини манзиллар майдонига кiritиш етарли.

Тема	Автор	Дата	Просмотры	Ответы
Интернет-фестиваль Вопросы организации и проведения мероприятий (f.uz) ↓ Подразделы: Архив интернет-фестивалей	[Фестиваль] Альтернативная... от Eldar Fattakhov	02.01.2012 17:47 →	70	5,569
Операторы & провайдеры Обсуждение работы операторов и провайдеров сетей передачи данных Узбекистана, вопросы к ним Подразделы: Мобильные TACS-DV, UZTELECOM, Sankor Telecom, East Telecom & TPS, Shara Telecom, Balaizi (Дистрибуция сетей), Sora Telecom, ActiveCloud, EVO, SONO NETWORKS	[Вопрос] Как считается интернет-трафик... от alekseych	Сегодня 17:52 →	1,144	63,128
Веб-ресурсы Раздел только для интернет-ресурсов. На каждый ресурс - одна тема. Явно указывать в теме адрес ресурса и название Подразделы: Хостинг, WWW.UZ, ID.UZ, Домен, Каталог и поисковик, Социальная сеть, Новости с внешних веб-ресурсов, Интернет-магазин TECHNOMART.UZ	Новые лица на ID.UZ (rss) от RSS Feed	Сегодня 17:50 →	1,098	33,486
Домены UZ Администрирование доменной зоны .UZ (twitter). Раздел UZINFOCOM ↓ Подразделы: Регистраторы UZ, NS сервера, Проблемные домены/ По сайту ccid.uz, ICANN, Другие доменные зоны	Arsenal-D рассказывает... от Dirolatdin Rakhimov	04.05.2012 14:20 →	404	10,674
Информационная безопасность UZ-CERT	«БЕЗОПАСНЫЕ» НОВОСТИ от azim		187	5,770

Новые 24 часа Кто на форуме Новички Поиск Кабинет Все прочитано Вверх



Топириқ:

www.uforum.uz форум иши билан танишинг. Сизга қизиқарли бўлган форум мавзуи ва хабарлари билан танишиб чиқинг.



Форумда рўйхатдан ўтиш тартиби

Форумда рўйхатдан ўтиш учун форум саҳифасида **Регистрация** тугмасидан фойдаланиб, қуйидагиларни бажариш лозим:

- Форумнинг **Регистрация** майдонини босинг. Бундан кейин диққат билан танишишингиз лозим бўлган рўйхатдан ўтиш қонун-қоидалари саҳифаси очилади ва агар сиз бу қонун-қоидаларга рози бўлсангиз, **Я согласен** майдонида белги қўйишингиз ва **Регистрация** тугмачасини босишингиз лозим.
- **Login** майдонида фойдаланувчи исмини танланг. Фойдаланувчи исми 3 тадан 32 тагача бўлган ҳар қандай лотинча ёки русча ҳарфлар ва белгилардан иборат бўлиши мумкин. Форумда Сиз ўзингизни истаганингиздек аташингиз мумкин, яъни асл ёки аноним исми танлашингиз мумкин. Масалан, “Chamber», “Корхона” ёки “Эксперт”.
- **Password** майдонида бўшлиқларни ўз ичига олган ҳолда, 3 тадан 32 тагача ҳарф, рақам ёки белгидан иборат бўлган паролни танланг.
- Кейинги майдонда паролни такрорланг.
- Кейинги майдонда электрон почта манзилини киритинг.
- Сўнг электрон почта манзилини қайтаринг.
- Кейинги майдоннинг чап томонида тасвир кўринишида акс этган ҳимоя кодини майдонга киритинг.
- Агар администраторлардан ёки фойдаланувчилардан хат олишни истасангиз, кейинги майдонни белгиланг. Вақти-вақти билан улар сиз билан форум орқали электрон манзилингизга юборилган хат воситасида уланиши мумкин.
- Кейинги майдонда маҳаллий соат минтақасини танланг.
- **Регистрация** тугмачасини босинг.
- Натижада электрон манзилингизга форумда рўйхатдан ўтганингиз ҳақида маълумот оласиз ва форум билан ишлашни бошлашингиз мумкин.

Форумда қатнашиш тартиби

Рўйхатдан муваффақиятли ўтганингиздан сўнг авторизация саҳифасига кирасиз. Бунда тегишли майдонга фойдаланувчи исмини (**login**) ва паролни киритиш керак бўлади. Фойдаланувчи исми ва пароль тўғри киритилгач, сиз рўйхатдан ўтган фойдаланувчи сифатида форумга кирасиз.



Форум мавзулари ва тавсифларига эътибор қаратишингизни, хоҳлаган бўлим ва мавзуни танлашингизни тавсия этамиз. Сиз ҳар қандай мунозарага ҳамкасбларнинг хатларини ўқиб, қандай масалалар ва муаммолар муҳокама қилинишини билиб оласиз.

Форумга киришингиз билан сизга форумларнинг бир неча бўлимлари ва мавзулари таклиф этилади. Ўзингиз учун мос келадиганини, масалан, **Тадбиркорлар учун** бўлимини танлашингиз лозим.

Агар форумлар мавзулари кўп бўлса, у ҳолда ойнанинг энг пастки қисмида саҳифалар сони ва уларнинг тартиб рақами кўрсатилган тугмачани кўрасиз. Ҳар қандай саҳифага ўтиш учун саҳифалар тартиб-рақами кўрсатилган тугмачани босишингиз мумкин.

**Машк:**

www.bfu.uz форумига киринг ва унда ўзингизни рўйхатдан ўтказинг. Форумга киринг ва ундаги мавзуларни ўрғанинг.

Отраслевое развитие бўлимини топиб, унга киринг ва хабарлар билан танишиб чиқинг. Ўзингизнинг фикрингизни ёки саволингизни киритинг. Форумдан чиқинг.

Янги мавзуни очиш тартиби

Агар сиз янги лойиҳангиз ёки корхона тажрибаси билан таништирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда янги мавзу очишингиз мумкин. Бунинг учун **Открыть тему** тугмачасини босиб, янги мавзуни очишингиз мумкин. Натижада янги мавзуни очиш саҳифасига ўтасиз. Бу ерда қуйидагиларни киритишингиз лозим:

- **Наименование темы** майдонида мавзуни киритиш зарур. Масалан, агар бу тадбиркорлар учун фойдали ресурслардан фойдаланиш муҳокамасига бағишланган форум бўлса, мавзуни қуйидагича номлаш мумкин: “Тадбиркорлар учун фойдали ресурслар”.
- **Описание темы** майдонида мавзу тавсифи берилади. Бу ерда мавзунинг қисқача тавсифини киритишингиз мумкин. Масалан, тадбиркорлар учун фойдали ресурсни келтириш ҳамда форумни ўтказиш вақти ва санасини кўрсатиш мумкин. Одатда, бу



форум модератори кириш сўзи бўлиб, у форум мавзуси, санаси ва иштирокчилари ҳақида маълумот беради. Масалан, мавзу мақсади ва ресурслар рўйхати бўлиши мумкин.

Форумда учрашув ташкил этиш

Форумда учрашув ташкил этиш учун тайёргарлик кўриш лозим, бу эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Форум мавзусидаги керакли адабиёт ва материалларни топиш ва улар билан танишиш.
- Форум санаси, вақти ва қатнашчиларини белгилаш.
- Форумда ундан 1-2 ҳафта олдин санаси, вақти, форум қатнашчилари, мавзуси ва тавсифи, форум меҳмони ва модераторини кўрсатган ҳолда мавзунини яратиш. Шу билан бирга, танишиш учун форум мавзусидаги материалларга йўлланма кўрсатилади.
- Форум ҳақида барча ҳамкорларга ва мижозларга почта орқали хабар бериш.
- Форум меҳмонларини олдиндан форумда рўйхатдан ўтказиш. Форумда хабарларни қандай ёзиш, жавоб бериш ва уларни таҳрирлашни кўрсатиш ва тушунтириш.
- Форум иштирокчилари форумгача тайёргарлик кўриши зарур. Бунинг учун уларни форум мавзуси билан форумгача таништириш зарур.



Машқ:

www.bfu.uz саҳифасидаги форумга кириш ва унда ўзингизни рўйхатдан ўтказинг. Форумга кириш ва хабарлар билан танишиб чиқинг. Ўз фикрингизни ёки саволингизни киритинг. Форумдан чиқинг.

Видеоконференция

Видеоконференция нима, унинг имкониятлари ва турлари, уни ташкил этиш ва унда қатнашни тартиблари қандай – каби саволларга жавоб билан танишамиз.



Видеоконференция бу компьютер ва Интернет ёрдамида ўзаро видео мулоқот қилиш имкониятидир. Бунда иштирокчилар бир бирини кўриш ва эшитиш имконига эга бўладилар.

Видеоконференцияда 2 ва ундан ортиқ иштирокчи иштирок этиши мумкин. Иштирокчилар одатда турли офислардан, шаҳарлар ёки мамлакатлардан бўлиши мумкин, яъни иштирокчилар орасидаги масофанинг аҳамияти бўлмайди.



Иштирокчилар маъруза, тақдимот ёки муҳокамада фаол қатнашиш имкониятига эга. Масалан, бир корхонада тақдимот ўтаётган бўлсин. Бошқа корхоналардаги иштирокчилар ҳам ушбу тақдимотни кўриши, эшитиши, савол ва

жавоб билан қатнашиши ҳамда фаол қатнашчини экранда кўриши мумкин.

Видеоконференция имкониятлари



*100 марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхшидир.
Телефон орқали 10 фоиз маълумот қабул қилинади.
Видео орқали эса 60 фоиз маълумот қабул қилинади.*

Шунинг учун видеоконференциянинг таълимда, тиббиётда ва иқтисодда фойдаси жуда катта. Албатта реал, яъни юзма-юз мулоқот яхшироқ, лекин бу вақт ва харажат талаб этади. Шунинг учун видеоконференция ташкилотчилари вақт ва харажат сезиларли даражада тежалишини тасдиқлайдилар. Шу билан бирга, ушбу йиғилишлар самарадорлиги билан тавсифланади. Бунинг сабаби иштирокчилар вақтдан унумли фойдалана олишидадир.



Демак, видеоконференция мулоқотнинг тезкорлиги, қулайлиги, тежамлиги, самардорлиги ва хавфсизлиги билан қулайдир, айниқса, тиббиётда ундан фойдаланиш тиббий маслаҳатлар беришда ва консилиумлар ташкил этишда унумли фойдаланилади. Шифокор оғир беморни даволаш учун зарур маслаҳатларни бошқа мамлакатлардаги тиббиётчилардан тезда олиши жуда муҳимдир. Ушбу тажриба телемедицина деб аталади. Бу тажриба Ўзбекистонда бир-неча йиллар давомида фойдаланиб келинмоқда.



Видеоконференция турлари:

- Икки нўқтали
- Кўп нўқтали

Икки нўқтали видеоконференцияда икки ва кўп нўқталигида эса бир-неча иштирокчи қатнашади.

Видеоконференцияни ташкил этиш

Видеоконференцияни ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- Интернет - Интернет тезлиги қанчалик тез бўлса, шунчалик видеоалоқа сифати юқори бўлади. Масалан, ADSL тармоғида аудио ва видеони узатиш тезлиги сифати яхшидир. Теле-тиббиётда видеоалоқа сифати жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда рақамли телефон тармоқлари видеоконференцияни ташкил этишни енгиллаштиради. Видеоконференция учун камида 256 кбит/с тезликдан фойдаланиш мумкин.
- Видеоконференция учун қурилма. Видеоконференцияни ташкил этиш учун қуйидаги қурилмалар зарур:
- Компьютер.
- Овозни эшитиш ва узатиш учун микрофон ва наушник.
- Тасвирни қабул қилиш ва узатиш учун вебкамера ёки видеокамера.
- Тасвир ҳажмини зичлаш учун видеокодек.



- Курилма сифатли бўлса, аудио ва видео сифати юқори бўлади. Масалан, **Logitech** корхонаси веб-камералари ва микрофонлари сифатлидир. Nootbook аудио ва видео курилмалар билан таъминланган бўлади.

Видеоконференция учун махсус курилмалар ҳам мавжуд. Уларнинг сифати юқори ва нархи ҳам баланд бўлади. Кўп нуктали видеоконференция учун ушбу курилмадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу курилма видеосервер деб аталади. Бундай видеосервер ёрдамида 3 дан 10 гача нуктали конференция ташкил этиш мумкин. Ушбу курилма барча нукталардаги видеоқимни қабул қилиб, таҳлил қилади ва пропорционал тарзда, ҳар бир компьютерга узатилишини таъминлайди, яъни асосий юк видеосерверга тушади. Махсус видеокодек билан юқори ҳажмдаги аудио ва видео маълумотларни зичлаш ва очиш мумкин. Бу курилма юқори сифатли видеомулоқот учун ишлатилиши керак. Маълумотларни зичлаш тезлиги аҳамиятга эгадир. Агар ушбу тезлик суст бўлса, аудио ва видеони узатиш сифати паст бўлади. Масалан, баъзи сўзлар эшитилмайди ва тасвирлар кўринмайди. Бу эса мулоқот сифатини анча сусайтиради.



Ҳозирги кунда баъзи корхоналар ва университетлар ушбу махсус курилмага эга. Зарурат туғилганда, улардан келишган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Форумлар саройида ҳам видеоконференциялар учун курилма мавжуд.


- Дастурий таъминот - Видеоконференция алоқаси учун дастурий таъминот зарур. Ушбу дастурлар видеоконференцияни ташкил этиш, аудио ва видео маълумотларни зичлаш ва узатиш каби функцияларни бажаради. Улар ёрдамида ташкилотчи иштирокчиларни видеоконференцияга таклиф қилади ва уни бошқаради. Бундай дастурларга **Netmeeting**, **Skype**, **Mailagent** дастурлари мисол бўла олади. Бу дастурлар билан ишлаш жуда содда. Масалан, **Skype** ёрдамида икки иштирокчи ўзаро видеомулоқот қилиши мумкин. Бунинг учун рўйхатдан иштирокчини топиб, унга қўнғироқ қилиш ва видеоалоқа тугмачасини босиш етарли. Ушбу алоқа ҳамкор



билан мулоқотингизни самарали қилади. Бундай алоқа учун харажат талаб этилмайди. Бунинг учун Интернетга уланишингиз етарли бўлади.



Машиқ: Skype дастурида ўзингизни қайд қилинг. Унинг ёрдамида видеоалоқа ўрнатинг. Ҳамкасбингиз билан мулоқот қилиб кўринг. Видеотасвирни ва овоз кўрсаткичларини текширинг.



IP-телефония тавсифи

IP-телефония (Интернет телефония) имкониятларидан Интернет кафеларда қўлланилишини кузатишингиз мумкин.



IP-телефония, яъни VoIP (инглиз тилидан «Voice over IP» IP орқали овоз маъносини англатади. Бунда овоз сигналлари Интернет ёки бошқа IP-тармоқлари орқали узатилади.

Ушбу алоқа одатдаги телефон алоқасига қараганда анча арзон. Бунда сиз Интернет тармоғи орқали турли мамлакатлардаги абонентга телефон қўнғироғи қилишингиз ва у билан мулоқотда бўлишингиз мумкин. Бундай алоқа усулидан корхоналарда ҳам фойдаланилади. Алоқа сифати юқори даражада бўлади.

IP телефония имконияти сиз учун кўшимча телефон тармоғини яратади. У аудио ёки видео конференция ташкил этиш хусусиятига эга.



Имкониятлари


IP-телефония оддий телефондаги каби автомат тарзда рақамларни териш ва қўнғироқ қилаётган абонент телефонини аниқлаш каби имкониятларга эга.

Яна бир қулай томони рўйхатдан мамлакатни танлаб, фақатгина телефон рақамни териш етарли. Мамлакат кодлари автомат тарзда акс этади.

Телефон қилиш учун Интернет тармоғи зарур. Агар Интернет тезлиги суст бўлса, овоз узатилиши сустроқ бўлади, чунки овозни рақамли форматга ўтказишга, узатишга ва рақамдан овозга ўтказишга вақт талаб этилади.

Хавфсизлик

IP телефонияда алоқанинг хавфсизлигини криптографик шифрлаш амалга оширади. Лекин IP телефония фойдаланувчилари кўпчилиги ундан фойдаланмайди. Лекин эҳтиёт чораси сифатида ҳимояланган тармоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шахсий тармоқдаги маълумотларни очиқ қолдирмаслик керак.



Skype дастури ёрдамида телефон қилиш жуда қулай. Бунда қўйидагича қўнғироқ қилиш мумкин:

- компьютердан – компьютерга
- компьютердан телефонга

Компьютердан телефонга қўнғироқ қилиш бепул эмас, лекин телефондан-телефонга қўнғироқ қилишдан анча арзон.

Skype ёрдамида аудио ва видеоконференциялар ташкил қилиш қулайдир. Бир пайт-



нинг ўзида бир-неча абонент билан мулоқот қилиш мумкин. Бунинг учун аудио қурилмалари (наушник, микрофон) зарур. Ушбу дастур хавфсизлик тизимига эга.



Демак, Интернет ёрдамида тез мулоқот қилиш мумкин. Бунинг учун унинг мулоқот қилиш имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

- Блоглар қисқача янгилик ва маълумотларни киритишда фойдалидир.

- Форум ёрдамида мавзу, муаммо ёки лойиҳаларни биргаликда муҳокама қилиш, семинар, учрашув, муҳокама, конференция, йиғилишларни ўтказиш мумкин.

- Видеоконференция ёрдамида эса иштирокчилар маъруза, тақдирот ёки муҳокамада онлайнда юзма-юз қатнашиш имкониятларига эгадир.



Топшириқ: *Skype* дастурини очинг. Мулоқотнинг матн ва аудио имкониятларидан фойдаланиб кўринг. Унинг ёрдамида ҳамкасбингизга қўнғироқ қилинг.



Олтинчи боб

- Веб-саҳифа тавсифи
- Веб-саҳифа корхона учун нимага зарур
- Саҳифа турлари ва мазмуни таркиби
- Веб-саҳифани яратишда нималарга эътибор бериш зарур
- Саҳифани яратиш ва жойлаштириш
- Бошқариш
- Оммавийлаштириш йўллари
- Фойдали маслаҳатлар

Веб-саҳифаларни яратиш ва улар
билан ишлаш тартиби





Веб-саҳифа тавсифи

Веб-саҳифа Интернетдаги саҳифадир. Унда маълумотлар жойлашади. Бу — матн, расм, жадвал, аудио ва видео маълумотлардир.




Веб-саҳифа сўзи инглиз тилида қуйидаги маънони англатади. «Веб» бу ўргимчак ва «саҳифа» жой, яъни тармоқдаги жой, тармоқнинг қисмидир. Веб-саҳифа Интернетдаги маълум манзилда жойлашган электрон маълумотлар мажмуасидир.

Веб-саҳифа корхонага нима учун зарур

Ҳозирги кунда дунёда 500 миллионга яқин веб-саҳифалар яратилган. Улар оддий фойдаланувчилар ёки ташкилотлар, корхоналар, таълим муассасаларига тегишлидир. Барча веб-саҳифалар биргаликда халқаро тармоқни яратади. Шунинг учун Интернетда корхона веб-саҳифаси бозор учун энг яхши воситадир. Бу эса корхона учун веб-саҳифа зарурлигининг исботидир. Шу билан бирга, Интернетда корхона веб-саҳифасининг мавжудлиги унинг обрўсини кўтаради ва жиддийлигидан далолат беради.

Веб-саҳифалар қуйидаги вазифаларга ва имкониятларга эгадир:

- **Алоқа** — веб-саҳифа алоқа воситасидир. Корхона боғланиш учун маълумотни, яъни манзил, телефон рақамлари ва электрон манзилни веб-саҳифада кўрсатиш мумкин. Унинг ёрдамида боғланиш имконияти, яна бир усули алоқа қилиш учун махсус шакл ёки форумдан фойдаланиш мумкин. Мижоз ва ҳамкорлар қулай бўлган пайтда сизга Интернет



орқали мурожаат этиши ва сиз ҳам уларга қулай бўлган пайтда жавоб беришингиз мумкин. Ҳатто ҳисоботларни ва тўловларни Интернет орқали жўнатиш мумкин. Веб-саҳифа меҳмонхонаси ёрдамида ҳам боғланиш мумкин. Меҳмонхонани маъмурий равишда бошқариш тавсия этилади, янги таклиф, ғоялар ва саволлар учун махсус мурожаат учун мурожаатнома яратиш мумкин.

- **Ахборот** — Корхона расмий бизнес маълумотномасини, фаолияти, тажрибаси, ҳамкорлари, хизматлари, маҳсулот тавсифларини веб-саҳифада ёритиш мумкин. Корхона ҳамкорлик шартлари билан мижоз ва ҳамкорларни таништириши



ҳамда режалар ҳақида маълумот бериш мумкин. Маълумот тавсифи матн, расмлар ва жадваллар ёрдамида ёритилиши мумкин. Видеотасвирлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Маълумотлар тўғри бўлиши шарт, шунинг учун уларни мунтазам равишда, янгилаб бориш тавсия этилади. Бу корхонанинг жиддийлигини акс эттиради.

- **Маркетинг** — Веб-саҳифада маҳсулотлар бозорини ўрганиш, янги ҳамкорлар ва мижозлар топиш, янги буюртмаларни расмийлаштириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, танловлар ўтказиш мумкин. Сўровномалар ёрдамида маҳсулотларга талабни тезда деярли харажатсиз ўрганиш мумкин. Масалан, янги маҳсулотга бўлган талабларни ўрганиш, янги таклиф ва ғоялар ва саволлар учун мурожаатнома яратиш мумкин. Бу маълумотлар корхона маҳсулотлари ва хизматлари сифатини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, корхона мижозлари географиясини билиш мумкин. Ҳамкорлар учун маълумотларни махсус саҳифада ёритиш мумкин. Ахборотномалар ёрдамида эса уларга маълумотни мунтазам равишда юбориш мумкин. Интернет фойдаланувчилари сони жадаллик билан кўпайиб бориши уни одатдаги оммавий ахборот воситаларидан устунлигини кўрсатади.
- **Реклама** — Веб-саҳифада корхона маҳсулотлари ва хизматларини реклама қилиш мумкин. Бунинг учун маҳсулотлар



ва хизматлар ҳақидаги маълумотни бериш зарур. Натижада ушбу маълумот бутун дунё бўйлаб тарқатилади. Маълумотлар аниқ, тўлиқ ва тасвирлар ёрдамида тасвирлангани маъқул. Веб-саҳифа манзили ёрдамида фойдаланувчилар ушбу маълумотлар билан таниша оладилар. Бу рекламанинг энг тез ва энг арзон усулидир. Корхона маълумотномасида албатта веб-саҳифа манзилини кўрсатиш зарур. Саҳифани қанчалик тез яратсангиз, шериклар олдида шунчалик устун бўласиз. Чунки у корхонага бўлган қизиқишни оширади. Веб-саҳифада маълумотларни янгилаб бориш мумкин. Бу имконият Интернетда мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида маълумотларни кун давомида ўзгартириш ва зарур бўлса, бир-неча марта ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай харажат ҳам талаб этилмайди. Фойдаланувчилар ҳар куни 24 соат давомида маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Бу имкониятни оммавий ахборот воситаларидан фақатгина Интернет амалга ошириши мумкин. Веб-саҳифага кирган фойдаланувчи корхона маҳсулотлари ва хизматлари билан танишиши ҳамда буюртма бериши мумкин. Фойдаланувчи корхона офисига ташриф буюрган мижоздир. Офисда иш давомида чекланган мижозларни қабул қилиш мумкин. Веб-саҳифада эса ихтиерий сондаги мижозларга хизмат қилиш мумкин. Шу билан бирга, корхона баннерини бошқа веб-саҳифаларда бериш мумкин.

- **Бошқарув** — Веб-саҳифа орқали ҳамкорларга ва ходимларга корхона хизмати ҳақида маълумотлар бериш, шартнома, аризаларни тузиш ва қабул қилиш, янги мижозлар ва шерикларни жалб этиш, ходимлар учун ички тармоқ яратиш мумкин. Бу корхона фаолияти ишини қулайлаштиради. Бунда ҳар бир ходим ички тармоқда қайд қилинган бўлиб, номи ва пароль орқали корхона фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган ҳужжатлар, қўлланмалар ва йўриқномалардан фойдаланиши мумкин. Зарур ҳолда, ҳужжатлар устида биргаликда ишлаши мумкин бўлади. Доимо янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин. Ходимлар фаолиятини ушбу имконият ёрдамида кузатиб бориш ҳам мумкин. Ходимлар сафар пайтида ҳам ушбу имкониятга эга бўладилар. Веб-саҳифа ёрдамида янги ходимларни топиш мумкин. Саҳифа корхона ваколатхоналарини вилоятларда ёки туманларда очиш заруратини йўқотади.

**Топишириқ:**

Корхона веб-саҳифаси фойдаланувчиларининг рўйхатини тузинг. Масалан, миждозлар, ҳамкорлар ва ҳоказо. Корхона веб-саҳифаси қандай мақсадда ва қандай хизматлар зарурлигини аниқланг. Ҳар бир хизматни таърифланг.

Интернетда корхоналар саҳифаларини ўрганиб чиқинг. Уларнинг ким учун ва нима мақсадда яратилганини аниқланг. Масалан, www.chamber.uz, www.bfu.uz

Саҳифа турлари ва мазмуни таркиби

Веб-саҳифалар қандай вазифани бажариши билан фарқланади. Масалан, маълумот учун саҳифалар корхона ҳақидаги қисқа маълумотни ёритади. Узнетда бундай саҳифалар мавжуд. Бундан ташқари, бошқарув учун яратилган саҳифалар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, саҳифалар мазмуни таркиби билан фарқланади. Қуйида уларнинг турлари ва таркиблари билан танишамиз.

Саҳифани яратишда авваламбор саҳифа ким учун мўлжалланганлигини аниқлаш зарур. Саҳифа фойдаланувчилари миждозлар, ходимлар, ҳамкорлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Саҳифа ёрдамида қандай вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги ҳам муҳимдир.

Саҳифа турлари

Хизмат кўрсатилиши асосидаги турлари:

- **Очиқ веб-саҳифа** — веб-саҳифа хизматлари барча фойдаланувчиларга очиқ саҳифа.
- **Ярим очиқ веб-саҳифа** — веб-саҳифа баъзи хизматларидан фойдаланиш учун фойдаланувчи саҳифада рўйхатдан ўтиши зарур. Одатда бу бепул хизматдир. Масалан, саҳифа янгиликларини олиш учун рўйхатдан ўтиш зарур бўлади. Чунки янгиликларни юбориш учун маъмурият Сизнинг электрон манзилингизни билиши ёки савол бериш учун рўйхатдан ўтиш зарур бўлиши мумкин. Масалан, www.bfu.uz



- **Ёпиқ веб-саҳифа** — Корхона мижозлари ёки корхона ходимлари ҳамда фақат дўстлар ёки оила аъзолари учун мўлжалланган саҳифалардир. Уларга кириш учун логин ва пароль бўлиши шарт, яъни ёпиқ саҳифанинг фойдаланувчилари сони чекланган бўлади, янги аъзолар кириши учун уларга таклиф юборилади. Одатда, йирик корхоналар ёпиқ саҳифалар ёрдамида иш юритади.

Масалан, www.uforum.uz саҳифаси рўйхатдан ўтган фойдаланувчи-лар учун имкониятлари кўпроқдир. Бунда ушбу саҳифа фойдаланув-чиларига рухсатни саҳифа эгаси беради.

Мазмун кўринишига асосан турлари:

- **Статик** — Веб-саҳифа мазмуни ўзгармас бўлади. Фойдаланув-чи маълумотларнинг сервердаги асли шаклидан фойдаланиши мумкин.
- **Динамик** — Веб-саҳифа мазмуни бошқа маълумотлар асосида йиғилади. Маълумотларни йиғиш махсус дастурлар ёрдамида амалга оширилади, яъни ўзгарувчан маълумотлардир.

Жойлашиши асосида турланиши:

- **Глобал веб-саҳифалар** барча фойдаланувчилар фойдалани-ши мумкин бўлган веб-саҳифалар. Бу саҳифалар Интернет тармоқдаги серверларда жойлашган бўлади.




- Маҳаллий веб-саҳифалар фақатгина маҳаллий тармоқдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган, улардан фақатгина ушбу тармоқдаги мижозлар фойдаланиши мумкин бўлади. Тармоқ ташқарисида ушбу саҳифа кўринмайди. Баъзи провайдерлар фойдаланувчилари учун ўз серверида маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Бу фойдаланувчилар учун қулайлик яратади. Чунки улардан фойдаланиш учун ташқи каналлардан фойдаланиш зарурати бўлмайди. Бу ресурслар учун харажат талаб қилинмайди. Масалан, корхона ёки ташкилот веб-саҳифаси, таълим муассасаси веб-саҳифаси, ўқув марказ веб-саҳифаси. Масалан, провайдер ресурслари маҳаллий фойдаланувчилар учун очиқ.

Саҳифа мазмуни, ҳажми ва вазифаларига асосан эса қуйидаги турлари мавжуд:

- Корхонанинг маълумотномаси Интернетда баён этилган саҳифалар. Унда корхона ҳақидаги умумий маълумотлар, фаолияти, маҳсулот ва хизматлар тавсифи, мурожаат учун маълумотлар кўрсатилади.
- Корхонанинг Интернетдаги ваколатхонаси саҳифалари. Ушбу саҳифада корхона ҳақидаги умумий маълумотлар, фаолияти, маҳсулот ва хизматлар тавсифи, мурожаат учун маълумотлар билан бирга, корхона тажрибаси ва ҳамкорлари тавсифи, мурожаат учун қабулхона ҳамда меҳмонхона мавжуд бўлади.
- Корхонанинг корпоратив веб-саҳифалари. Ушбу саҳифаларда компания ҳақидаги маълумотлар ва янгиликлар тўлиқ, батафсил берилади. Унда маълумотларни қидириш тизими, тадбирлар жадвали, блог ва форумлар мавжуд бўлади. Ходимлар фойдаланиши учун маълумотлар жойлаштирилган бўлиши ҳам мумкин, яъни ички ва ташқи маълумотлар мавжуд бўлади. Ички маълумотлар фақатгина ходимлар учун ва ташқи маълумотлар барча ходимлар ва мижозлар учун мўлжалланган бўлади.
- Электрон каталогли веб-саҳифаларда корхона маҳсулотлари тавсифи келтирилади. Унда маҳсулот ташқи кўриниши, хусусиятлари, техник кўрсаткичлари, нархлари, мижозлар ва экспертлар фикрлари келтирилади. Лекин ушбу саҳифада маҳсулотни сотиб олиш мумкин бўлмайди. Ҳозирги кунда



электрон каталоглар сони Узнетда ўсиб бормоқда. Масалан, **www.yarmarka.uz**.



- Электрон – дўконда (электрон савдо дўкони, Интернет савдо дўкони ёки электрон бозор) маҳсулотларни сотиб олиш мумкин бўлади. Бунда маҳсулотлар электрон каталоги келтирилади. Маъқул бўлган маҳсулотларни савдо дўконидагидек саватга йиғиб сотиб олиш мумкин бўлади. Одатда, тўлов пластик карточка ёки ҳисоб шартномаси ёрдамида амалга оширилади. Баъзи электрон дўконлар нақд пул ёрдамида савдони амалга оширади. Масалан, сиз маҳсулотга буюртма берасиз, маҳсулот сизга етказилганда пулини тўлайсиз. Бу электрон дўконнинг энг содда шакли ҳисобланади. Ҳозирги кунда баъзи корхоналар ва ресторанлар, савдо дўконлари каби ушбу хизматни амалга оширади. Бу усл мижозлар учун ҳам, корхона учун ҳам қулайдир. Китобларни ушбу усулда сотиб олиш кенг тарқалган. Масалан, **www.interpress.uz**.
- Ахборотли веб-саҳифаларда одатда, ахборотлар жойлаштирилади. Ушбу саҳифалар турли мавзуда маълумотлар, янгиликлар ва режалар ҳақида ахборот беради. Баъзи инфорацион саҳифалар тематик бўлади, яъни айнан бир мавзуга бағишланган бўлади. Масалан, технологияларга, тиббиётга ёки тадбиркорликка оид маълумотларни ёритиб боради. Уларда алоқа учун хизматлар



мавжуд бўлади, яъни улар доимий равишда фойдаланувчилар билан мулоқотда бўлади. Одатда, саволномалар, форум ва оператив савол каби хизматлардан фойдаланилади. Масалан, <http://www.mtrk.uz/>, www.pc.uz, www.infocom.uz саҳифалари.

- Веб-хизмати кўрсатувчи веб-саҳифалар вазифаси хизмати билан аниқланади. Масалан, электрон эълонлар, почта хизмати, қидирув тизимлари, форум ва блоглар, файллар алмашуви хизмати, расмхоналар, видеохона кабилар мисол бўлади. Расмхоналарда расмлар галереясини очиш мумкин. Жамоа тармоқларида шахсий саҳифа очиб, унда маълумотларни бериш ва мулоқотларда иштирок этиш мумкин. Бунга www.olam.uz мисол бўла олади.



Мазмуни таркиби

Бўлим номи	Тавсифи
Корхона ҳақида	Корхона номи, тарихи, мақсад ва вазифалари, тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади.
Корхона фаолияти	Корхона фаолияти, тажрибаси, бўлимлари ва ходимлари ҳақидаги маълумот келтирилади.



Корхона режалари	Корхонанинг жорий ва келажагдаги режалари берилади. Бу ҳамкорлар ва мижозлар учун фойдали маълумотдир.
Ҳамкорлар ва мижозлар	Корхона ҳамкорлари ва мижозлари ким, улар билан қандай лойиҳалар ёки шартномалар амалга оширилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.
Лойиҳалар	Амалга оширилган ва оширилаётган лойиҳалар ҳақида қисқача маълумот берилади.
Корхона хизматлари ва маҳсулотлари	Корхона хизматлари ва маҳсулотлари рўйхати ва уларни тўла ёки қисқача тавсифи келтирилади. Тавсиф расмлар, техник кўрсаткичлар ва нархларни ўз ичига олади.
Мурожаат учун манзил	Мурожаат учун манзил, электрон манзил, телефон ва факс рақамлари кўрсатилади. Баъзилар корхонанинг жойлашиш харитасини ҳам келтирадilar, бу корхонага ташриф буюриш учун фойдалидир.
Янгиликлар ва эълонлар	Корхона фаолиятидаги янгиликлар ва эълонлар жойлаштирилади. Масалан, янги имкониятлар ёки янги маҳсулотлар ҳақидаги хабарлар, янги ҳамкорлар ва шартномалар ҳақидаги маълумотлари, муаммолар ҳақидаги хабарлар берилади.



Эслатма!

Саҳифа мазмунини тайёрлашда қуйидагиларга эътибор беринг:

- Саҳифада аниқ ва тўғри маълумотларни бериш зарур. Шундагина у фойдаланувчи учун қизиқарли ва фойдали бўлади. Бу эса уларнинг эътиборини яна жалб этади.
- Маълумотлар матн, жадвал, расм ва диаграммалардан ташкил топгани маъқул.
- Матндаги зарур ибора ва атамалар курсив ёки ярим қалин шрифт билан ажратилиши зарур.



- Саҳифа мазмуни фойдаланувчилар учун тушунарли бўлган тилда ёки тилларда яратилиши мақсадга мувофиқ.
- Бир абзацда фақат бир фикрни ифодаланг. Зарур ҳолда, узун катта абзаци қисмларга бўлиб, гиперматндан фойдаланинг. Гиперматнлар меъёрда бўлгани маъқул. Акс ҳолда, матнни ўқишнинг иложи бўлмайди.
- Веб-саҳифага кўп расмларни жойлаштирманг. Расмлар ҳажмини веб-форматида беринг.
- Жадваллар кўринишидаги маълумотни жойлаштиришда экран ўлчамларини ҳисобга олинг. Катта жадвални қисмларга бўлган афзал.
- Матн экранда аксланишини унутманг ва дизайн ёрдамида уни шакллантиринг.
- Энг муҳими – матнда грамматик хатолар бўлмаслиги лозим.

**Топшириқ:**

Корхона веб-саҳифаси мазмуни тузилишини яратинг. Ҳар бир бўлим тавсифини ёзинг. Бўлимлар учун маълумотларни йиғинг. Расмларни сараланг ёки расмни тайёрлашни режалаштиринг. Ҳозирги кунда камера ёки мобил телефони ёрдамида расм тузириш мумкин. **www.chamber.uz** саҳифаси тузилишидан фойдаланишингиз мумкин.

Веб-саҳифани яратишда нималарга эътибор бериш зарур

Авваламбор, веб-саҳифа яратиш учун тайёرمىсиз? Чунки бу вақт ҳамда харажат талаб этади. Лекин ушбу харажатлар ўзини тезда қоплайди.

Имкониятларингизни ҳисоблаб кўргандан сўнг, веб-саҳифа яратиш-ни қуйидаги тартибда бошлаш мумкин.


- Авваламбор, веб-саҳифа фойдаланувчиларини аниқлаш зарур.
- Веб-саҳифа ёрдамида қандай вазифаларни амалга оширасиз – вазифалар рўйхатини тузинг.
- Веб-саҳифа мазмуни таркибини тузинг.



- Веб-саҳифа бўлимлари учун маълумотларни тайёрланг.
- Саҳифа шаклини режалаштиринг.
- Саҳифа дизайнини тасаввур этинг.
- Саҳифа домен номини қайд қилинг.
- Саҳифани жойлаштириш учун серверни танланг.
- Электрон манзилни қайд қилинг.
- Саҳифани яратувчи веб-студиялар веб-саҳифалари билан танишинг.
- Веб-студиялар билан боғланинг ва уларнинг таклифларини ўрганинг.
- Веб-студияни танланг ва у билан ишни бошланг.
- Веб-саҳифани серверга жойлаштиринг.
- Веб-саҳифа лойҳасини тестдан ўтказиш.
- Веб-саҳифа тақдиротини Интернетда ўтказинг.

Ушбу тартибни кенгайтириш ёки қисқартириш мумкин. Баъзан веб-студиялар ушбу тартибни тўла амалга оширади, лекин тартибнинг биринчи қадамларини амалга оширсангиз, веб-студия билан ишлаш қулай бўлади. Веб-студия ҳам улар асосида талабларингизга бўлган таклифларни аниқ ва тезда тайёрлайди, яъни бу корхона веб-саҳифасидан унумли фойдаланишингизга тамоийил бўлади. Ушбу тартиб веб-студия учун техник топшириқ яратишда зарур бўлади.

Ҳозирги кунда саҳифани яратиш учун турли дастурлар мавжуд. Масалан, **WordPress, Bumpикс, Web 2.0**. Дастурлар пуллик ва очик (текин) бўлади. Улар ёрдамида саҳифани мустақил яратиш мумкин. Лекин бу сиздан кўпроқ вақт талаб этади. Оддий саҳифаларни яратишга кўп вақт талаб этилмайди. Уларни очик дастурлар ёрдамида яратиш мумкин.



Корхона веб-саҳифасини масъул ходим бошқариш мақсадга мувофиқ. Агар корхона саҳифаси кўп вазифаларни бажариши ре-



жалаштирилган бўлса, веб-студия хизматидан фойдаланган маъқул. Веб-саҳифани аввал оддийроқ кўринишда яратиб, аста-секин ривожлантириб бориш мумкин. Корхона веб-саҳифа яратиш режаси билан веб-студияни таништириши лозим.

**Топшириқ:**

<http://uz.wordpress.org/> веб-саҳифаси билан танишинг. Унда веб-саҳифа яратиш имкониятларини ўрганнг.

Саҳифани яратиш ва жойлаштириш

Веб-саҳифа яратувчи корхоналар веб-студия ёки дизайн студия деб аталади. Баъзи провайдерлар ҳам веб-саҳифа яратиш билан шуғулланади. Уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Оддий веб-саҳифаларни мустақил равишда яратиш мумкин. Лекин мураккаброқ веб-саҳифани яратиш учун мутахассислар зарур бўлади. Хўш, қайси веб-студия билан ва қандай ишлаш зарур деган саволлар пайдо бўлиши аниқ. Қуйида веб-студияларни танлаш ва улар билан ишлаш тартибларини келтирамыз:

- **Веб-саҳифани яратувчи корхона ёки мутахассисни топиш.** Шаҳрингиздаги веб-саҳифа яратувчи корхоналар ёки мутахассислар манзилени Интернетдан топишингиз мумкин. Ушбу маълумот учун Савдо-саноат палатаси вилоятлардаги ва туманлардаги бўлимларига мурожаат этиш ёки ҳамкорларингиз саҳифаларидан ҳам олиш мумкин. Одатда, веб-саҳифада яратувчи корхона манзили берилади. Бу ҳолда маълумот учун ҳамкорларга мурожаат этиш мумкин. Веб-студиялар ёки мутахассислар яратган саҳифалар билан танишиб кўринг. Агар уларнинг иши сизга маъқул бўлса, уларга мурожаат этинг. Бир корхонага ёки мутахассисга эмас, балки камида 3 та корхонага мурожаат этиш тўғридир. Бу веб-саҳифа яратувчилари ўртасида соғлом рақобатни яратади ва таклиф сифати ҳамда нархларига таъсир кўрсатади.
- **Техник топшириқни тайёрлаш.** Техник топшириқ лойиҳаси билан веб-саҳифа яратувчисига мурожаат қилинг. Техник топшириқ асосида улар таклифлар тайёрлайди ва эъ-



тиборингизга ҳавола этади. Веб-студиялар баъзан техник топшириққа қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилишини таклиф қилиши мумкин. Ушбу таклифларни муҳокама қилишингиз мумкин. Техник топшириқ биргаликда муҳокама қилиниши ва тайёрланиши веб-саҳифа кўзланган мақсадда яратилишининг гаровидир. Техник топшириқ веб-саҳифага тегишли барча томонларни ҳисобга олгани маъқул. Баъзи студиялар техник топшириқни яратиш хизматини кўрсатадилар. Техник топшириқ одатда қуйидаги бандлардан иборат бўлади:

- саҳифа номи
 - домен номи
 - саҳифа яратилиш мақсади
 - саҳифа вазифалари
 - мазмуни
 - тиллари
 - матнли ва графикли маълумотлар умумий ҳажми
 - шакли
 - дизайни
 - бошқарилиши
 - янгиланиши кабилардир
- **Давлат органининг расмий саҳифага қўйиладиган асосий талаблари** мавжуд. Улар билан қуйидаги манзилларда танишиш мумкин – <http://lex.uz/guest/doc/925847#927248> (ўзбек тилида) ва <http://lex.uz/guest/doc/925901#927680> (рус тилида). Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-саҳифаларини яратиш бўйича услубий кўрсатмалар билан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш саҳифасида – <http://ict.gov.uz/uzb> танишиш мумкин.
 - **Веб-студия билан шартнома тузиш.** Веб-студия техник топшириққа жавоб берувчи таклифлар асосида танлангандан сўнг веб-студия билан шартнома тузилади. Ушбу шартномага техник топшириқни илова қилиш зарур. Шартнома шакли одатда веб-студияларда мавжуд бўлади. Веб-саҳифа дизайнини корхона логотипи асосида, шрифт ва рангларга бўлган талаблар асосида яратиш зарур бўлса, ушбу талабларни техник топшириққа киритиш зарур. Шартномада веб-саҳифа



яратилиши ва ишга туширилиш тартибларини кўрсатиш тавсия этилади.

- **Веб-саҳифа яратилиши назорати.** Веб-саҳифа яратувчи зарур ҳолда, сиз билан мулоқотда бўлиши зарур. Масалан, дизайнни танлашда, матнларни ёритишда ва расмларни танлашда муҳокамалар зарур бўлади. Веб-сайт саҳифалари макетлари яратилади. Макет шакллари буюртмачига кўрсатилади. Одатда асосий саҳифаларнинг макетлари яратилади. Танланган макетлар асосида саҳифа яратилади. Веб-саҳифа тайёр бўлгандан сўнг уни тестлаш зарур бўлади. Унинг тақдимотини ходимлар учун ўтказиш мумкин.

- **В е б - саҳифани Интернетга жойлаштириши.** Веб-саҳифа тайёр бўлгандан сўнг у Интернетга жойлаштирилиши зарур. Веб-саҳифа учун жой веб-сервер деб аталади ва у провайдердан олинади. Баъзи провайдерлар веб-саҳифа доменини қайд қилиш хизматини ҳам амалга оширади. «Uz» доменининг қайд қилувчи корхоналар рўйхати қуйидаги манзилда берилган — **www.cctld.uz/reg/**.



Интернетда саҳифани жойлаштириш учун шартнома тузилиши зарур. Ушбу хизмат хостинг деб аталади. Бу инглиз тилидан (host) жой билан таъминлаш маъносини билдиради. Қайси провайдер билан шартнома тузиш бўйича веб-студиядан маслаҳат олишингиз мумкин. Провайдер билан шартнома тузгандан сўнг веб-студия уни жойлаштиради.

- Веб-саҳифани турли браузерлар ёрдамида очиб кўринг. Уларда веб-саҳифа тўғри очилишини текширинг, яъни мижозлар турли браузерлардан фойдаланишини ҳисобга олинг.



- **Веб-саҳифа тақдимоти.** Веб-саҳифа жойлаштирилгандан сўнг веб-саҳифа манзилини барча мижозларга тарқатишингиз мумкин. Веб-саҳифани қидирув тизимларда қайд қилинганлигини текширинг. Ушбу тақдимот веб-саҳифани мижозлар ўртасида оммалаштиради. Веб-саҳифа манзилини корхона реклама маҳсулотларида кўрсатинг. Мижозлар билан ишлашда веб-саҳифадан фойдаланинг. Баъзи корхоналар веб-саҳифадан кундалик иш фаолиятида фойдаланишни унутадилар. Веб-саҳифа корхона фаолиятини жадаллашишига имкониятлар яратади.

**Топишириқ:**

Корхона веб-сайтини техник топишириғини яратинг. Бунинг учун Интернетдан мисоллар топинг ва улардан фойдаланинг.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг веб-саҳифаларини яратиш бўйича услубий кўрсатмалар билан танишинг. Уни <http://ict.gov.uz/uzb> саҳифасидан топинг.

Бошқариш

Веб-саҳифа яратилгандан сўнг уни бошқариш зарур бўлади. Бошқариш деганда веб-саҳифага хизмат назарда тутилади, яъни веб-саҳифадаги маълумотлар янгиланиши, келган саволларга жавоб берилишини, хатлар қабул қилиниши, веб-саҳифа иши назорат қилиниши тушунилади. Одатда, бу ишни бажарувчи шахс администратор деб аталади, яъни масъул ходим. Одатда, бу ходимни белгилаш зарур.

Агар корхонада маркетинг ва реклама бўйича мутахассис бўлса, унга янгиланган ёзишни ва пресс-релизлар ёзишни топириш тўғри бўлади. Тижорат бўлими ёки ходими веб-сайт орқали келган бўюртмалар билан ишлаши, маҳсулотлар нархини янгиланган бориши, маркетинг бўлими эса мижозлар талабини ўрганиш бўйича тадбирларни тайёрлаши зарур бўлади. Котиба келган хатларни қайд қилиб бориши мумкин бўлади. Бу ишларнинг барчасини администраторга юклаб қўйиш хато бўлади. Веб-саҳифа корхонанинг Интернетдаги ваколатхонаси (виртуал офис) бўлгани учун уни маълумот билан ва виртуал офис ишини таъминлашда барча ходимлар ёки бўлимлар иштирок этиши зарур. Ушбу жараёни администратор бошқариши мумкин.



Администратор қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Веб-сайт устида ишни бошқариш
- Хатлар ва саволларни бошқариш
- Веб-саҳифа саҳифаларини тўғри аксланишини назорат қилиш
- Янги маълумотларни жойлаштириш
- Расмларни веб-саҳифа учун тайёрлаш
- Буюртмаларни қабул қилиш
- Веб-саҳифа янги дизайни бўйича таклифлар бериш
- Веб-саҳифани ривожлантириш бўйича таклифлар бериш
- Веб-саҳифа нусхасини яратиш
- Веб-саҳифа маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш кабилардир.

Веб-саҳифа хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор бериш зарур. Вируслар ва босқинчи дастурлар босқини натижасида веб-саҳифа маълумотлари қисман ёки бутунлай ўчирилиш хавфи мавжуд. Шунинг учун веб-саҳифа хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлади.

Корхона веб-саҳифаси нусхасини ҳафта охирида кўчириш лозим. Агар корхона веб-саҳифаси ҳафта давомида янгиланмаса, унда янгилинишига қараб икки ҳафтада ёки ойда кўчирилиши лозим. Ушбу кўчириш амали **backup** (инглиз тилидан резерв нусха маъносини англатади) деб аталади. Баъзан бу вазифани хостинг билан таъминловчи провайдер бажаради. Провайдер билан шартномада ушбу хизмат кўрсатилиши зарур. Лекин веб-саҳифа нусхасини корхона администратори амалга ошириш мақсадга мувофиқ.



Топшириқ:

Баъзи сайтларда жалб қилувчи реклама баннерлар эътиборингизни тортади. Шубҳали мазмундаги сайтларни ва баннерларни очманг. Қўлланманинг 3-бобида келтирилган корхона ахборот хавфсизлиги бўйича тавсияларга риоя қилинг.



Топшириқ:

Корхона веб-саҳифасини бошқариш режасини тузинг. Веб-сайт бўлимларини бошқарувчи бўлимларни ёки ходимлар рўйхатини тузинг.



Оммавийлаштириш йўллари

Веб-саҳифани жойлаштирилгандан сўнг уни оммалаштириш, яъни унга фойдаланувчилар эътиборини жалб этиш зарур бўлади. Бу эса корхона маҳсулотлари ва хизматларига мижозларни жалб этади. Бунини амалга ошириш тартиблари мавжуд:

- Авваламбор, сайт мазмуни асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун мазмун аниқ, тўла ва қизиқарли, дизайн ёқимли бўлишини таъминланг.
- Сайтни оммабоп каталогларда ва қидирув тизимларида қайд қилиш лозим. Бу имконият сўров бажарилганда атамалар асосида сайтингиз қидирув натижалари рўйхатида юқори ўринда туришини таъминлайди.

Масалан, 2011 йилда дунёдаги энг оммабоп тизимлар ва хизматлар рўйхати:

- **Google** (www.google.com) — қидирув тизими ва турли хизмат кўрсатувчи портал
- **YouTube** (www.youtube.com) — видеоматериаллар омбори.
- **«Yahoo!»** (yahoo.com) — қидирув тизими ва турли хизмат кўрсатувчи портал.
- **Wikipedia** (www.wikipedia.org) — универсал мултитиллардаги энциклопедия.

Ўзбекистондаги оммабоп ресурслар рўйхати рейтингини **www.uz** саҳифасидан топишингиз мумкин:

- **www.torg.uz** - Ўзбекистон савдо-сотиқ майдони
- **Finmanconsult** (www.fmc.uz) – Консалтинг корхона
- **ZorUz** (www.zor.uz) – Тошкент янгиликлари
- **OLAM.uz** (www.olam.uz) – Ўзбекистон портали
- Сайтни Интернетда оммалаштириш зарур, яъни сайт ҳақидаги маълумотларни тарқатиш зарур. Турли маркетинг тадбирларда, танловларда ва фестивалларда иштирок этишни олдиндан режалаштиринг.
- Баннерлар билан алмашиш ёрдамида оммалаштириш. Ҳамкорлар ва мижозлар саҳифаларида ва оммабоп саҳифаларда корхона веб-



саҳифаси баннерини қўйиш мумкин. Одатда баннерлар билан алмашилади.

- Мавзули веб-саҳифаларда манзиллар билан алмашилади.
- Корхона веб-сайти баннери учун реклама жойлари сотиб олинади.
- Корхона янгиликлари ахборотномаси яратилади ва мунтазам равишда мижозларга ва ҳамкорларга тарқатилади. Одатда, ахборотномага 1000дан ортиқ мижозлар қайд қилинади, яъни мунтазам равишда, уларга маълумотлар юборасиз ва улар билан мулоқотда бўласиз. Улар салоҳиятли мижозга айланиши мумкин. Ахборотнома саҳифага доимий мижозларни киришини таъминлайди. Бу виртуал қабулхонадир. Бу рекламанинг энг ишончли усулидир. Ушбу ахборотномага қайд қилиш учун шакл яратинг ва уни саҳифанинг энг кўринарли жойида жойлаштиринг.
- Саҳифа ахборотномасига қайд қилинган мижозлар учун совғалар беринг. Масалан, юзинчи мижозга корхона календарини, ёки ручкасини бериш. Бу саҳифага янги мижозлар киришини таъминлайди.
- Саҳифа ахборотномасига қайд қилинган мижозларни байрамлар билан табрикланг.
- Қизиқарли мақолаларни юборинг. Бу мақолалар бепул тарқатилишини эслатинг. Натижада мақолали-ахборотномалар мижоздан мижозга юборилиб, янги мижозлар саҳифангизга ташриф буюради.
- Ахборотномани оммавий ахборот воситаларида қайд қилинг.
- Ҳамкорлар билан янгиликларни тарқатишда ҳамкорлик қилинг.
- Янгиликлар учун блоглар яратинг. Блогни жамоа тармоқларида олиб бориш мумкин. Лекин уларни бошқариб бориш мақсадга мувофиқ.

Сайтни оммавийлаштиришнинг афзалликлари:

- Веб-саҳифа фойдаланувчилари сони кўпаяди.
- Салоҳиятли мижозларнинг сони кўпаяди.
- Сайтга мурожаатлар ёки кўрсатмалар сони кўпаяди.
- Қидирув тизимларида саҳифа юқорида жойлашади.
- Виртуал корхона оммавийлаштириш корхонанинг кенг доирада танилишини таъминлайди.
- Корхона мавқеини кўтаради.

**Топшириқ:**

Ҳамкорлар веб-сайти рейтингини ўрганинг. Бунинг учун **www.uz** саҳифасидан фойдаланинг.

www.torg.uz саҳифаси оммавийлиги сабабларини аниқланг.

Фойдали маслаҳатлар

Маълумотларни тўла ёритиш	Веб-саҳифада катта ҳажмдаги маълумотларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Шунинг учун корхона фаолияти ҳақидаги маълумотларни тўла ёритиш мумкин. Бу ортиқча харажат талаб қилмайди.
Маълумотларни янгилаш	Веб-саҳифадаги маълумотларни доимо янгилаб бориш зарур. Буни амалга ошириш учун бироз вақт талаб этилади. Шунинг учун мижозларга зарур бўлган маълумотларни мижоз фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш зарур. Бу мижозлар эътиборини тортади, айниқса, маҳсулот тавсифларини ва шартнома тузиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ бериш зарур.
Корхона мижозлари билан алоқада бўлиш	Корхона мижозлари билан алоқа учун Интернетдан унумли фойдаланиш сиёсатини юргизиш талаб этилади. Чунки тезкор алоқа мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширади ва оптималлаштиради.
Талабномалар билан ишлаш	Корхона маҳсулотлари сотувини амалга ошириш учун махсус талабнома шакллари веб-саҳифада йўлга қўйиш зарур. Бу шакллари яратишда мутахассислар ёрдамидан фойдаланинг.
Реклама ва маркетинг	Веб-саҳифада турли реклама ва маркетинг акцияларни олиб бориш тавсия этилади. Бу мижозлар эътиборини корхонангизга тортади. Веб-саҳифа ёрдамида янги маҳсулотларга бўлган талабларни доимо ўрганиб бориш мумкин. Реклама тадбирлари натижаларини кузатиб бориш, Веб-саҳифа фойдаланувчилари статистикасини кузатиб бориш зарур. Статистик натижалар таҳлили веб-саҳифада маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш мумкин. Веб-саҳифада сўровномалар, овоз бериш ва байрам акцияларини ўтказиш мумкин.



Мижозлар тармоғини ошириш	Интернет ёрдамида мижозлар тармоғини кенгайтиришни режалаштиринг. Буни амалга ошириш учун авваламбор, веб-саҳифани турли тиллардаги шаклини яратинг. Бу бошқа шаҳар ва мамлакатлардан янги мижозларни жалб этади.
Мижозлар билан ишлаш	Веб-саҳифа фойдаланувчилари талабларини доимий равишда ўрганиб бординг, веб-саҳифа айнан улар учун яратилганини унутманг. Шунинг учун турли тадбирлар, сўровномалар ва байрам акцияларини ўтказишни режалаштиринг.
Кадрлар билан ишлаш	Веб-саҳифа ёрдамида янги ходимларни топиш мумкин. Бунинг учун янги вакансиялар ёки янги ходимлар учун саҳифасини яратиш мумкин. Бу сизга малакали ходимлар ҳақида маълумотлар йиғишга ва уларни танлашга имкон яратади. Ушбу саҳифада иш шартлари ва номзодга бўлган талабларни жойлаштириш мумкин. Бу сизга салоҳиятли номзодларни топишга ёрдам беради.
Маълумотнома хизмати	Маълумотнома хизматини яратиш жуда қулай. Ушбу хизматдаги маълумотларни янгилаб бориш мумкин. Бу хизмат ёрдамида мижозлар саволларга жавоб оладилар. Агар саволга жавоб топа олмаса, янги саволни бериш мумкин бўлади. Натижада саволлар талабга асосан янгиланиб боради. Бу хизмат ходимларнинг вақтидан унумли фойдаланиш имконини яратади.
Ҳамкорлар учун маълумотлар	Ҳамкорлар учун ҳамкорлик шартлари ҳақидаги маълумотлар учун алоҳида саҳифа яратиш маъқул. Унда ҳамкорлик қандай ва қайси йўналишларда олиб борилиши ҳақидаги маълумотни келтиринг, яъни корхона талабларини ёритинг. Бу эса ҳамкорлар учун қулайликлар яратади.
Веб-саҳифа рейтингини кузатинг	Ўзбекистондаги оммабоп ресурслар рўйхати рейтингини www.uz саҳифасида ўрганиб бординг. Корхона веб-сайти рейтингини кузатинг.



Демак, корхона веб-саҳифасини яратиш тартиби қуйидагича бажарилади:

- Авваламбор, веб-саҳифа фойдаланувчилари аниқланади.
- Веб-саҳифа вазифалари аниқланади.
- Веб-саҳифа мазмуни тузилади.
- Веб-саҳифа учун маълумотлар тайёрланади.
- Саҳифа шакли ва дизайни тайёрланади.
- Саҳифа домен номи қайд қилинади.
- Саҳифани жойлаштириш учун сервер танланади.
- Веб-студия танлананади ёки саҳифа мустақил яратилади.
- Веб-саҳифа Интернетга жойлаштирилади.



Еттинчи боб

- Интернет ёрдамида кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш имкониятлари
- Электрон офис
- Интернет реклама ва маркетинг
- Электрон тўлов (SMS To'lov)
- Электрон тижорат
- Интернет дўкон
- Ёлонлар майдончаси
- Электрон биржа

Интернетнинг тадбиркорлар учун имкониятлари





Интернет билан ишлашни ўргандик. Унинг имкониятлари билан та-нишдик. Энди ушбу имкониятлардан тадбиркорликда фойдаланиш имкониятлари билан батафсил танишайлик.

Бу ерда фақатгина бошланғич маълумотларни ва тавсияларни келти-рамиз. Ушбу имкониятлар сизни қизиқтиради деган умиддамиз.

Интернет ёрдамида кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Интернет таълим тизимига ҳам жадаллик билан кириб борапти. Тараққиёт ривожланиши таълимни ривожлантиради ва таълим ривожланиши тараққиёт ривожланишига олиб келади. Бу узлуксиз жараёндир. Шунинг учун доимо ходимларнинг малакаси муҳим бўлиб келган. Бугун эса ходим малакаси янги билимларга узвий боғлиқ бўлиб қолди. Шундай қилиб, корхонага қуйидаги вазифалар қўйилади:

- Малакали ходимларни топиш
- Ходимлар малакасини мунтазам равишда оширишни таъминлаш

Малакали ходимларни топишда Интернетдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун иш ва мутахассислар омбори мавжуд корхоналардан фой-даланилади. Масалан, www.uzjobs.com, www.olam.uz ва www.resume.uz веб-саҳифаларида номзодлар маълумотномасини (резюме ёки CV) қайд этадилар ва корхоналар вакансияларни эълон қиладилар, яъни корхона вакансия ҳақидаги эълонларни ушбу саҳифаларда эълон қилиши мумкин. Натижада вакансияга номзодлар маълумотномала-ри тез кунда йиғилади.

Маълумотномаларни ўрганиб, мос номзодларни танлашин-гиз мумкин. Номзодга бўлган талабларни эълонда тўлиқ бериш мақсадга мувофиқ. Вакансия ҳақидаги эълонда талаблар тўлиқ берилган бўлса, шунчалик мос номзод топилиши тезлашади. Би-ринчидан, талабларга мос номзодларгина сизга мурожаат этади ва вақтингизни мос бўлмаган маълумотномаларни ўрганишга сарф этмайсиз. Бу имкониятдан фойдаланиш учун одатда ушбу веб-саҳифаларда корхона рўйхатдан ўтиши зарур.



Келинг, **www.olam.uz** веб-саҳифасида вакансияга эълон бериш тартиби билан танишайлик. Авваламбор, веб-саҳифани очиш зарур, натижада саҳифа очилади.

Создать почтовый ящик OLAM.UZ майдонида **Войти** тугмачасини босинг. Натижада қуйидаги дарча ҳосил бўлади.

Унда **Регистрация** тугмачасини босиш зарур. Натижада **Регистрация** майдони ҳосил бўлади.

Ушбу майдонда «*» билан белги-ланган майдонларни тўлдириш ва қуйида жойлашган **Зарегистрироваться** тугмачасини босинг. Натижада веб-саҳифадаги шахсий хонангизга кирасиз. Шахсий хонадаги маълумотларни ўзгартиришингиз ёки янгилаб боришингиз мумкин.

Хонага кириш учун **Мой кабинет** тугмачасини босиш зарур.

Кабинетдан чиқиш учун эса **Выйти** тугмачасини босиш зарур.

Веб-саҳифада қайд қилингандан сўнг вакансия ҳақидаги эълонни киритиш мумкин. Бунинг учун **Разместить вакансию** тугмачаси босилади. Натижада мос шакл экранда юзага келади. Ушбу шаклда мос майдонларни киритишингиз зарур. «*» билан белги-ланган майдонларни албатта киритиш зарур. Маълумотни тўлиқ бериш зарурлигини унутманг. Майдонларни тўлдиргандан сўнг **Сохранить** тугмачасини босинг. Натижада эълон **Новые Вакансии** бўлимида ҳосил бўлади.

Резюме майдонида номзодлар маълумотномалари билан ҳам танишиш мумкин. Бунинг учун **Резюме** тугмачасини босиш зарур. Натижада **Резюме** менюси ҳосил бўлади. Унда маълумотномаларни вақт, шаҳар, ёши каби кўрсаткичлар бўйича саралаш мумкин. Масалан, вақт бўйича саралаш мумкин. Вакансия ҳақидаги эълонларни ва маъ-

Вход в OLAM закрыть

Имя @olam.uz

Пароль [Забыли?](#)

☐ Чужой компьютер

[Регистрация](#)

Регистрация

Регистрация занимает не больше 5 минут, а пользу приносит годами.

Символы * — значки поля, обязательные для заполнения.

Владелец учетной записи

Имя для входа (логин) * @olam.uz

Имя *

Фамилия *

Пароль *

Повторить пароль *

Если Вы забудете пароль

Выберите вопрос * Детская фамилия матери

Ответ на вопрос *

Дополнительный e-mail

Дополнительная информация

Дата рождения * Январь

Пол * ☐ мужчина ☐ женщина

Место жительства Узбекистан



лумотларни корхона саҳифасида, ҳамроҳлар саҳифасида ва ахборот порталларида, форумларда бериш мумкин.

Масалан, **www.uforum.uz** форумининг **Трудоустройство** (<http://uforum.uz/forumdisplay.php?f=367>) бўлимидан фойдаланиш мумкин. Унда эълонни жойлаштириш мумкин.



Топшириқ:

www.uzjobs.com, www.olam.uz ва **www.resume.uz** веб-саҳифалари билан танишинг. Улардан бирида корхонангизни қайд қилинг. Улардан биридаги резюмеларни сараланг ва танишиб кўринг.

Ходимлар малакасини мунтазам равишда оширишни таъминлаш учун Интернетда кўп имкониятлар мавжуд. Қуйида ушбу имкониятлар билан танишиш мумкин. Анъанавий усулда малакани ошириш учун ходимларни ўқиш пайтида ишдан озод қилишга тўғри келади. Интернет ёрдамида эса малакани ишдан ажралмаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бу масофадан ўқитиш усули ёрдамида амалга оширилади.



Масофадан ўқитиш - бу Интернет тармоғи орқали сизга қулай бўлган вақтда ва жойда ўқишдир. Масофадан ўқитишнинг айнан шу афзалликлари ўқувчиларни ўзига жалб қилмоқда.

Масофадан ўқитишнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- Қулай вақтда ўқиш имконияти
- Қулай жойда ўқиш имконияти
- Дарсларда қатнашиш зарурати йўқ
- Ўқиш интерактив тарзда бўлиши
- Ўқувчи ва ўқитувчига юқори талаб қўйилиши
- Билимлар амалий ва сифатли бўлиши
- Интернет бўйича малакаларнинг ошиши
- Харажатларнинг камайиши: ўқув хона, кутубхона, ётоқхона ва ҳўжалик хизмати кабиларга харажат зарурати йўқ.



Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишдир. У ўқувчининг мустақил фикрлаш, таҳлилий фикрлаш, вазиятларни баҳолаш ва унинг ечимини тез аниқлаш ҳамда башорат қилиш каби қобилиятларини ривожлантиради.



Масофадан ўқитиш жараёни қуйидагича амалга оширилади:

- Ўқувчи масофадан ўқитишни ташкил қилувчи веб-саҳифада рўйхатдан ўтиши зарур.
- Ундаги курслар тавсифи билан танишиши ва улардан зарурларини танлаши керак.
- Танланган курс ёки курсларга ариза жўнатиши зарур.
- Ариза масофадан ўқитиш ташкилотчиси маъмурияти томонидан кўриб чиқилади ва хулосаси ҳамда ўқиш учун таклиф ўқувчига юборилади.
- Таклиф ўқувчи томонидан ўрганиб чиқилади ва ҳисоб бўйича пул тўланади.
- Ўқувчи курс билан ишлаш учун рухсат олади ва курсда ўқиш тартиблари, дарс жадвали билан танишади.
- Ўқитувчи йўлланмалар ва топшириқлар бериб боради. Ўқувчи курс материаллари билан ишлаб топшириқларни ба-жаради ва ўқитувчига юборади. Ўқитувчи топшириқни тек-шириб, ўқувчига жавоб қайтаради. Зарур ҳолда, кўрсатмалар беради.
- Ўқитувчи билан мулоқот асосан электрон почта, форум ва ви-деоконференция орқали амалга оширилади.
- Ўқиш жараёнида ўқувчи модуль, қўлланма, кўрсатма ва элек-трон кутубхона ва дарсликлардан фойдаланади. Одатда ўқув материаллар курс серверида жойлашган бўлади.
- Ўқиш индивидуал шаклда олиб борилади ва ўқитувчи ўқувчининг қобилияти, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини бошқаради.
- Ўқувчи курс топшириқларини муваффақиятли бажаргандан сўнг имтиҳон топширади.
- Имтиҳон натижалари асосида гувоҳнома почта орқали юбо-рилади.



Агар талаба баъзи бир узрли сабабларга асосан вақтида ўқишни биттира олмаса, унга индивидуал график асосида курсни битиришга имкон берилади.

Одатда, ишлаётган мутахассислар ёки талабалар малакасини оши-риш ёки янги мутахассисликни эгаллаш мақсадида масофадан ўқийдилар.



Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун ушбу услубдан фойдаланмоқда, айниқса, корхона филиаллари ходимлари малакасини оширишда жуда қулайдир. Бу ходимларни кундалик иш фаолиятидан узилмаган, ҳаттоки сафарларни давом эттирган ҳолда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имкониятини беради, яъни ходимларнинг малака ошириши корхона фаолиятига фақатгина ижобий таъсир кўрсатади.

Баъзи корхоналар ўз масофавий курсларига эга. Масофадан ўқитиш фақатгина дастлабки қадамда асосий молиявий харажатлар талаб этади. Тайёр курсни ривожлантириш учун кўп харажат талаб этилмайди. Шунинг учун корхона имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ходимлар малакасини ошириш сиёсатини ва режаларини тузиш тавсия этилади.

Интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ходимлар малакасини ошириш муҳимдир. Масалан, корхона электрон кутубхонасини яратиш фойдалидир. Чунки унда барча зарур ҳужжат ва материалларни жойлаштириш мумкин. Ушбу кутубхона материалларидан мижозлар ва ҳамкорлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлади.

Мунтазам равишда, ходимлар учун он-лайн учрашувлар ташкил этиш мумкин. Уларга бошқа электрон кутубхоналардан, форумлардан фойдаланиши учун шароит яратиш муҳимдир.



Ўз устида ишлаётган ва малакасини Интернет орқали ошираётган ходимларни рағбатлантиришни унутманг.

Ҳозирги кунда республикамизда баъзи корхоналар масофадан ўқитишдан фойдаланмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида масофадан ўқитишни татбиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Масофадан ўқитиш услуги ва курслари ҳақида батафсил **www.dl.uz** саҳифада танишиш мумкин.

Баъзи таълим муассасалари ва марказлар масофадан ўқитишни таъминламоқда. Масалан, **<http://e.tuit.uz>** ва **www.softline.uz** веб-саҳифалардаги курслар билан танишиш мумкин. Шундай қилиб, Интернетда мутахассислар малакасини ошириш имкониятлари билан танишдингиз.

**Топшириқ:**

http://e.tuit.uz/ ва ***www.softline.uz*** веб-саҳифалари билан танишинг. Уларда мавжуд бўлган курслар тавсифи билан танишинг. Корхона ходимлари малакасини ошириш режасини тузинг.

Электрон офис

Электрон офис иш жараёнини такомиллаштиради. Хужжатлар тайёрланиши тезлашади ва тайёрланиш сифати ошади. Чунки бир хужжат устида бир-неча ходим ишлаш имкони яратилади. Ҳар бир ходим ўз фикр ва мулоҳазаларини хужжатда акс эттиради. Бу эса ходимлар масъулиятини оширади.



Электрон офис – бу корхонанинг фаолиятини ягона ахборот тармоғи доирасида олиб бориш имкониятидир. Бу корхона хужжатлари, лойиҳалари ва режаларини биргаликда, корхона ахборот тармоғи доирасида муҳокама қилиш, тайёрлаш ва улар билан ишлаш имкониятини яратади. Бунда ходимлар орасидаги масофанинг узоқлиги аҳамиятга эга эмас, яъни бир офисда жойлашган корхона учун ҳам бир-неча офисларда жойлашган корхоналар учун ҳам электрон офисдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Электрон офис корхона фаолиятида қуйидаги қулайликларни яратади:

- Идоралараро электрон хужжат айланиши тизими яратилади.
- Топшириқларни бошқариш тизими яратилади.
- Мижозларга хизмат кўрсатиш бошқарилади.
- Ҳисоботлар тайёрланиши бошқарилади.
- Тўловларни амалга ошириш бошқарилади.
- Лойиҳаларни режалаштириш, яратиш, бошқариш ва амалга ошириш бошқарилади.
- Корхона марказлаштирилган электрон маълумотлар омбори яратилади.
- Корхона ходимлари корхона янгиликларидан ва жараёнларидан офисда, уйда ва сафарда хабардор бўлиш имконига эга бўладилар.
- Корхона ходимлари корхона анжуманлари, мунозара ва музокара-ларида қатнаша оладилар.



- Корхона ишчиларининг бир жойда ишлаши зарурати йўқолади.
- Бир неча корхона офисларида ҳужжат устида биргаликда ишлаш имконияти яратилади.
- Корхонада ҳужжат айланиши жараёнини автоматлаштирилиши таъминлайди.
- Ахборот хавфсизлиги воситалари ёрдамида корхонада маълумотлар ҳимоясини таъминлаш мумкин.



Электрон офис-афзалликларга эгадир. Бунда иш вақти тежалади, сарф харажатлар қиймати камаяди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.

Кўпгина йирик корхоналар офислари дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган бўлади. Ушбу корхоналар ходимлари марказий офисдан узоқда жойлашганига қарамай, корхона электрон офиси ёрдамида корхона иш фаолиятида фаол қатнаша оладилар. Бунинг учун улар электрон офисга Интернет орқали қирадилар ва корхона ҳужжатлари ва лойиҳалари билан ишлаш имкониятига эга бўладилар. Корхона раҳбарлари ходимлар ҳисоботларини йиғиш, ходимлар ишини кузатиш ва уларга зарур ҳолда фикр ҳамда тавсиялар билан ёрдам бериш имконига эга бўладилар. Бу албатта иш самарадорлигини оширади ва корхона даромадида акс этади. Масалан, **Жаҳон Банки**, **Cisco** ва **Microsoft** корхоналари шу усулда ишлайди.

Кичик корхоналар учун ушбу усулдан фойдаланган афзалдир. Чунки кичик офисда ҳужжатлар устида муҳокамани ва мулоқотни электрон офис орқали олиб борган маъқул. Ушбу имконият бошқа ходимларнинг ишига халақит бермайди. Ҳаттоки, мижозлар билан мулоқот ҳам электрон офис орқали амалга оширилади ва бу ҳам бошқа ходимлар эътиборини тортмайди.

Ҳозирги кунда республикамызда идораларда электрон ҳужжат айланиши тизимларини киритиш ва ушбу тизимларнинг идоралараро ўзаро ишлашини таъминлашга эътибор каттадир. Бу борада «Ўзбекистон Республикаси электрон ҳужжат айланишининг идоралараро тизимини яратиш концепцияси» яратилган ва тасдиқланган.

Ушбу концепция Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ



ишлаб чиқилган. Бу концепцияни амалга ошириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу давлат корхоналари учун ўзаро хужжатлар алмашувини қулайлаштиради.

Корхонада электрон офисни татбиқ этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- Корхона электрон ахборот алмашуви тизимини яратиш
- Хужжат айланишини таъминлаш учун хужжатлар стандартини ва улар устида ишлаш тартибларини яратиш зарур. Бу тартиблар хужжатларни тахрирлаш ва тахрирлашни қабул қилиш тартибларини бошқаришни ўз ичига олиши зарур.
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартибларини яратиш ва уни ходимларга етказиш зарур.
- Электрон хужжатлар омборида ходимлар ва мижозлар фойдаланиши мумкин бўлган бўлимларни очиш тавсия этилади.
- Топшириқларнинг бажарилиши ва назорати тартибини яратиш муҳим.
- Ҳисоботларнинг тайёрланиш ва шакллантириш умумий тартибларини яратиш зарур.
- Келаётган хужжатларни электрон шаклини яратиш ва уни электрон хужжатлар омборига жойлаштириш тартибини яратинг.
- Мижозлар ва ҳамкорлар билан ишлаш мулоқот тартибларини яратинг.
- Ходимларни электрон офисдан фойдаланиш тартиблари билан таништиринг. Зарур бўлса, семинарлар ташкил этинг.

Ушбу тизимни яратиш учун мутахассислар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки ишончли тизимни яратиш учун мутахассислар хизмати зарурдир. Ушбу тизим ишлашини таъминлаш учун масъул ходимни тайинлаш зарур. Ушбу ходим тизим ишини бошқаради. Агар корхона бир неча филиалларга эга бўлса, ушбу филиалларни электрон офисга боғланг ва филиал ходимларини ундан фойдаланиш тартиблари билан таништиринг.

Баъзилар Интернет имкониятларидан фойдаланишга кўникиши қийин бўлади. Улар анъанавий мулоқотни Интернет орқали мулоқотдан устун қўядилар. Телефон орқали маълумотларнинг берилишига эътибор берган бўлсангиз керак. Ахборотни бундай усулда етказилиши натижасида ахборот тўғри ва тўла юборилмайди. Шунинг учун электрон офис имкониятларидан унумли



фойдаланаётган ходимларни рағбатлантириш ва дастлаб фойдаланаётган ходимларга ёрдам бериш зарур.



Электрон офис афзалликлари дарҳол кўринади. Корхона раҳбари барча бўлимлар ишини бошқариш имконияти ва ходимлар эса маслаҳатчиларга, яъни ёрдамчиларга эга бўлади. Бу эса корхона иши самарадорлигини сезиларли оширади.



Топшириқ:

Корхонангизда электрон офис яратиш имкониятларини ўрганиб ва уни татбиқ этиш учун режа ишлаб чиқинг.

Интернет реклама ва маркетинг



Электрон офис яратгандан сўнг реклама ва маркетинг олиб бориш ҳам қулайлашади. Интернет реклама ва маркетинг учун имкониятлари билан юқорида танишган эдик.

Келинг, уларни эслатиб ўтайлик:

- Интернет энг унумли оммавий ахборот воситасидир. Унинг фойдаланувчилари сони дунёда 2 миллиарддан ортиқ, Ўзбекистонда 8 миллионга етди. Интернет тармоғида маълумотлар саҳифадан саҳифага ўтиши тез амалга ошади.
- Корхона ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ва катта ҳажмда ёритиш имконияти.
- Корхона ҳақидаги маълумотларни доимий равишда янгилаб туриш мумкин, яъни мижозлар доимо охирги маълумотлардан фойдаланади.
- Корхона ҳақидаги маълумотлар 24 соат давомида ҳар куни фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилади, яъни корхона ҳақидаги маълумотларни дунёнинг ихтиёрий нуқтасида ва ихтиёрий вақтда олиш имкониятини яратади.
- Корхона ҳақидаги маълумотларни замонавий усулларда ёритиш имконияти. Бу саҳифа дизайнини яратиш орқали амалга оширилади.



- Корхона фаолияти, махсулотлари ва хизматларига қизиқиш уйғотган мижозлар сонини билиш мумкин. Бу махсус ҳисоблагич ёрдамида аниқланади.
- Корхона мижозлари географиясини аниқлаш мумкин. Махсус ҳисоблагич ёрдамида қайси давлат фойдаланувчилари веб-саҳифага ташриф қилганини кўриш мумкин. Ушбу маълумотни таҳлил қилиш натижасида қайси давлат мижозлари қизиқиш уйғотганини аниқлаш мумкин. Бу бизнес доирасини кенгайтириш учун муҳимдир.
- Ҳамкор ва мижозлар билан тезкор боғланиш имконияти. Интернет орқали ихтиёрий жойдан ва ихтиёрий пайтда талаблар, таклифлар ва фикр-мулоҳазалар юборилиши мумкин. Хат бир зумда корхона почта қутисига тушади. Сиз ҳам жавобни тезда жўнатишингиз мумкин. Одатда жавоб шакллари аввалдан тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу шакллар ёрдамида мижозларга жавобларни тезда тайёрлаш ва жўнатиш мумкин, яъни мижозлар билан ишлаш вақти ҳам сезиларли қисқаради. Мижозларга 2 кун давомида жавоб ёзиш зарурлигига эътибор беринг. 2 кундан сўнг унинг қизиқиши сўнади. Интернетнинг барча фойдаланувчилари сизнинг мижозингиз бўлиши мумкин.
- Интернет бу халқаро бозорга ва инвестициялар бозорига чиқишнинг энг тезкор ва арзон йўлидир.
- Интернет ёрдамида маркетинг тадбирларини тезда ва арзон ўтказиш мумкин. Бунда сўровларга мижозлар кенг доирасини жалб этиш мумкин.
- Интернет ёрдамида турли танлов ва фестивалларда иштирокчи ва ташкилотчи сифатида иштирок этиш мумкин. Танловлар ўтказишда мижозлар ёшени ва тоифаларини ҳисобга олиш имконияти мавжуд.

Хўш, бу имкониятларни қандай амалга ошириш мумкин. Энди ушбу имкониятларни амалга ошириш тартибларини келтирамыз.

- **Интернетдаги реклама ва маркетингнинг** барча турларидан фойдаланиш. Бу қуйидагилардан иборат:
 - Веб-саҳифалар
 - Баннерли рекламалар
 - Конференциялар, учрашувлар
 - Электрон манзил ёрдамида ахборотномалар жўнатилишини ташкил этиш



- **Веб-саҳифа** – бу корхонанинг виртуал офисидир. Виртуал офисни яратишда қуйида келтирилган тавсияларга жиддий эътибор беринг.
 - Офис дизайни мижозлар эътиборини жалб қилганидек, виртуал офис дизайни ҳам муҳимдир. Шунинг учун веб-саҳифа дизайнини яратишга эътибор беринг.
 - Веб-саҳифа номини танлашда уни корхона фаолиятини акс эттириши ва эслаб қолишга осон бўлишига эътибор беринг. Масалан, **www.bfu.uz**
 - Веб-саҳифа фойдаланувчи компьютерида тез очилиши зарур. Агар корхона бош саҳифаси 30 секунддан кўпроқ вақтда очилса, фойдаланувчининг унга бўлган қизиқиши сўнади. Катта расмлар ҳажми 20 Кб ва кичик расмлар ҳажми эса 4-5 Кб бўлиши мақсадга мувофиқ. Анимациялар кўп бўлмагани ёки умуман бўлмагани маъқул.
 - Веб-саҳифа мазмуни таркиби журнал каби бўлиши зарур, яъни ундаги саҳифаларга ўтиш тартибли бўлиши керак. Веб-саҳифа мижози мақсадлари ва корхона таклифлари дарров қўзга ташланиши зарур. Мижоз уни қидиришга вақт сарф қилмайди. Саҳифа бўлимлари топишга қулай бўлиши зарур.
 - Веб-саҳифада матн шрифти ранги ва катталиги ўқишга қулай бўлиши зарур. Оддий ранглардан фойдаланган маъқул. Веб-саҳифа мазмуни билан эътиборни жалб қилгани мақсадга мувофиқдир. Чунки китоб мазмуни билан қизиқарли бўлгани каби, веб-саҳифа ҳам айнан мазмуни билан фойдаланувчиларга қизиқарли бўлади. Доимо веб-саҳифага янги маълумотларни жойлаштириб мижозлар эътиборини тортинг.
 - Веб-саҳифадаги расмда корхона фаолиятини ифодалангани маъқул. Масалан, муҳоама, иш жараёни ёки байрам тантанасида олинган расмлар фойдалидир.
 - Веб-саҳифада овоз бериш, саволномалар ёрдамида маркетинг тадбирларни амалга ошириш мумкин. Масалан, янги маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш мумкин. Ёки хизмат кўрсатиш сифатини аниқлаш мумкин.
 - Веб-саҳифада RSS (Really Simple Syndication) хизматини ташкил этиш мумкин. Ушбу хизмат ихтиёрий веб-саҳифадан автомат тарзда RSS саҳифадаги ўзгаришлар ҳақида маълумотларни олиш имконидир.

Веб-саҳифадан RSS олиш учун унинг қайси бўлимлари маълумотлари сизни қизиқтиришини кўрсатишингиз зарур.



- **Баннер** – одатдаги баннер ва зифасини бажаради. У одатда кичкина расм ёки плакат бўлиши мумкин. Баннерни чертиш натижасида баннер реклама қилувчи



саҳифага ўтилади. Масалан, корхона янги маҳсулотлари баннерини веб-саҳифасида жойлаштириши мумкин. Баннерни чертиш натижасида экранда янги маҳсулот тафсифланган саҳифа очилади. Корхона веб-саҳифаси баннерини турли веб-саҳифаларда реклама учун жойлаштириш мумкин. Масалан, ҳамкорлар саҳифаларида, информацион порталларда, каталогларда ва оммабоп саҳифаларда жойлаш мумкин. Баннер таклифни тасвирлагани мақсадга мувофиқ, шунда у мижозларни ўзига жалб этади. Битта саҳифага 2 тадан ортиқ баннерни жойлаштирманг. Корхонага тегишли бўлмаган баннерни корхона веб-саҳифаси юқорисида жойлаштирманг. Акс ҳолда, саҳифангиз мижозлари баннер орқали бошқа саҳифага ўтиб кетади. Одатда ҳамкорлар баннерлари билан алмашади.

- **Конференциялар, учрашувлар** ёрдамида реклама ва маркетинг тадбирларини доимо олиб бориш мумкин. Масалан, корхона янги маҳсулотлари тақдимоти конференциясини ўтказиш мумкин. Буни форум ёрдамида ўтказиш мумкин. Конференция ва учрашувларни муваффақиятли ўтказиш учун уларни ташкил этиш бўйича тавсияларни эсланг. Улар 5-бобда келтирилган. Ушбу тадбирларни бошқаринг, акс ҳолда, кўзланган мақсадга эриша олмайсиз. Одатда конференция қатнашчилари мавзуга оид бўлмаган саволлар билан қатнашчиларни чалғитади ёки қатнашчилар ўртасида низо келтириш учун хабарлар ёзиши мумкин. Бу троллинг деб аталади.

Конференция ва учрашувлар мавзуси, санаси ҳақидаги маълумотларни аввалдан тарқатган маъқул. Мижозларни ушбу тадбирлар ҳақида веб-саҳифа янгиликлари, баннерлар ва ах-



боротномалар ёрдамида огоҳлантириш мумкин. Агар тадбирлар реал вақтда ўтказилса, маълумотномада тадбир мавзуси, мақсади, ўтказилиш манзили, санаси ва вақти кўрсатилади. Вақт кўрсатилмаса, тадбирда ихтиёрий вақтда қатнашиш мумкин бўлади.

Форумни корхона веб-саҳифасида ўрнатиш ёки форумларда корхона бўлимини очиш мумкин. Масалан, **www.bfu.uz** форумида корхона форумини очиш мумкин. Унда мунтазам равишда, мижозлар ва ҳамкорлар билан конференция, учрашув, саволномалар, виртуал қабулхона яратиш мумкин.

- **Электрон манзил** ёрдамида корхона ахборотномалари жўнатилишини ташкил этиш мумкин. Масалан, мунтазам равишда, корхона янги маҳсулотлари ва хизматлари, янги лойиҳалари, натижалари ва фойдали тавсиялар яратиш ва манзилларга юбориш мумкин. Одатда ушбу ахборотномани олиш учун мижозлар рўйхатдан ўтиши зарур. Бу Сизга мижозлар омиборини яратишга ёрдам беради. Ахборотномадаги янги билим ва қизиқарли маълумотлар унинг мижозлари сонини кескин оширади. Ушбу тизимни веб-саҳифада ўрнатиш зарур. Шу билан бирга, корхона янгиликларини ҳамкорлар ёки оммабоп веб-саҳифалар ахборотномаларида тарқалишини ташкил қилиш мумкин. Баъзи корхоналар ахборотномаларни тарқатишда ҳамкорлик қилишади. Ахборотномаларда маълумотлар тушунарли, қисқа ва расмлар ёрдамида тавсифланади. Ахборотномалар мижозлари одатда қизиқарли маълумотларни ҳамкасблари ва дўстларига юборадилар. Бу эса корхона маҳсулотлари ва хизматларига янги мижозларни жалб этади. Ахборотномалар ёрдамида сўровномалар ва тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Шундай қилиб Интернет ёрдамида рекламани йўлга қўйиш ва маркетинг тадбирларини ташкил этиш тартиблари билан танишдик. Ушбу тавсияларни корхонада амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқинг.



Топшириқ:

Корхонанинг Интернет ёрдамида реклама ва маркетинг тадбирлари ўтказиш бўйича режасини ишлаб чиқинг. **www.chamber.uz** ва **www.bfu.uz** саҳифаларида реклама ва маркетинг тадбирларига мисолларни топинг ва уларнинг турларини аниқланг.



Электрон тўлов (SMS To'lov)

Электрон тўловлар – бу Интернет орқали тўловларни масофадан амалга ошириш имкониятидир. Яъни фойдаланувчи банк билан мулоқотни ва пул муомалаларини Интернет орқали амалга оширади. Масалан, Интернет дўконда сотиб олинган маҳсулот пулини Интернет орқали тўлайди. Ёки корхона маҳсулотларни сотиб олиш учун ёки хизматлардан фойдаланиш учун тўловни Интернет орқали бажаради.



Электрон тўловни Интернет ҳамён деб атасак бўлади. Интернет ҳамёндаги виртуал пул миқдорини Интернет орқали билиш ҳам мумкин. Электрон тўлов электрон тижоратнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Банк билан мулоқот банк веб-саҳифаси орқали амалга оширилади. Мулоқотни ва тўловларни амалга ошириш учун банк веб-саҳифасида махсус механизм (дастур) бўлиши зарур. Одатда ушбу хизматдан фойдаланиш учун рухсатни банк офисида олиш мумкин. Ҳисоб билан дунёнинг ихтиёрий нуктасидан фойдаланиш ва тўловларни амалга ошириш мумкин, яна бир афзаллиги тўлов бир зумда амалга оширилади.

Банк веб-саҳифасида ишлаш тартиблари одатдаги веб-саҳифалар ишлаш тартиби каби амалга оширилади. Бунда фойдаланувчи шахсий хонаси орқали тўловларни амалга ошириши ёки ҳисобидаги тўловлар билан танишиши мумкин.

Электрон тўловлар қуйидаги турлари мавжуд:

- **Банк тўлови** фойдаланувчига банкнинг он-лайн хизмати ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконини беради.
- **Кредит карточка** шахсий тўлов воситасидир. Унинг ёрдамида мижоз товар ва хизматларни нақд пулсиз усулда тўлаши мумкин.
- **Электрон пул** — Электрон чўнтакдаги пуллар ёрдамида тўлов амалга оширилади.
- **СМС тўлов** — дўкон ўз электрон тизимига буюртмани ва сўровни мижозга юборади.

Интернетда электрон тўловлар хавфсизлигини таъминлаш муҳим масаладир. Ушбу вазифа билан барча банклар шугулланади. Ин-



тернетда электрон савдо ривожланиши электрон тўлов имкониятларини кенгайтгирмоқда. Натижада харидорлар бевосита уйдан ёки офисдан туриб, маҳсулотларни сотиб олиш имконига эга бўлмоқда.



«SMS-To'lov» тизими Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан яратилган. Ушбу тизим мобил телефон ёрдамида смс юбориш орқали тўловни амалга оширишга имкон беради. Ушбу хизмат ёрдамида

қуйидаги тўловларни амалга ошириш мумкин:

- Коммунал хизматлар учун тўлов
- Интернет хизмати тўловлари
- Мобил телефон тўловлари
- Савдо-саноат палатаси хизматлари тўловлари

Электрон тижорат

Электрон тижорат — бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олиш имкониятидир. Электрон тижоратни е-тадбиркорлик деб ҳам атайдилар. Интернетда бугун озиқ-овқат, дори-дармондан тортиб, турли техник воситалар ва технологияларни сотиб олиш ва сотиш, яъни корхона офисидан чиқмасдан туриб, савдо-сотиқни амалга ошириш мумкин.

Бу технология жадал тарзда ривожланмоқда. Бу савдо-сотиқ муомаласидан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдаланмоқда. Баъзи корхоналар эса савдо-сотиқни тўлиқ Интернетда амалга оширмоқдалар. Ушбу технологиядан фойдаланувчи соҳалар доираси турли-тумандир. Электрон тижорат келиб чиқишига, ўтган аср 80-йилда Интернет давлат бюджетининг каттагина қисмидан



махрум бўлганлиги ва ўзини-ўзи таъминлаши зарурати сабабчи бўлди. Шунинг учун Интернетдан ва унинг ресурсларидан тижорат мақсадида фойдаланишга ўтилди. Бунда даромадлар Интернет хизмати ва реклама ҳамда Интернет билан таъминлаш ҳисобига олина бошланди.

Электрон тижоратнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- **B2B (Business to business)** – Юридик шахслар орасидаги савдо-сотиқ муомаласи бўлиб, унда корхона бошқа корхона билан савдо-сотиқни амалга оширади. Бу электрон тижоратнинг энг перспектив йўналишларидан биридир. Бу Интернетдаги махсус савдо майдонида амалга оширилади. Одатда, корхона ушбу майдонни ташкил этади. Майдонда савдо-сотиқ жараёни тезда амалга оширилади. Масалан, корхона офис учун мебелни Интернет орқали сотилиши билан шуғуллансин. Бошқа корхона офис учун мебель сотиб олмоқчи бўлсин. Буюртмачи корхона таклиф ва нархларни ўрганиб чиқиб, сотувчи корхонага буюртма беради. Буюртма сотувчи корхонанинг савдо майдонидаги таклифлари ёрдамида тузилади. Сотиб олувчи корхона буюртмани яратгандан сўнг ҳисоб асосида буюртмага пул ўтказилади. Сотувчи корхона буюртмани тайёрлайди ва буюртмачи кўрсатган манзилга етказилади. Буюртмачи буюртма бажарилишини Интернет орқали кузатиши ва назорат қилиши мумкин. Одатда, ушбу савдо муомаласи улгуржи муомалалар учун фойдаланилади. Бу усулда вақт ва маблағ тежалади. Чунки хизмат сафари зарурати йўқолади, телефон ва факсга зарурат бўлмайди, ходим вақти тежалади. Энг асосийси, савдо-сотиқ муомаласи тезда амалга оширилади.
- **B2C (Business to Customers)** – Юридик шахс ва жисмоний шахс ўртасидаги савдо-сотиқ муомаласи. Ушбу савдо муомаласи чакана савдони амалга оширишда фойдаланилади. Масалан, китоблар, кийим-кечак, техник воситалар, дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мумкин. Мижоз савдо шахобчасига бормасдан туриб, зарур маҳсулотни сотиб олиши мумкин. Бунда буюртма нархи тўлови савдо майдонида амалга оширилади. Бунинг учун мижоз махсус шаклда кредит карточка рақамини киритади. Шундан сўнг сотувчи кредит карточкани текшириб, муомалани амалга оширади. Ушбу технология асосида Интернет савдо шахобчалари ишлайди. Улар билан қуйида танишамиз.



- **C2C (Customers to Customers)** – Жисмоний шахслар ўртасидаги савдо-сотиқ муомаласи. Бу чакана савдо муомаласидир. Ушбу усулда турли маҳсулотларни ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш мумкин. Масалан, китоб, кийим-кечак маҳсулотларини, техник хизматларни, таъмирлаш хизматларини, техник воситаларни сотиш ёки сотиб олиш мумкин. Бунга эълонлар тахтаси мисол бўла олади. Одатда ушбу савдо муомаласи нархлар арзонлиги билан миқдорларни ўзига жалб этади. Айниқса, дўстингизга совға юборишда бу хизмат қўл келади. Совғани электрон дўкондан бемалол танлаб, уни махсус қоғоз ёки қутига жиҳозлашни ва манзилга кўрсатилган санада етказишни буюртма қилишингиз мумкин.



Демак, электрон тижорат қуйидаги афзалликларга эга:

- Маҳсулотлар турли-туманлиги.
- Мос турдаги ва нархдаги маҳсулотни тез топиш имконияти.
- Маҳсулот батафсил тавсифи мавжудлиги (ҳозирги кунда маҳсулот тавсифи билан танишиш билан бирга, унинг ташқи кўринишини кўриш имконияти мавжуд).
- Дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан савдо-сотиқ муомаласини амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги.
- Савдо-сотиқ муомаласининг тезкорлиги.
- Қоғоз тежалиши.
- Маҳсулотни топиш учун вақтнинг тежалиши (маҳсулотни топиш учун дўконма-дўкон юриш, дўконга бориш ва уни қидириш зарурати йўқлиги).
- Буюртмани дунёнинг ихтиёрий нуқтасига етказиш мумкинлиги.

Республикамызда электрон тижорат имкониятларидан фойдаланилмоқда. Ушбу савдо-сотиқ муомалаларини амалга ошириш ва ушбу хизматни амалга оширувчи корхоналар мавжуддир. Бу эса ушбу усулларни юридик ва жисмоний шахслар доирасида кенг тарқалишининг омилidir.



Топириқ:

Электрон тижорат билан шуғулланувчи корхоналар веб-саҳифаларини топинг ва уларнинг таклифлари билан танишинг. Корхона электрон тижорат асосида савдо-сотиқни амалга ошириш имкониятларини ўрганг.



Интернет дўкон



Интернет-дўкон - инглиз тилидан «online shop» ёки «e-shop» бўлиб, Интернетдаги дўконни англатади. Интернет дўкон бу Интернетда маҳсулотлар савдосини амалга оширувчи веб-саҳифадир. Фойдаланувчилар Интернет дўкон маҳсулотлари билан танишиб, буюртма бериши ва сотиб олиши мумкин бўлади. Сотиб олинган маҳсулотлар буюртмачи кўрсатган манзилга етказилади.

Одатда етказишга бир неча соат ёки бир-неча кун кетади. Озиқ-овқат моллари одатда бир-неча соат давомида етказилади. Бошқа моллар эса бир-неча кун давомида етказилади. Агар Интернет дўкон бошқа мамлакатда жойлашган бўлса, етказишга кўпроқ вақт талаб этилади. Тез етказиш имкониятлари ҳам мавжуд, лекин бу ҳолда етказиш нархи баланд бўлади.

Одатда Интернет дўконлар мамлакат доирасида молларни бепул етказишади. Дўконга бориш, уни қидириш, дўконма-дўкон юриш зарурати йўқолиши, вақт ва асабнинг тежалиши, маҳсулотни кўрсатилган манзилга етказилиши ушбу технологияни оммавийлаштирмоқда. Бу усул ёрдамида дори-дармондан тортиб, санаторийларга чипта сотиб олиш мумкиндир. Сотувчи корхона буюртмалари асосида маҳсулотларга бўлган талабларни ўрганиш имконига ҳам эга бўлади.



Интернет дўкондаги нархлар одатдаги дўкондагидан арзонроқ бўлади. Чунки одатдаги дўконни бошқариш учун жой, омбор, ишчилар, сотувчилар, маъмурий ходимлар, техника, коммуникациялар кабилар зарур бўлади. Бу анчагина харажат талаб этади. Интернет дўкон учун улардан баъзилари зарур бўлади. Масалан, омборхона, коммуникациялар, маъмурий ходимлар кабилардир.

Интернет дўконда савдо-сотиқ муомаласи қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:


- Интернет дўкон молларини ўрганиш
- Буюртмани яратиш



- Буюртмани расмийлаштириш
- Тўловни амалга ошириш
- Буюртманинг етказилиши

Қуйида ушбу жараёнлар тавсифини келтирамиз.

- **Интернет дўкон молларини ўрганиш** – Авваламбор, Интернет дўкон саҳифасига кириш зарур. Унда одатда моллар каталоги берилади. Дўконда моллар расми, тавсифлари, ўлчамлари келтирилади. Интернет дўкон мижоз талаблари ва хоҳишларини ҳисобга олади. Масалан, мижоз молнинг рангини ёки шаклини танлаш имкониятига эга бўлади.




Мижоз танлаган молларни виртуал саватчага ташлайди. Виртуал саватчада мижоз танлаган моллар рўйхати ҳосил бўлади. Агар бирор молни сотиб олиш истаги йўқолган бўлса, уни саватчадан олиш мумкин.

Ёки саватчага молларни қўшиш мумкин. Молларни танлашда уларнинг ўлчамига эътибор беринг. Баъзи моллар расмда катта кўринади, аслида эса ўлчамлари кичик бўлади. Шунинг учун молнинг ўлчамларини текширинг. Шундай қилиб, мижоз фақатгина дўкон расталарида айланиб, зарур молларни танлаши ва саватчага ташлаши етарли.

- **Буюртмани яратиш** – Мижоз виртуал саватчада маҳсулотларни йиғиб, дўкон учун буюртма яратади. Рўйхатда молларнинг коди, номи, нархи, сони ва жами нархи кўрсатилади. Буюртмани текшириш ва зарур ҳолда ўзгартиришлар киритиш мумкин.
- **Буюртмани расмийлаштириш** – буюртма тайёрландан кейин **Заказать** ёки **Купить** тугмачалари ёрдамида буюртма расмийлаштирилади. Натижада кейинги босқичда тўлов амалга оширилади.



Б у ю р т м а -
ни телефон,
электрон ман-
зил ёрдами-
да ҳам амал-
га ошириш
мумкин. Бу
маълумотлар
одатда дўкон
саҳифасида
беради.



- **Тўловни амалга ошириш** – буюртма учун тўлов усули сўралади. Куйидаги тўлов ти-зимларидан бирини танлаш зарур:

- Кредит карточка
- Банк тўлови
- Электрон пул
- СМС тўлов
- Нақд пул – Буюртма нархи буюртма етказилганда нақд пул ёрдамида тўланади.

Тўлов амалга оширилгандан сўнг буюртма қабул қилинади ва расмийлаштирилади.

- **Буюртманинг етказилиши** – Дўкон мижоздан буюртмани қаерга, қачон ва қайси вақтда жўнатилишини сўрайди. Мижоз манзил, сана ва вақтни кўрсатиши зарур. Баъзи дўконлар алоқа учун телефонни сўраши мумкин. Буюртма жавоблар асосида мижозга курьер ёки почта орқали етказилади. Дўкон ўз курьер хизматига эга ёки курьер хизмати кўрсатувчи корхона хизматидан фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, корхона учун зарур молларни Интернет дўкондан сотиб олиш мумкин. Бу корхона учун қулайликлар яратади, яъни молни сотиб олиш учун дўконни топиш, у ерга бориш ва олиб келиш зарурати бўлмайди. Интернет дўкон хизматларидан мунтазам равишда фойдаланилса, Интернет дўкон корхона учун имтиёзлар бериши мумкин. Шунинг учун Интернет дўконнинг ушбу афзалликлари унинг фойдаланувчилари доирасини кенгайтира-

On-line консультант

☎ : 319-001-461

@ : yarmarkauz@mail.ru

☎ : yarmarkauz

☎ : @yarmarkauz



ди. Интернет дўконни яратиш учун мутахассислар хизматидан фойдаланиш зарур. Чунки Интернет дўкон веб-саҳифасида савдо-сотикни амалга ошириш механизмини ишга тушириш зарур бўлади. Бу механизм маҳсулотларни Интернет дўконга қўйиш ва олиш, уларнинг қидирувини, тўловни амалга ошириш, омборхона ишини автоматлаштириш, буюртмаларни яратиш ва бошқариш каби вазифаларни амалга ошириши зарур. Шу билан бирга, молиявий ва солиқ ҳисоботларни тайёрлаш ҳам зарурлигини унутмаслик керак. Интернет дўкон албатта қайд қилиниши зарур.



Ҳозирги кунда ахборотни сотувчи дўконлар ҳам мавжуд. Уларнинг асосий маҳсулоти ахборот ҳисобланади. Масалан, иш биржаси, жамоа тармоқлари, танишиш веб-саҳифаларидир. Одатда, ушбу саҳифалардан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш зарур. Ушбу имконият бепул бўлади. Лекин веб-саҳифаларнинг бошқа имкониятларидан фойдаланиш бепул бўлмайди. Шу билан бирга, ушбу тармоқлар фойдаланувчилар омборига эга бўлади. Ушбу маълумотлар тадбиркорлар учун фойдалидир.



Интернет дўкон оммавий бўлганлиги учун унда реклама бериш фойдали. Шунинг учун Интернет дўконлар реклама хизматларидан ҳам фойда олиши мумкин.

Мисол тариқасида, Интернетдан маҳаллий ва халқаро Интернет дўконларини мустақил равишда топинг. Корхонага зарур бўлган маҳсулотлар сотувчи Интернет дўкон маҳсулотларини ўрганинг.



Топишириқ:

www.yarmarka.uz веб-саҳифани очинг. Унда сизга қизиқарли бўлган маҳсулотлар тавсифи билан танишинг. Бирор маҳсулотни буюриш тартиби билан танишиб кўринг. Он-лайн консультант орқали буюртма қилиш тартиблари билан танишинг.

Эълонлар майдони



Эълонлар майдони – бу эълонлар жойланган майдондир. Уни эълонлар электрон тахтаси ҳам деб атайдилар.



Дастлаб янгиликлар ва эълонларни чоп этиш вазифасини **BBS** бажарар эди. У айнан шу мақсадда яратилган. **BBS** (инглиз тилидаги **Bulletin Board System** сўзининг бош ҳарфларининг қисқартмаси бўлиб, у эълонларнинг электрон тахтаси деб таржима қилинади. BBS хизматларини бепул ва пуллик кўрсатувчи корхоналар мавжуд.

Интернет тараққиёти натижасида ушбу вазифани бепул бажарувчи турли саҳифалар яратилди. Уларда юридик ва жисмоний шахслар янгилик ва эълонларни эълон қилади. Эълонлар турли мавзуда бўлиши мумкин. Масалан, корхона маҳсулот ва хизматларини реклама қилиши ёки жисмоний шахслар шахсий молларни ёки хизматларни таклиф этиши мумкин. Бу қуйидаги эълонларни ўз ичига олиши мумкин: тренинглар, компьютер техникасини сотиб олиш, компьютер техникасига техник хизмат кўрсатиш, ишлатилган компьютерни сотиш, таржимонлик хизматлари кабилардир.

Баъзи журнал ва газеталар ҳам веб-саҳифаларга эга. Улар ҳам эълонлар ва янгиликларни чоп этадилар. Республикамизда электрон эълон майдонлари кенг тарқалган. Энг оммабоп веб-саҳифа **www.torg.uz** саҳифасидир. Унда турли мавзудаги эълонлар ва янгиликлар эълон қилинади. Агар сиз бирор маҳсулотни сотиб олмоқчи бўлсангиз, ушбу сайтда мос эълонлар билан танишишингиз зарур. Шу билан бирга, агар бирор маҳсулотни сотмоқчи бўлсангиз, ушбу саҳифадан фойдаланишни тавсия этамиз. Унинг кўриниши қуйидагичадир:



Ушбу веб-саҳифа қидирув тизими-га ҳамда каталогларга эга. Ушбу имкони-ятлар ёрдамида Сизга керакли бўлган таклиф-ни тезда топиш

мумкин ёки маҳсулотингизга бўлган талабгорлар билан тезда боғланишингиз мумкин.

Электрон эълонлар каталоги мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган. Бўлим мавзуси асосида зарур эълонни бериш ёки топиш мумкин. Мисол тариқасида, «**Компьютерная техника**» бўлими эълонлари билан танишайлик.



Эълонларни саралаш имконияти мавжуд. Буни экраннинг ўнг томонида жойлашган **Фильтр** менюси ёрдамида амалга ошириш мумкин. Саралашни амалга ошириш учун саралаш тартибини белгилаш ва **Применить** тугмачасини босиш зарур. Саралашни сотиш, сотиб олиш, алмаштириш, ижарага бериш ва совға қилиш ҳақидаги эълонлар бўйича амалга ошириш мумкин. Нархи бўйича ҳам саралаш имконияти мавжуд.

Эълонларни қўйиш тартиби жуда осондир. Бунинг учун **Эълонни қўйиш/Добавить объявление** тугмачасини босинг. У экраннинг ўнг томонида жойлашган. На-тижада экранда дарча ҳосил бўлади.

ДОБАВИТЬ ОБЪЯВЛЕНИЕ

ФИЛЬТР

Очистить фильтр

Тип предложения

☐ Продажа
☐ Покупка
☐ Снятие в аренду
☐ Сдача в аренду
☐ Обмен
☐ Отдан даром
☐ Приму в дар
☐ Лизинг

Цена

от до валюта ▼

Применить

Дарча мазмуни ва эълон бериш тартиби билан танишинг. Эълон бериш учун рўйхатдан ўтиш зарур. Кейин эълонни киритинг. Эълонда фото ва видеофайллар эълонини киритгандан сўнг юклаш мумкин. Эълонни киритишда зарур бўлимни рўйхатдан танлаш зарур.

Эълонни киритиш учун махсус шаклдан фойдаланилади. Эълонда боғланиш учун маълумотларни тўлиқ бериш мақсадга мувофиқ, яъни корхона номи, электрон манзил, телефон рақами, веб-саҳифа манзили киритилади.

Дастлаб эълон мавзуси ва муаллифи экранда акс эттирилади. Эълонни тўлиқ ўқиш учун унда сичқонча тугмачаси босилади.



Эълонлар майдонлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Баъзи майдончаларда эълон бериш учун рўйхатдан ўтиш зарурати йўқ. Баъзи майдонларда чекли эълонларни бепул бериш мумкин. Ҳар бир майдонча ўз тартиб, қоидаларини ўрнатади.

Баъзи эълонлар майдони аниқ мавзуларга бағишланган бўлади. Айрим майдонлар дам олишга оид эълонлардан ташкил топади. Масалан, компьютер техникасига оид эълонлар ёки шаҳар маданий ҳаётига тегишли бўлган эълонлар.



Эълонлар майдонида эълонни қўшгандан сўнг у майдон администратори томонидан кўриб чиқилади. Эълоннинг веб-саҳифага жойлашиши администратор ҳуласасига боғлиқ бўлади. Бундай веб-саҳифаларда эълонлар администратор томонидан модерация қилинади, яъни бошқарилади. Баъзи майдонларда эълонлар модерация қилинмайди.



Эълонларни модерация қилган мақсадга мувофиқ. Чунки баъзи фойдаланувчилар хазил сифатида ёки зарар қилиш мақсадидан ноўрин эълонларни қўйиши мумкин. Шунинг учун эълонлар майдони фойдаланувчилари эътиборини ноўрин эълонлардан ҳалос этиши учун эълонларни модерация қилиш мақсадга мувофиқ.

Эълон мазмуни қанчалик тўлиқ бўлса, шунчалик эълонда кўрсатилган мақсадга тезроқ эришилади. Мазмун аниқ, тушунарли ва зарурий тавсифларга эга бўлиши ва боғланиш учун телефон ва электрон манзилни ўз ичига олиши зарур. Масалан, компьютер сотмоқчи бўлсангиз, эълонда компьютер тавсифини ва телефон ёки электрон манзилни кўрсатиш зарур.



Эълонларни бир-неча рўзномада чоп этгандек, эълонни бир-неча эълонлар майдончаларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Агар эълон фойдаланувчилар эътиборини тезроқ жалб қилишини истасангиз, эълонни эълонлар майдончасининг кўзга кўринарли жойида беришингиз зарур. Бунда баннерлардан фойдаланиш тезроқ натижа беришини ҳисобга олинг.

Шундай қилиб, корхона маҳсулотлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни кенг оммага ёйиш учун эълонлар майдонлари хизматидан фойдаланиш самаралидир.



Топишириқ:

Интернетда Ўзбекистондаги эълонлар майдонларини топинг ва улардаги эълонлар билан танишинг.

www.torg.uz веб-саҳифасида рўйхатдан ўтинг. Ундаги каталоглар билан танишинг. Корхонангиз маҳсулотлари ҳақида эълонни мос бўлимга киритинг.



Электрон биржа



Электрон тижоратнинг кўринишларидан бири электрон биржадир. Анъанавий биржалар фаолиятини Интернет орқали самарали амалга ошириш мумкин. Масалан, электрон иш биржалари мавжуд.



Электрон иш биржаси ёрдамида иш ёки корхонага ходимлар топиш мумкин. Бунинг учун махсус электрон биржа саҳифалари мавжуд.



Биржа бу қимматбаҳо қоғозларни ёки маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олиш мумкин бўлган жойдир. Электрон биржа ушбу мулоқот Интернет орқали бажарилишини таъминлайди. Интернет электрон биржа мижозлар фаолиятини энгиллаштиради ва уларнинг доирасини кенгайтиради.

Анъанавий биржада савдогарлар трейдер деб аталади. Шартномаларни брокерлар тузадилар. Брокерлар бу савдогарларнинг вакилларидир. Биржа савдосида брокерлар экрандаги маълумотларни кузатиб борадилар ва шартномаларни тузиш учун биржа майдонида югуриб юрадилар. Компьютерлар ёрдамида эса брокерлар шартномаларни иш жойида тезда тузадилар, яъни Интернет брокерлар ишини энгиллаштиради. Ҳозирги кунда Интернетнинг ихтиёрий фойдаланувчиси турли биржаларда ўз компютеридан иштирок эта олади. Биржа сервердан ва мижозлар компьютерларидан ташкил топади. Биржани администратор ўз компютери орқали бошқариб боради. Трейдерлар Интернет биржага офисдан боғланиши мумкин ва биржа фаолиятида қатнашиши мумкин. Ҳар бир трейдер биржада иштирок этиши учун аввал руйхатдан ўтиши зарур. Трейдер кайдномаси ёрдамида муомалаларни амалга ошириш мумкин.



Топириқ:

Интернет биржаларни Интернетда топинг ва уларнинг фаолияти билан танишинг. Масалан, www.uzjobs.com биржаси иши билан танишинг.



Адабиётлар

1. «Ахборотлаштириш» тўғрисидаги» Қонун, Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.
2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по организации разработки программы развития компьютерных и информационных технологий на 2001-2005 годы, обеспечения широкого доступа к международным информационным системам «Интернет» (23 мая 2001 г. №230)
3. Указ Президента Республики Узбекистан "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий" (30 мая 2002 г. № УП-3080)
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании деятельности в сфере информационно-коммуникационных технологий» (27 сентября 2002 г. № 36).
5. Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики» (20 июня 2006 года)
6. Тадбиркорлар учун компьютер. Компьютердан бизнестан қандай қилиб, унумли фойдаланиш мумкин. Қўлланма, Тошкент, 2010.
7. Берченко Н., Березовская И. Самоучитель по работе в Интернете и каталог ресурсов. Минск, 1999 г.
8. Нехаев С. А., Кривошеин Н.В. Основные понятия прикладной интернет-техники, Москва, 2001 г.
9. Материалы конференции по телемедицине, Ташкент, 2010 г.
10. Professional Development in Distance Learning, AED, 1998.
11. А. Сучков, М. Азизова. Қизиқарли фактлар. Бутун жаҳон ўргимчак тўри. Интернет ва доменлар тарихидан. – www.infocot.uz
12. Макс Хизер. Наконец и вам доступны 10 главных секретов сбора целевых подписчиков для своей рассылки.
13. Марахимов А., Раҳмонқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма. ТТТУ нашриёти. Тошкент, 2001, 176 бет, расмлар.
14. Раҳмонқулова С.И., Розиев Ф.З.. Виртуал кутубхона. Тошкент-2000, 80 бет.



15. Раҳмонқулова С.И. Таълимда ахборот коммуникацион технологиялар. Ахборот ресурс маркази. Қўлланма. 160 б. Тошкент 2008, «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси, ОТБ, ABU Consult Berlin GmbH
16. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. Тошкент. Ўқув қўлланма. Алоқачи, 2006, 370 бет.
17. <http://www.web-palette.ru>
18. www.mediaweb.ru
19. <http://lex.uz>
20. <http://ict.gov.uz>
21. www.globalscience.ru
22. www.internetworldstats.com
23. www.compdoc.ru
24. <http://ru.wikibooks.org>



Илова

1-илова: Интернетдан фойдаланиш бўйича умумий тавсиялар

- Интернетда маълумотларни қидириш оддийдир. Маълумотларни қидиришда қидирув қоидаларига риоя қилиш зарур.
- Вируслардан ва фирибгар дастурлардан эҳтиёт бўлинг. Улардан химояланиш тартибларига риоя қилинг. Лицензияли антивирус дастурларидан фойдаланинг.
- Веб-саҳифаларни очишда сизга зарур бўлган саҳифаларгагина кириг. Ҳар хил ёрқин рекламаларга эътибор берманг. Чунки улар эътиборни жалб қилишга мўлжалланган бўлиб, вирусланган бўлиши мумкин. Баъзи рекламалар ахлоқсиз мазмунли саҳифаларни очиши мумкин.
- Интернетда турли мазмундаги маълумотлар мавжуд. Улардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинг.
- Интернетдаги маълумотлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. У ердаги маълумотларни ажрата олишни ўрганинг. Чунки тўғри-нотўғри маълумотлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.
- Интернет хизматларидан фойдаланишда шахсий маълумотларингизни киритишда огоҳ бўлинг. Шахсий маълумотларни тўлиқ киритиш зарурати йўқ. Логин ва паролларни ён дафтарчангизга киритиб қўйишни унутманг. Агар пароль ёдингиздан кўтарилган бўлса, уни тиклаш мумкин. Бунинг учун администраторга мурожаат қилиш зарур бўлади.
- Бегона компьютерда электрон почта ёки бошқа хизматлар фойдаланганингизда, ушбу хизматлардан чиқишни унутманг. Акс ҳолда, бегоналар маълумотларингиздан фойдаланиб, сизнинг номингиздан хат юбориши, мулоқот қилиши, буюртмалар ёки талабномалар йўллаши мумкин.
- Интернет фойдаланувчиси ушбу хавфларнинг олдини олиш учун қуйидаги техник ечим ва ташкилий ишларни амалга ошириши зарур:
 - Корхона компьютер тармоғида бегона шахсларни ишлашига йўл қўйманг.
 - Шахсий ва оила аъзоларингиз ҳақидаги маълумотларни (исми шарифингиз, туғилган йилингиз, манзилингиз, банкдаги ҳисоб рақамингиз ҳақидаги маълумотларни) интернет орқали юборманг.
 - Интернетда нотаниш дастурлардан фойдаланманг. Дастурларни фақат ишончли серверлардан кўчиринг.
 - Интернетда мавжуд бўлган ахборотлашган ресурслар ва дастурлардан уларнинг муаллифлари рухсатисиз фойдаланманг.
 - Тармоқда ахлоқсиз мавзудаги маълумотларни ва вирусларни тарқатиш каби ноқонуний ишлар билан шуғулланманг.



- Интернет имкониятларини ўрганиб чиқиш, ундан корхонада фойдаланиш бўйича йўлланма ишлаб чиқиш ва у билан ходимларни таништириш. Ушбу йўлланмада Интернетдан фойдаланиш сиёсатини, хавфсизлик тартиблари ва ходимлар масъулиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.
- Интернет имкониятларидан фойдаланиш юзасидан ва ахборот хавфсизлиги мавзусида ходимлар учун тренинг ташкил этиш зарур. Мунтазам равишда, Интернетнинг янги имкониятлари бўйича форумлар олиб бориш ва унда барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш зарур.
- Интернет ёрдамида ҳужжатларни тайёрлаш, ҳисоботларни тайёрлаш, тадқиқотлар олиб бориш жуда қулай. Масалан, корхона ишлаб чиқарувчи маҳсулот бозорини ўрганмоқчи бўлсангиз, буни Интернет орқали тезда ўрганиш мумкин. Ҳаттоки мижозлар ва ҳамкорлар талаблари, фикрлари ва тавсияларини йиғишингиз мумкин. Лойиҳалар устида ишлаш сифатлироқ бўлади. Чунки Интернет ёрдамида лойиҳанинг долзарблиги ва зарурати, мижозларнинг талаблари ва имкониятларини ўрганиш мумкин.
- Интернетдан мулоқот учун фойдаланиш иш жараёнини тезлаштиради ва харажатларни камайтиради.
- Интернет орқали янги имкониятлар, янги лойиҳалар ва янги ҳамкорлар топиш мумкин. Бу бизнесни ривожлантириш омилidir. Бунинг учун доимо Интернетда корхона учун зарур бўлган янгиликларни, имкониятларни, ҳамкорлар веб-саҳифаларини кузатиб ва форум ва веб-блогларда қатнашиб бориш мумкин.

2-илова: Фойдали веб-саҳифалар манзили ва изоҳи

Веб-саҳифалар сони дунёда ҳар онда кўпаяди. Бу саҳифалар турли-туман ахборотлар, билимлар, янгиликлар, тавсиялар ва бошқа қизиқарли маълумотларни ёритади. Қуйида баъзи оммабоп саҳифалар рўйхатини келтирдик.

- **www.gov.uz** – Ўзбекистон Республика ҳукумати расмий саҳифаси. Саҳифада янгиликлар, иқтисод, тарих, табиий бойликлар ва бошқа маълумотлар батафсил келтирилган.
- **www.aci.uz** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги саҳифаси. Унда янгиликлар, таркиби, алоқа ва ахборотлаштиришга оид қонун ва тавсиялар келтирилади.



- **www.uztelecom.uz** – Ўзбекистон Миллий оператори расмий веб-саҳифаси.
- **www.mtrk.uz** - Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси веб-саҳифаси. Унда дастурлар мазмуни, янгиликлар ва кўрсатувлар ҳақида маълумотлар билан танишиш мумкин.
- **www.infocom.uz** – infoCOM.UZ ахборот-таҳлилий журнал электрон версияси. Унда АКТ ривожланишига оид янгиликлар, лойиҳалар ва турли тадбирлар ҳақида маълумот ёритилади.
- **www.uza.uz** - Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги саҳифаси. Унда турли мавзудаги маълумотлар ва ахборот агентликлари ҳақидаги маълумотларни, янгиликларни олиш мумкин.
- **www.soliq.uz** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси саҳифаси. Юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ бўйича маълумотлар жойлашган.
- **www.customs.uz** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси саҳифаси.
- **www.chamber.uz** - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси веб-саҳифаси. Саҳифада тадбиркорлар учун зарур бўлган маълумотлар жойлашган.
- **www.bfu.uz** – Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳасининг давлат-хусусий диалогини ривожланиши портали.
- **www.norma.uz** - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, кодекслари, Конституцияси, фармонлар ва қарорлар омборидир.
- **http://mikrokreditbank.uz** – Юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банки саҳифаси.
- **www.uzreport.com** - Ахборот аналитик портали. Ўзбекистон, интернет ресурслар, туризм, иш ҳақидаги ва ҳоказо маълумотлар келтирилган.
- **www.uzjobs.com** - Ўзбекистон иш биржаси. Турли мутахассислар бўйича вакансиялар келтирилган. Унинг ёрдамида иш ёки зарур мутахассисни топиш мумкин. Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотни киритиб қўйишингиз мумкин.
- **www.cer.uz** - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар Маркази саҳифаси.
- **www.torg.uz** – Ўзбекистон савдо майдони саҳифаси.

Таълимга оид веб-ресурслар бўйича тавсиялар

- **www.edu.uz** – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги саҳифаси. Унда вазирлик ҳақидаги, таълимга оид янгиликлар ёритилади. Республикадаги таълим муассасалари ҳақидаги маълумотлар ва электрон кутубхонада фанлар бўйича ресурслар мавжуд.



- **www.uzedu.uz** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги саҳифаси. Саҳифада вазирликнинг раҳбарияти, марказий ва ҳудудий аппарати, ҳудудий бўлимлари, янгиликлар, лойиҳа ва танловлар ҳақида маълумотлар келтирилади.
- **www.eduportal.uz** – Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Ахборот-таълим портали саҳифаси.
- **http://multimedia.uz/** - Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мультимедиа маркази саҳифаси.
- **www.ziyonet.uz** – Ижтимоий таълим ахборот тармоғи. У ўзида мактаблар, коллежлар, институт ва университетлар ҳамда ташкилотлар учун фойдали ахборот ресурсларини мужассамлаштиради.
- **www.marifat.uz** – “Маърифат” газетасининг электрон нусхаси. Саҳифада янгиликлар, маъмурий ҳужжатлар, таълим, спорт, маданият, лойиҳаларга оид маълумотлар ёритилади.
- **www.test.uz** – Давлат тест маркази саҳифаси. Унда абитуриентлар учун фойдали бўлган маълумотлар тўла келтирилади. Абитуриентлар тест мисоллари ёрдамида ўзини текшириши мумкин.
- **www.darvoza.uz/ecodic/** - Ўзбек-инглиз-рус тили иқтисодий луғати. 5000 яқин терминлар изоҳи келтирилган.
- **www.bilimdon.uz** – Виртуал билимлар супермаркети. Унда Ўзбекистонда ва чет элда таълимга оид маълумотлар ва янгиликлар келтирилади.
- **www.edunet.uz** – Мактаблараро ресурс маркази саҳифаси. Унда мактаб ўқитувчилари учун фойдали бўлган турли фанлардан ўқув ва методик қўлланмаларни топиш мумкин. Саҳифа форумида мунтазам равишда, ўқитувчилар ҳамкасблари билан ўқув жараёнида АКТ имкониятларидан фойдаланиш малакаси билан тажриба алмашади.
- **www.connect.uz** – Ўзбекистон Таълим портали бўлиб, унда янгиликлар, лойиҳа ва танловлар, замонавий таълим технологияларига оид маълумотлар берилади. Электрон кутубхонада ўқитувчилар томонидан турли фанлар бўйича ишлаб чиқилган 1500 га яқин ўқув режалари ва электрон тақдимотлар, лойиҳалар мавжуд. Турли фанлар бўйича веб-ресурсларга тавсиялар келтирилган. Саҳифа форумида ўқитувчилар ҳамкасблари билан ўқув жараёнида АКТ имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси билан тажриба алмашади.
- **www.glossary.uz** – АКТ бўйича терминлар луғати. Унда 3000 га яқин терминлар келтирилган. Луғат ўзбек, рус ва инглиз тилида. Ушбу луғат БМТ нинг АКТ сиёсати бўйича лойиҳаси томонидан яратилган.



- **www.literature.uz** – Ўзбекистон адабиётига бағишланган саҳифа. Унда шоирлар ва ёзувчилар ҳақида, уларнинг асарларидан мисоллар келтирилган.
- **www.myp.uz** – Ёшларнинг Миллий Портали. Унда ёшлар учун янгиликлар, грант ва лойиҳалар ҳақида, кутубхона, статистика маълумотлари берилади.
- **www.muloqot.uz** – Ижтимоий тармоқ. Ушбу тармоқ ёшларнинг учун маънавий ва жисмоний томондан ривожланиши учун имкониятлар яратишга бағишланган.
- **www.km.ru** – Кирилл Мефодий корхонаси саҳифасидир. Унда янгиликлар, мактаб ўқувчилари учун турли фанлардан қизиқарли ва интерактив қўлланмалар ҳамда виртуал мактаб мавжуд.
- **www.informika.ru** - Россия таълим муассасалари базаси.

Қизиқарли саҳифалар

- **www.louvre.fr** - Франциядаги Лувр музейи мўъжизалари билан таништиради.
- **www.nirvanet.fr** - Дунё маданияти билан таништирувчи саҳифа.
- **www.wikipedia.org** – Ушбу энциклопедияда барча мавзуларга оид маълумотларни ўқиш ва киритиш мумкин. Энциклопедиянинг ўзбек тилидаги ва рус тилидаги саҳифалари мавжуд.
- **www.cybertown.com** - Келажакка саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, шу саҳифани очинг, кибершаҳар кўз олдингизда намоён бўлади.
- **www.internetworldstats.com** – Internet World Stats саҳифаси. Унда дунёдаги Интернет фойдаланувчилари статистикаси қайд этилади.



- **www.oshhona.uz** – Ўзбек миллий таомларига бағишланган веб-саҳифа.
- **www.azu.uz** - Пазандачиликка бағишланган веб-саҳифа.
- **www.gurmaniya.uz** - Пазандачиликка бағишланган веб-саҳифа.
- **www.kinoman.uz** – Кинолар омборхонаси.
- **www.uff.uz** – Футбол янгиликлари, ахборотлари ва ўйинлари ҳақидаги маълумотларга бағишланган саҳифа.



Фонд ва ташкилотлар саҳифалари

- **www.undp.org** - Бирлашган Миллатлар ташкилоти саҳифаси.
- **www.unesco.org** - ЮНЕСКО ташкилоти саҳифаси.
- **www.worldbank.org**– Жаҳон банки саҳифаси.
- **www.fundforum.uz** - «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Фонди веб-саҳифаси. Унда Фонд фаолияти янгиликлари, лойиҳалари ва грантлари ҳақидаги маълумотлар ёритилади.
- **www.ustoz.uz** - Республика Устоз жамғармаси саҳифаси.
- **www.jica.org** - Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг саҳифаси.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИНТЕРНЕТ

Интернетдан бизнесда қандай унумли фойдаланиш мумкин
Қўлланма

Мухаррир: **М. Маджидова**

Дизайнер ва компьютерда саҳифаловчи: **Д. Титаренко**

Босишга рухсат этилди 2012 йил 7 июнь ҳажми 10 б.т.

Офсет босма усулида. Адади 4000 дона

2012 йил 7 июнь, буюртма №206

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

Тошкент шаҳри, Ал Фарғоний кўчаси, 19

«Картография» ДИИЧҚда чоп этилди